

Абдулла Шеносиф

УМР ОҚАР ДАРЁДҲИР





*Юлдузлар ёйдусин киприкда тараб,
Соғиниб, йўтинга минн бора қараб,
Шамолнинг шаштидан тақфоран сўраб,
Изларинг гардини кўзимга сурдим.*

A stylized handwritten signature in black ink, appearing to be 'А. Валиев'.

Абдулла Шоноси

УМР ОҚАР ДАРЁДИР

Сайланма



Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

926 994

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2011

УДК: 821.512.133-1

ББК 84(5Ў)6

Ш78

Ўзининг қатор китоблари билан шеърят ихлосмандлари назарига тушган шоир Абдулла Шоносирнинг «Умр оқар дарёдир» китоби эл-юртга муҳаббат, эзгулик ва некбинликни ифода этувчи шеърлардан таркиб топган.

Шоирнинг халқона, жўшқин ва ўйноқи оҳангдаги сатрлари ўзига хос фалсафаси билан ажралиб туради.

ISBN 978-99-43-01-774-0

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011



ШИФОКОР ВА ШОИР

Буюк юнон олими Афлотуннинг «Қонунлар» китобида галати бир гап бор. Афлотун бундан икки ярим минг йил аввал яшаган. У пайтда кулдорлик замони бўлган. Олим шифокорларни икки гуруҳга бўлади: хур шифокор, кул шифокор.

Хур шифокор – озод шифокор. У беморни даволашдан аввал унинг қалбига йўл топишни ўйлаган, авлод-аждодларига суриштириб, шундан кейингина даволашга киришган. Яъни, беморни ўзининг дўстига айлантириб, ишончини қозонган.

Кул шифокор эса ўзига ўхшаш кулларни даволаган. «Мана бу дорини ичсанг тузаласан, ичмасанг ўласан» дегану бурилиб кетаверган.

Ҳозир шифокорлар орасида бемор дардини, руҳини билладиган, уни оёққа турғозишга ҳаракат қиладиган шифокорлар кўп. Шундайлардан бири Абдулла Шоносир бўлади. У йиллар давомида минглаб беморларнинг дардига даво излаган, ҳар бирига меҳр билан ёндошган. 1967 йили Андижон Тиббиёт институтини тугатгач, оғир шароитда янги ер очаётган Мирзачўл меҳнаткашларига беғараз ва самимий хизмат қилган. Унинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор бўлиши бежиз эмас. Аммо бу ҳақда мактаниб гапирганини ҳеч ким эшитмаган.

А.Шоносир кўп йиллардан бери шеърлар ёзади. У – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. «Ой мўралар уялиб», «Унутма», «Борингга шукур», «Айирмасин», «Оразингни яширма», «Умр тулпори» каби китоблари билан ўзбек

китобхонининг калбидан жой олди. Шеърларида эл дардини, калбидаги орзу-армонларни акс эттирди. Четдан қараганда шифокорлик билан ижодкорлик бир-биридан узоқ хунарга ўхшайди. Аслида улар бир-бирига жуда яқиндир. Чунки ик-каласининг ҳам мақсади битта – шифокор инсон вужудини даволаса, шоир инсон руҳини даволайди. А.Шоносирда ана шу муштараклик бор. Шунинг учун ҳам, айрим шеърларига Шифойи деб тахаллус қўйгани бежиз эмас, албатта.

А. Шоносир шеърларининг ўзига хос муҳим хусусияти – улар ниҳоятда самимий, халқчил, эл дардини чуқур талқин қилувчи, сўзлар содда – юракдан чиққан.

Шоир ўзи ҳис қилган туйғуларни, хаяжонга солган мавзуларни қаламга олади. Соф инсоний муҳаббат, садоқат, меҳр-окибат, Ватанни қадрлаш, мустақилликни авайлаш, ота-онани эъзозлаш, дўстлик, табиатнинг мафтункор манзаралари шоир ижодининг асосий мавзуларидир. Унинг аксарият тўртликларида инсоний фалсафа, теран мазмун бор.

А. Шоносир ижодига хос яна бир хусусият шеърларининг бир қарашда содда, аммо жўшқин ва ўйноқи халқона оҳангда ёзилгани. Шу боисдан шоир шеърларининг бир қанчаси қўшиққа айланган, «Ўзбек йигити», «Ўтма номард қўпригидан», «Унутмайман сени ҳеч қачон», «Қиё-қиё боксанг ёр» қабилар халқ калбидан жой олган.

Ватан ҳақидаги шеърларининг бирида шундай сатрлар бор:

Берсалар-да тахти Сулаймон,
Сийму зардан ботмону ботмон.
Собит бўлсин дилингда иймон,
Элинг билан бўлгин ҳамиша.

«Отажонимни соғиниб» шеърида тасвирланган туйғулар юракдан чиққан, самимий. Шунинг учун ҳам ўқувчини лоқайд қолдирмайди:

Набирамни эркалиб «Отам» дейман,
Сахийларни Сиз сингари Ҳотам дейман.
Сизсиз ўтган ҳар бир оним мотам дейман,
Қаердасиз, меҳрибоним, жоним Отам.
Олийҳиммат, очик кўнгил, олим Отам.

Кийиб кўрсам, менга лойиқ чакмонингиз,
Занг босибди Сиз ишлатган кетмонингиз.
Ҳуриларми энди Сизнинг меҳмонингиз,
Қаердасиз, меҳрибоним, жоним Отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил, олим Отам.

Бошқа бир шеърида эса халқона сатрларда она юртни севиш, ёмон кўзлардан асрашга даъват этади:

Жондан азиз диёримни,
Меҳрибон дўсту ёримни,
Садокат, имон, оримни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Озод, буюк давлатимни,
Мангуберди савлатимни,
Алпомишдек келбатимни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Шоир кексаларни эъозлаш, улар олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш халқимизнинг қадимий ва гўзал удуми эканлигини қатор шеърларида мохирона баён қилаолган.

Шоир она меҳри ҳақида ёзар экан, файласуф, донишманд ота сифатида ёшларни ана шу удумларни сақлашга даъват этади:

Олтинга тенг ҳар бир сўзи,
Насихати бебаҳо.
Қалқондир фарзандга ўзи,
Кенг бағрига сиғар дунё.

Маккага опичлаб ҳатто,
Олиб борсанг онажонинг,
Узолмассан қарзинг асло,
У дунё-ю, бу дунёинг.

Омад ҳақидаги шеърида шоир ёзади:

Кесак отсанг тоғ қулагайдир,
Дил яйратиб боғ гуллагайдир.
Чаманингга зоғ қўнмагайдир,
Омад сенга гар қулиб бокса.

Шоир ўз халкининг миллий қадриятларини ҳамма нарсадан устун қўяди:

Она тилим – ой тилим,
Маъноларга бой тилим.
Минг йиллар сайкал топган,
Шаркираган сой тилим.

Мактовга шоён тилим,
Дунёга аён тилим.
Сенга бағишлаб шеърим,
Айладим баён тилим.

Оддий, ўйноки услубда битилган бу сатрларда бир томондан бизнинг маънавиятимиз узок асрларга бориб тақалиши ифодаланса, иккинчи жиҳатдан она тилимиз мустиқиллик шарофати билан дунёга танилганини ифодалайди.

А.Шоносир ёши улуг инсон сифатида фарзандларга ўғитлар мавзусида ҳам талай шеърлар ёзган:

Унамаса-да сепган донинг.
Қолмаса-да ҳатто нонинг,
Қийналса-да дарддан жонинг,
Олтин олма, дуо ол.

Шоирнинг болалик ва ёшлик хотиралари ёзилган сатрларда ҳам қутилмаган ташбехлар учрайди:

Ёшлигим, о, ёшлигим,
Шўхлигу бебошлигим.
Ялангоёқ чиниккан,
Товонлари тошлигим.

Ушбу китобга – сайланмага Абдулла Шоносирнинг узок йиллар давомида ёзган сара шеърлари киритилган. Икки-та инсоний хунар-шифокорлик ва шоирлик касбида хизмат қилаётган ижодкорнинг асарлари китобхонларимизга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

Унга узок умр, ижодий баркамоллик тилайман.

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
2011 йил, июль

Азиз ватанимиз мустақил-
лигининг 20 йиллигига бағиш-
лайман.

Муаллиф.

АЗИЗ ВАТАНИМ

Баланд тоғлари оппоқ корли,
Яйловлари учкур тулпорли,
Йигит-қизлари ботир, орли,
Сенсан азиз, гўзал Ватаним.

Тупроғинг олтин-кумушга кон,
Боғларинг мисли жаннат макон,
Улуғ номинг тилларда дoston,
Бетакрорсан, азиз Ватаним.

Не-не улуғ зотлар Ватани,
Темур бобом севган маскани,
Шоирлар севиб куйлагани –
Ўзингдирсан, азиз Ватаним.

Кўл, дарёларинг суви зилол,
Халкинг озод, меҳнаткаш, ҳалол,
Келди орзу қилган истиклол,
Озод, хурсан, азиз Ватаним.

Ҳурлик йўлинг нурафшон бўлсин,
Давранг мудом дўстларга тўлсин,
Умринг боқийлик юзин кўрсин,
Тилагим шу, азиз Ватаним.

КАМТАРИН БЎЛ

Белга маҳкам боғлаб гайрат камарин,
Кафтга қўндириб само шамс-камарин,
Зарварок этсанг-да ҳаёт дафтарин,
Камтарин бўлгил ҳамиша, камтарин.

Пойгаларда зафарларни кучсанг ҳам,
Самоларда кушлар каби учсанг ҳам,
Бахтинг кулиб кимхоб чопон бичсанг ҳам,
Камтарин бўлгил ҳамиша, камтарин.

Сийму заринг етса ҳамки осмона,
Хизматингда бўлса аҳли замона,
Кеккаймагин ошкора-ю пинҳона,
Камтарин бўлгил ҳамиша, камтарин.

Манманлик дардига бўлма мубтало,
Билимдон сезмагил ўзингни танҳо,
Ўзгалар устидан кулмайин асло,
Камтарин бўлгил ҳамиша, камтарин.

Яшасанг ҳам тенгсиз шоҳона қасрда,
Ижодинг гулласа ҳам назм, ҳам насрда,
Тоблантириб ўзинг, қаноат-сабрда,
Камтарин бўлгил ҳамиша, камтарин.

Билгилки, дунёга бўлмайсан устун,
Ҳаётинг ширину, ўтсада гулгун.
Киборга тўлдирмай ер юзин бутун,
Камтарин бўлгил ҳамиша, камтарин.



КАРАМДА ТЕНГСИЗ БЎЛ

Ҳасад кўзи асло давлатга тўймас,
Кибру ҳаволилар савлатга тўймас,
Нияти фоҳишлар хилватга тўймас,
Борига шукур қил, бесабрдан қоч,
Мурод-мақсадингга бағрингни кенг оч.

Оёғинг остида гуллар унганда,
Бошингга бахт куши келиб қўнганда,
Омад отин миниб, зафар кучганда,
Шукуроналар кил, ношукурдан қоч,
Сабру каноатга бағрингни кенг оч.

Фоний дунё ўтар, абадий эмас,
Зарга сиғинмагил, қилмагил хавас,
Бокийга молу мулк, олиб кетилмас,
Карамда тенгсиз бўл, ҳасадгўйдан қоч,
Етим-есирларга иссик бағринг оч.

Орзу мақсадларинг бўлса-да поймол,
Қасби коринг гоҳо топса-да завол,
Заҳматлар чексанг-у, топмасанг камол,
Қўнглингни чўқтирма, ноумиддан қоч,
Порлоқ келажакка бағрингни кенг оч.

Ўтдилар ҳоконлар, амирлар ўтди,
Ёғоч отларида манзилга етди,
Яхшию ёмонлар келмасга кетди,
Умр тила ўзингга, ножинслардан қоч,
Бокийлик елига бағрингни кенг оч.

Не қилсангда ҳардам, савобни ўйла,
Илм-фан уммонида билиминг бўйла,

Ёлғонга ён босма, ростини сўйла,
Маърифатли бўлгил, жоҳиллардан коч,
Комил инсонларга бағрингни кенг оч.

Эй Абдулла, мудом нафсингни тийгил,
Ҳар инсон кадрини мукаддас билгил,
Эрк бермагил асло, суяксиздир тил,
Сабр қаноатли бўл, ноҳақликдан коч,
Оқилларга кавсар булоғини оч.



* * *

Сабру тоқатнинг ажри, билгил жаннатдир,
Жойиздир ани мудом ёдда сақламок.
Қилган яхшилигинг эслатиш миннатдир,
Қуфрдир бундайин каж хулкни ёкламок.

* * *

Умрингдан бир сония колганда ҳам,
Амали солиҳга сарфлагил уни.
Етимга берганинг биргина дирҳам,
Савобга айланур Явмуддин куни.

* * *

Инсон залолатдан ҳеч эмасдир холи,
Ҳаёт ўтмагай мукаммалу бенуксон.
Лек, фозилу мард киши кетса-да моли,
Хатосин тузатишга, топади имкон.

ЎЗБЕКИСТОН САХОВАТПЕШАЛАР ВАТАНИ

Ўзбекистон озод, меҳнаткаш эл ватани,
Ҳар инсон топгайдур бунда обрў-эътибор,
Турлича бўлса ҳам дини, миллати, тани,
Бу ўлкада осойишта, яшар бахтиёр.

Ғамнинг юкидин ҳеч кимнинг букилмас бели,
Инсон борки четда қолмас меҳру шафкатдан,
Ғамхўр, мангу паноҳ бўлиб меҳнаткаш эли,
Дариғ тутмас ҳеч кимни ўз мурувватидан.

Ватанимда барча бир тану бир жон бўлиб,
Бир биридан аямас ҳеч ўз ҳимматини,
Меҳру шафкат улкан дарё каби,

мавжланиб,

Оширмиш яна инсонийлик қимматини.

Ўзбек элим саховатпешалар макони,
Етим-есир бошин силаш одатдир бунда,
Ҳар кимсанинг агар андак бўлса имкони,
Ёрдам қўлин чўзур, мухтожлик кўрса кимда.

Бағри кенг, меҳнаткаш халким, сендан

ўргилай,

Сақла одамийликка хос урф-одатингни,
Қадрига ет ҳар инсоннинг, шунда оширгай
Яратганнинг ўзи бахту саодатингни.



ИМОН ТИЛАЙМАН

Тўғри йўлда ҳам қоқилсам,
Хазондек ерга тўқилсам,
Дарддан тўлғониб буқилсам,
Аллоҳдан сабот тилайман.

Инонган дўстлар «сотсалар»,
Ёки гуноҳга ботсалар,
Ғанимларим тош отсалар,
Аллоҳдан нажот тилайман.

Кўнгилдан кетиб қаноат,
Учратса турли синоат,
Ёғилса тухмат, маломат,
Аллоҳдан имдод тилайман.

Фарзандларим суйганимда,
Гоҳ севиб, гоҳ куйганимда,
Ғамни енгиб, туйганимда,
Аллоҳдан иршод¹ тилайман.

Дилим эзиб ғаму кадар,
Бўзлаганда шому саҳар,
Ўртанса дил, мисли аҳгар²,
Аллоҳдан тоқат тилайман.

Дашту саҳролар кезганда,
Ҳасадли «дўстдан» безганда,
Бошда хавф-хатар сезганда,
Аллоҳдан паноҳ тилайман.

Берган умрига шукрона,
Айтмасам, дилим гирёна,
Ошкораю пинҳона,
Аллоҳдан имон тилайман.

¹ Иршод – йўлга солиш.

² Аҳгар – лаҳча чўғ.

ЎТМА НОМАРД КЎПРИГИДАН

Ўтма номард кўпригидан,
Сойлар тўлиб окканда ҳам,
Жой бермагил уй тўрингдан,
Номард эшик кокканда ҳам.

Ориятинг сакла мудом,
Молу давлат кетганда ҳам,
Олмагил «номард» деган ном,
Тандин жонинг чикқанда ҳам.

Маслаҳатни марддан сўра,
Ишларинг гар битганда ҳам,
Ножинсларга ҳамроҳ бўлма,
Уммонларда чўкканда ҳам.

Нокаслардан кутма нажот,
Жон бўғзингга келганда ҳам,
Кутмагил алардин ҳожат,
Кўнглинг ғамга тўлганда ҳам.

Нодўстлар сенга ачинмас,
Инграма дард букканда ҳам,
Узмагил ердан оёгинг,
Бошинг кўкка етганда ҳам.

Очма сиринг ўзгаларга,
Дилинг сиёҳ бўлганда ҳам,
Инонма мактов сўзларга,
Гарчи у хуш ёкканда ҳам.



ОНА ТУРОНИМ

Айланайин сойларингни садосидан,
Лол коламан кизларингни ибосидан,
Яшнайбергин момоларинг дуосидан,
Эй, азиз, хуррам юртим, она Туроним.

Довруғингни куйлаган достонларинг бор,
Бекиёсу яшнаган бўстонларинг бор,
Сени дилдан сўзлаган Усмонларинг бор,
Эй, азиз, хуррам юртим, она Туроним.

Очун ичра ўзинг яккаю ягона,
Самоват дарёсида унган дурдона,
Ойдин кечалар, тўлин ойга дугона,
Эй, азиз, хуррам юртим, она Туроним.

Дил яйрайди бетакрор наволарингдан,
Энтикар юрак, марғуб¹ хаволарингдан,
Юлдуз бўлиб мўралай самоларингдан,
Эй, азиз, хуррам юртим, она Туроним.

Сенга жонлар фидо килса арзийди,
Сенда ғаму ташвишлар бошдан арийди,
Музли диллар ҳам, мисли шамдек эрийди,
Эй, азиз, хуррам юртим, она Туроним.



¹ *Марғуб* – ёқимли, севимли.

УМР МАЗМУНИ...

Ғафлатда ўтказсанг азиз умрингни,
Беҳуда ишлатсанг ғайрат кучингни,
Юртинг ғами оғритмаса дилингни,
Яшагандан яшамаган яхширок.

Ҳам адашсанг, ҳам қоқилсанг йўлингда,
Караминг йўқ, имкон бўлса-да қўлингда,
Зулм кўрсалар сендан ўнгу сўлингда,
Яшагандан, яшамаган яхширок.

Яратмасанг бир гулзору боғу роғ,
Гуноҳларинг улкан бўлса мисли тоғ,
Дўстларингга очолмасанг кенг қучоғ,
Яшагандан яшамаган яхширок.

Қадрига етмасанг азиз Ватанни,
Қурбон қилолмасанг унинг-чун жонни,
Равнакига тополмасанг имконни,
Яшагандан яшамаган яхширок.

Керак вақти бўлмаса ширин сўзинг,
Ажратмаса дўстни ғанимдан кўзинг,
Ҳарому ҳаришга ўргатсанг ўзинг,
Яшагандан яшамаган яхширок.

Ботир бўлиб ғанимларинг янчмасанг,
Ўз халқингга кенг бағрингни очмасанг,
Ризкинг ўйлаб далангга дон сочмасанг
Яшагандан яшамаган яхширок.

Пуч бўлса гар жасорату ғайратинг,
Омонат бўлса курган иморатинг,
Оғритса кўнгилларни маломатинг,
Яшагандан яшамаган яхшироқ.

Умринг окар сувдай оксаю кетса,
Сендан ўзгаларга заҳматлар етса,
Ҳаётинг азоб-укубатда ўтса,
Яшагандан яшамаган яхшироқ.



* * *

Қуёш уфкка гар қўяр экан бош,
Ҳаётдан бир кунни кетади олиб.
Такдир залворига берибон бардош.
Умр тулпори ҳеч, тўхтамас толиб.

* * *

Имон елига сен бағрингни очсанг,
Куфр илкинг ушлаб, бошламас олға,
Карамда Ҳотамдек борингни сочсанг,
Ҳақ сенга жаннатни этади совға.

* * *

Ҳар жабҳада сабр-тоқатли бўл,
Эрк бермагил асло нафсингга.
Бил, тиланишга ўрганган қўл,
Лойик эмас мактов, таҳсинга.


ЁРИМ ДЕСАНГ БАС

Киприкларинг пайкони бўлай,
Қошларингни тенгсиз камони.
Рашкинг ўтин қалқони бўлай,
Этиб фидо бу азиз жонни.
Илтимосим гўзал маликам,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Кўнгил эмас – шунчаки ҳавас.

Ҳижронларга мени ташлабон,
Азоблар-ла кўзим ёшлабон,
Куйдирибон фироқда ёмон,
Чектирсанг ҳам умрбод нолон.
Тилаганим сендан санамим,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Кўнгил эмас – шунчаки ҳавас.

Орзуларим бўлса-да абас,
Дунёимни этсанг-да кафас,
Қўл узатсам сенга бир нафас,
Мен бахтлиман, ўзгача эмас.
Танлаганим ширин асалим,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Кўнгил эмас – шунчаки ҳавас.

Қанот ёзиб учсам сен томон,
Кутмасанг-да мени ҳеч қачон,
Майли, сен-чун таслим қилай жон,
Севгимдан гар, сен қилсанг гумон.
Ишончимни оқлаб малагим,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Кўнгил эмас – шунчаки ҳавас.



Айтиш учун кўнгил розини,
Куйга солдим дилда борини,
Тараххум эт менга дилдорим,
Айб этмагил дил изхорини.
Толеимни ёқлаб гўзалим,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Кўнгил эмас – шунчаки ҳавас.



* * *

Истасанг номинг улуғлашларин,
Ёру дўстлардан хабар ол, хабар.
Топган бир луқма ошингни ҳатто,
Бахам кўр дўстларингла ҳар сафар.

* * *

Хусну жамолинг билгил абадий эмас,
Ўтиб кетар бир кун у колдириб доғда.
Жой олурлар ажинлар, яйраб басма-бас,
Бир вақтлари товланган, гулгун ёноқда.

* * *

Бугунги мансабингга инонма асло,
Мансаб абадий эмас келару кетар.
Ким шуҳрат дардига бўлса мубтало,
Амалидан тушгач у, билмадим нетар.

ЯШАЙ ДЕСАНГ ШОҲОНА

Яшай десанг шоҳона,
Мукаддас Ватанинга,
Меҳнат қилгил мардона –
То қувват бор тананга.

Жўшиб ғайратинг сени,
Чўлни обод айлагил,
Ошир Ватан равнакин,
Тўғри йўлдан тоймагил.

Қадрига етгил мудом,
Халкинг урфу одатин,
Илм чўккисин кўзла,
Ўйлаб юрт саодатин.

Сакла дўстликни ҳар дам,
Бирликдадир куч ҳаргиз,
Дўстлик бўлса мустаҳкам,
Ошгайдир қудратимиз.

Қўллаб авлодлар руҳи,
Тинчлик бўлур барқарор,
Ошиб Ватан шукуҳи,
Яшнагай она диёр.



ТОПИЛМАС

Дўстгинам, қулоқ сол, айтар сўзимга,
Урилди ҳур еллар менинг юзимга,
Ватаннинг тупроғин суртай кўзимга,
Ҳеч жойда бундайин имкон топилмас.

Ишонма сен ёлғон, пуч ваъдаларга,
Ватан деб лоф урган ғамзадаларга,
Кўксингни очгил ҳур шабадаларга,
Бундай замон, бундок даврон топилмас.

Тоғдай халқ бор экан, кўнглинг бўлсин тўқ,
Нишонга тегмагай ёвлар отган ўқ,
Беҳуда кон тўқмоқ ҳеч бир динда йўқ,
Ватанфуруш дилида иймон топилмас.

Боболар ўтган ер ҳурматин сақлаб,
Ёр-дўстлар кўрсатган иззатин оқлаб,
Чикқил адолатни ҳамиша ёклаб,
Адолатдек метин қалқон топилмас.

Бу йўлда топилгай толиб-ҳорғувчи,
Пешона терини қонга қорғувчи,
Лек, улуғ манзилни кўзлаб борғувчи,
Қарвондек шарафли қарвон топилмас.

Мозийдан гоҳ қувонч, гоҳ додлар келур,
Ватан, Ватан дея фарёдлар келур,
Аждодлар руҳидан имдодлар келур,
Бундок муқаддас ер-осмон топилмас.

Бир кун бокиб босган изларимизга,
Шуълалар ёйилгай юзларимизга,
Дегаймиз ўғилу кизларимизга:
Ватандек муқаддас макон топилмас.

ИНСОН БОРКИ

Орзуларнинг йўқдир адоғи,
Ҳаётнинг қўп аччик сабоғи,
Меҳнатдандир қўлнинг қадоғи,
Меҳнатдан ҳеч қочгучи бўлманг.

Ҳар кишига нияти ёрдир,
Қиш фаслининг жамоли қордир,
Полвон бўлсанг йиқилмак ордир,
Майдондан сиз қочгучи бўлманг.

Ғамнинг бўлмас яхши ёмони,
Инсон борки, бордир армони,
Чиндан севса бўлмас гумони,
Соф севгидан қочгучи бўлманг.

Бир йигитга қирк хунар оздир,
Қўлнинг кўрки ўрдагу ғоздир,
Дилга малҳам сайроки создир,
Созни ташлаб қочгучи бўлманг.

Йўлинг унгай хос бўлса улов,
Молинг омон соз бўлса қишлов,
Қош-киприкка қўнса гар киров,
Совук дебон қочгучи бўлманг.

Эй биродар, кўзингни очгил,
Эл-улусга меҳрингни сочгил,
Яхшини де, ёмондан қочгил,
Софдиллардан қочгучи бўлманг.



МУҚАДДАС ВАТАН

Ватаним сарҳадлари эрур, дахлсиз,
Шу ердан бошланур жаннатмакон диёр,
Унинг ҳар қаричи тоғ, ё чўлми сувсиз,
Муқаддасдир, бермаймиз бировга зинҳор.

Фароғат гулшани бу, ҳалки бунёдкор,
Ҳеч қачон букмагай баҳодирдек қаддин,
Тинчликсевар у, бировга бермас озор,
Лекин, йўл қўймас бузмоқликка сарҳаддин.

Ўзбегим тўғри сўзли, дўстликда аъло,
Фитна-фасодни ёмон кўрар азалдан,
Ёрдам қўлин чўзар ўзгаларга, аммо,
Рози бўлмас у, ҳаловатин бузгандан.

Маърифатга интилар ўғил-қизлари
Сўндириб абад жаҳолатнинг чироғин,
Улуғ боболаридек изланишлари,
Кўзин очгай зўр кашфиётлар булоғин.

Йигитлари меҳнатдан толмас ва чаккон,
Боғлар яратурлар чўнг сўлим осойиш,
Оқ пахтасидан яратиб тоғ-тоғ хирмон,
Беҳисоб бойлигин қилурлар намоиш.

Ишончим комил, Ватан зарҳал ялови,
Хилпирар юртим узра виқор-ла мудом,
Мангу сўнмай элимда тинчлик олови,
Дўстликда топгай ҳалким иззату икром.



БАҲОР НАВОСИ

Баҳор келиб лолалар очганда чирой,
Дала-даштлар майсаларга чўлғонади.
Боғлар аро тўлиб оккан шаркироқ сой,
Сувларини сиғдиролмай тўлғонади.

Қояларни ўпиб ўтган абри найсон,
Йўналади далам томон шошилмайин.
Шохларда турли куртаклар бўртиб ғужғон,
Кутишар баҳор ёмғирин очилмайин.

Чор атрофда чаманзор, баҳор гуллайди,
Шабнам ювади лолакизғалдок юзин.
Дала гуллари хушбўй, ифор элайди,
Баҳорий китобига муҳрлаб изин.

Ҳар бир куртакда янги ҳаёт нафаси,
Жилғалар жўр бўлишар булбул куйига.
Ҳамалдан дарак, момакалдирок саси,
Борлиқ оламни чорлар, Наврўз тўйига.

Бошланар ўлкамда катта тўй, тантана,
Самоларга таралар байрам навоси.
Дошқозонларда қайнар, сумалак яна,
Қувнаб шодликка тўлар, баҳор ҳавоси.



ИМОНИНГ САҚЛА

Заминни кучолмайсан, кучоғинг етмас,
Шамолга етолмайсан, имконинг етмас,
Кушлардек учолмассан, парвозинг етмас,
Имконингни чамала, ишончинг сақла.

Пок инсонсан, имон нури тарк этмайди,
Ожизлар нолишдан ҳеч нари ўтмайди,
Мардлар жанггоҳда дўстин, ташлаб
кетмайди,
Гар мусулмон эрурсан, имонинг сақла.

Юлдузлар ёғдуси ойдек ёруғ эмас,
Чин инсон виждонин сотиб, зарни демас,
Бўғзи ҳалоллар ҳаромдан лукма емас,
Ҳалолу софдил бўлгил, виждонинг сақла.

Жисмингни ёндирса азобу укубат,
Сароблар бўлиб чикса севги-муҳаббат,
Гар қалбинг мавҳумликдан бўлса бетоқат,
Сабр қаноатли бўлгил, ороминг сақла.

Ҳаётда ушлолмасанг марднинг баърини¹,
Бошингдан сочолмасанг омад зарини,
Ҳурматин қилолмасанг ёшу қарини,
Аклу ҳушинг пешлагил, обрўинг сақла.



¹ Баъри – этаги.

ЁРА АЙТИНГ

Тонгда эсган саболар,
Соғинчим ёра айтинг.
Шўх таралган наволар,
Ўтинчим ёра айтинг.

Булбулдайн субҳи шом,
Куйлашим ёра айтинг.
Ёдда саклабон мудом,
Ўйлашим ёра айтинг.

Йўлларида нигорон,
Бўзлашим ёра айтинг.
Ишкимни тутмай пинҳон,
Сўзлашим ёра айтинг.

Севгим куйида тортган,
Азобим ёра айтинг.
Ҳижронларда ўртанган,
Озорим ёра айтинг.

Мендай ношуд ошиғин,
Борлигин ёра айтинг.
Бир кўришга изларин
Зорлигим ёра айтинг.



АЙЛАЙ БАЁН

Туйғуларим бұлсин деб аён,
Сенга битгум ғазаллар мудом,
Ишк-мухаббатим айлаб баён,
Шеърларимни этайин инъом.

Ғазалларим дарёдай окиб,
Йўл топарлар балки қалбингга,
Юрагингда ишк ўтин ёкиб,
Ишк шаробин ичирур сенга.

Ё тонг шамолидай оҳиста,
Силаб ўтар қошу хилолинг,
Ёки дилга бўлиб пайваста,
Куйлаб елар тенгсиз жамолинг.

Кўлларингга ушлатиб қалам,
Ёздиар балки юрак розинг,
Ҳижронли дилга бўлиб малҳам,
Куйлатарму қўлингга созинг.

Балки бўлиб қуёшу ойинг,
Ёритгайдир ҳаёт йўлингни.
Балки бўлиб шўх оқар сойинг,
Чаманзор айлар ўнгу сўлингни.

Инонгум мен, кетмайин абас,
Шеърим топар қалбингга йўлни,
Демайин бу ўткинчи ҳавас,
Инониб қўй, кўксимга қўлни.



ҲУР ЎЗБЕКИСТОН

Яшайвер-яшнайвер, хур Ўзбекистон,
Халқимга сен бўлиб жаннати макон,
Озодлик барчага яратмиш имкон,
Ўқишга, ишлашга, яшашга шодон.

Кечаги ўтмишга ташласам назар,
Юрагим орқага тортиб кетади,
Юз эллик йиллик қуллик азобига,
Билмадим, оталар кандок, чидади.

Худога минг шукур, ўтди у йиллар,
Истиқлол туфайли келди хур замон,
Озодлик кадрини яхши биламиз,
Қайтмасин у кунлар энди ҳеч қачон.

Юртбошим бошлаган порлок йўл ила,
Олға кадам ташлар халқим мардона,
Орқага йўл йўқдир, олға бос, олға,
Ўтсин десанг ҳаёт мудом шоҳона.

Озодсан, эркинсан минг йиллар яша,
Олға бос, юксалсин қудратинг яна,
Дунёга таралсин замонлар оша,
Довруғинг, шуҳратинг бўлиб афсона.

Турли балолардан саклагай Худо,
Меҳнаткаш халқимни, азиз юртимни.
Мен шул эл фарзанди, мақсадим илло —
Роҳат-фароғатда кўриш элимни.



ЮЛДУЗСАН ПОРЛОК

Гупиради томиримда коним,
Иболи бир бокканингда, ёр,
Сенинг бирла порлок икболим,
Ёнимда бўл қилмай интизор.

Мен учун сен юлдузсан порлок,
Маст бўламан ишқинг нуридан.
Бахтиёр этай десанг ҳар чок,
Жой олгил сен қалбим тўридан.

Гулғунчадек лаблар болини,
Тотурманми бир куни, билмам.
Гўзал ёрим қора холини,
Соғинаман кўрмасам бир дам.

Белинг узра қиркта кокилинг,
Хуш кўраман бир-бир санашни.
Қуйласанг сен таърифлаб ишқинг,
Бас қилади булбул хонишни.

Эй Шифойи, хурсанд бўл минг бор,
Топганингдан бахт-икболингни.
Насиб этмишдир парирухсор,
Қуёшдай ёритиб йўлингни.



ФАРЗАНДИМГА НАСИХАТ

Эй фарзандим, сенга бу насихат сўзим,
Тинглаб жон кулоғингла, чикарма ёддан,
Очик кетмасин десанг дунёдан кўзим,
Ватанни севгил, сақлагил уни ёвдан.

Ўтган улуғ аждодлар руҳин этиб шод,
Амал кил юксак кадриятларимизга,
Илму меҳнатда Ватанни қилиб обод,
Кўз-кўз кил, узок-якин дўстларимизга.

Бу юртни кадрига ет, билгил ягона,
Азиз тупроғин қилгил бўйнингга тумор,
Она заминда йўқдир бундай дурдона,
Кўрку жамолда бекиёсу бетакрор.

Гўзал водий, пурвиқор тоғларига бок,
Жаннат мисоли боғлар жой олмиш бунда,
Ўғил-қизлари сергак, билимга чанкок,
Меҳнаткаш халқи яшар озод, фархунда.

Истасанг гар миннатдор келажак авлод,
Эга бўлишин озод, улуғ Ватанга,
Юксалтир уни, ҳимоя қил умрбод,
Бул насихатим сингдириб жону танга.



ЎЗБЕГИМ, ЎЗИБЕГИМ

Ўзбегим, ўзибегим абадий яша,
Сени аждодлар руҳи килсин тарбия.
Чексиз шону шуҳратинг ошиб ҳамиша,
Ғалабалар нишонла, янгрat мадҳия.

Равнақда танлаган ўз қутлуғ йўлинг бор,
Қўлингдaдир улкан режалар жилови.
Толеинг баланд, бахту иқбол сенга ёр,
Тинчлигинг эрур, зафарларинг гарови.

Осмонингда порлайди музаффар қуёш,
Сочиб бекиёс дуру гавҳарлардан нур.
Истиқлол туфайли мағрур қўтариб бош,
Дадил ташлайсан қадам, дил тўла ғурур.

Озод халқдирсан энди, Худога шукур,
Келажaгинг ривожин ўйлайсан ҳарчанд.
Ғалаба, ютуғингдан бекиёс масрур,
Бўлиб яша ҳурликда абадул-абад.

Дўстликда машхур эрурсан, она халким,
Барча миллатлар сенда яшар бахтиёр.
Мангу бор бўлиб заминда истиклолим,
Даврон сургин-у, завол кўрмагин зинҳор.



ЙИГИТ СЎЗИДАН ҚАЙТМАС

Йигит сўздан қайтмас,
Бошга қилич келса ҳам.
Душманга сирин очмас,
Жондан жудо бўлса ҳам.

Ватан учун жонини,
Бермакликка тайёр у.
Тарк этмас асло уни,
Юртни севишдек туйғу.

Наъра тортиб ёвига,
Солганида дулдул от,
Ҳамроҳ бўлади унга,
Мардлик, чидам ва сабот.

Мехнатининг меваси,
Эрур обод чорбоғлар.
Ҳосил тўла даласи,
Унинг кўнглини чоғлар.

Ёрига садоқатин,
Қиёси йўқдир асло.
Дўстларга оқибатин,
Сигдиrolмагай само.

Мард йигитлар бор экан,
Эл-юртда бўлар тинчлик.
Осойиш ҳаёт ичра,
Барқ уради эзгулик.



АСРА

Ўрин бермагил калбингдан ҳеч жаҳолатга,
Имконият ярат юксалиш, камолотга,
Ноқобил фарзандлар қўймасин хижолатга,
Сергак бўлгил, она халқим, юртингни асра.

Мусофирга жой берасан уйинг тўридан,
Баҳра олурлар ғариблар калбинг қўридан,
Нурафшон озод йўлинг меҳринг нуридан,
Сергак бўлгил, она халқим, меҳрингни асра.

Очик чехра ила кутиб ол меҳмонингни,
Покиза тут, ардоқла тоза имонингни,
Ғанимдан саклай бил мусаффо осмонингни,
Сергак бўлгил, она халқим, имонинг асра.

Камсукум, меҳнаткаш, камтаринсан бекиёс,
Тенгсиз, болажонсан фақат ўзбекликка хос,
Ватанга меҳр-садоқатинг ўзлигинга мос,
Сергак бўлгил, она халқим, фарзандинг асра.

Мард бўл, бўлмасин эҳсон-караминг адоси,
Дилингда янграсин озодлик куй-садоси,
Битмасин сенга дўсту ёр севги-вафоси,
Сергак бўлгил, она халқим, караминг асра.

Ҳар фуқоранг сенда албат топгайдур паноҳ,
Ҳар бирини ҳолидан сен эрурсан огоҳ,
Бахту икболингни ҳардам қўлласин Аллоҳ,
Сергак бўлгил, она халқим, икболинг асра.

Барча кондош халқлар сенда шоду бахтиёр,
Яшарлар билмайин ғаму андуҳни зинҳор,
Дўстликда қудратинг яна ошгайдир бисёр,
Сергак бўлгил, она халқим, дўстлигинг асра.

Омон бўлсин Юртбошим, озод юрт сардори,
Ватаннинг равнақи унинг мақсади, ори,
Тинчлигу хотиржамлигинг қўйиб юкори,
Сергак бўлгил, она халқим, Юртбошинг асра.



* * *

Нодон билан бўлгунча сен ҳамтовок,
Дононинг қўлидан заҳар ют заҳар.
Ёдда тутгил мудом халқнинг мақолин:
«Донога эргашган – довондан ошар».

* * *

Дунё эрур мисли кўрғонсиз работ,
Келиб-кетаверар одамлар бир-бир.
Бировдан колса гар боғ ва яхши от,
Бирови гулшанларни килар тақир.

* * *

Топсанг гар қаловин қор ҳам ёнади,
Тегаверсанг ёнган ўт ҳам сўнади.
Дўстинг бўлса бемехр, оқибатсиз,
Ғамли кунинг сендан дарҳол тонади.

АЙИРМАСИН

Кел жонгинам эшитгил, сенга сўзим бор,
Жон кулоғинг-ла тингла, бергил эътибор,
Айтайин мен ҳаммасин, дилимда не бор,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Учар кушман, қанотларим қайирмасин.

Ҳамон ёдимда ўшал окшом, ўшал он,
Келажак ҳаёт бўлар дебон чароғон,
Юлдузлар гувоҳ, этгандик аҳду паймон,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Учар кушман, қанотларим қайирмасин.

Шундан сўнг қаторлашиб ўтдилар йиллар,
Бир йили тутса тикон, бир йили гуллар,
Барчасига чидадик, чидадик бизлар,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Учар кушман, қанотларим қайирмасин.

Фарзандлар тухфа этди Яратган эгам,
Бир-биридан зарифу бекиёс, ўктам,
Инсонларга хос бахтдан қилмайин бекам,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Учар кушман, қанотларим қайирмасин.

Сен бирла ҳаёт кечди ширин ва қувноқ,
Ғаму андух кўнгилдин, бўлди кўп йирок,
Меҳринг нури сўнмади, мисоли булок,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Учар кушман, қанотларим қайирмасин.

Инонганим, севганим ўзингсан танҳо,
Гўзалликда бекиёс малаксан гўё,
Сенсиз ўтган ҳар куним тундайин қаро,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Учар кушман, қанотларим қайирмасин.

Осмонимни босмади ҳеч, абри найсон,
Ҳаётим сен-ла ўтди осуда-шодон,
Сўзларим чин дилимдан, жонгинам инон,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Уچار кушман, қанотларим қайирмасин.

Хотиротга айланиб умр дафтари,
Тугаб бормокда фоний дунё сафари,
Айтилмай қолмасидан кўнгил гаплари,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Уچار кушман, қанотларим қайирмасин.

Алвидо дейишга ҳеч тилим бормаиди,
Билмам, эртанги куним қайга чорлайди,
Не бўлса-да Абдулланг сени куйлайди,
Сени мендан, мени сендан айирмасин,
Уچار кушман, қанотларим қайирмасин.



* * *

Сўзинг қайтар жойда сўзлама асло,
Беҳислар олдида бўзлама асло,
Ҳар ерда, ҳар қачон обрўйинг саклаб,
Иззатсиз манзилни кўзлама асло.

* * *

Эгри дарахт тўсинликка ярамас,
Яхши сўз кутмангиз асло ёмондин.
Элин суймагани эл ҳам сийламас,
Нишонсиз ўқ узилмагай камондин.

ЎЗИМ ЧОРАМАН

Гўзал боғингни боғбониман,
Гуллар сочайин йўлларингга.
Карвонинг содик сарбониман,
Изминни бердим кўлларингга.

Оҳиста кўйсанг кадам агар,
Латиф изларинг туробиман.
Лайлу наҳор лиммо-лим тўлар,
Қадахлар шарбат, гулобиман.

Таҳсинига хусну жамолинг,
Тополмайин сўз, гирёнаман.
Бекиёсу кўркам камолинг,
Васлига етмай бирёнаман.

Айлагил кулингга тарахҳум,
Ошиқ кўнглингни армониман.
Кўз ўнгимда бўлсанг тажассум¹,
Висол онларин дармониман.

Пешвоз чикибон кутсанг, магар,
Қутлуғ кошонанг меҳмониман.
Ҳабибинг бўлиб умрим кадар,
Муҳаббат касринг дарбониман

Кўриш-чун оразинг зарифин,
Азмида мудом оввораман.
Айтайин зоримни кай бирин,
Нотавон, ноком² бечораман.

Эй Абдулла, бўлиб, хижолат,
Дема, ғамдан дили пораман.
Дилда унган муҳаббат дегай:
Ҳар балога ўзим чораман.

¹ *Тажассум* – гавадланиш.

² *Ноком* – мақсадга эришмаган.

ҒАМХЎРИМ ВАТАН

Гўзаллигинг бетакрор,
Фарзандларинг бунёдкор,
Бахту икболга сен ёр,
Ўзингсан Она диёр.

Буюк аждодлар ёдин,
Ҳам уларнинг фарёдин,
Ҳурлик деб чеккан додин,
Унутмайсан сен зинҳор.

Истиклолинг – истикбол,
Нуридан топсин икбол,
Шарафинг кўрмай завол,
Топаверсин эътибор.

Мисли жаннат яшнагин,
Ғаним кўнглин ғашлагин,
Элинг олға бошлагин,
Ғалабанг бўлсин бисёр.

Етти иклим ҳаваси,
Бўлсин меҳринг меваси,
Янграб ўзбек шеваси,
Дўстликда бўл устувор.

Илму фанда топ минҳож¹,
Юксакликка қўй меърож²,
Маърифатни қилиб тож,
Ривожда бўл барқарор.

Тенглар ичида тенгсан,
Улуғсан, бағри кенгсан,
Заминда танҳо элсан,
Менинг учун ғамғусор.

¹ *Минҳож* – ёруғ ва равшан йўл.

² *Меърож* – шоти, нарвон, юкорига, қўкка кўтарилиш.

ЎЗБЕК ЙИГИТИ

Қалбида жўш урар ҳур Ватан туйғуси,
Елкада мудом элу юрти қайғуси,
Оила ҳаловати унинг орзуси,
Ғамхўр, олийжанобдир ўзбек йигити.

Меҳмонларга очикдир эшиги ҳардам,
Дастурхони мунтазир дўстларга бекам,
Меҳмондин аямас молу дунёсин ҳам,
Тенги йўқ меҳмондўстдир ўзбек йигити.

Қўли очик, сахийликда чиқарган ном,
Миниб турган отин ҳам қилади ином,
Кўнглида сахийлигу яхшилик мудом,
Беғаразу сахийдир ўзбек йигити.

Фарзандларига бағишлар ҳар онини,
Алардин аямайди, ҳатто жонини,
Боламга дер охирги бурда нонини,
Меҳрибон падар эрур ўзбек йигити.

Ота-она, устозлар берган ўғитин,
Саклар эъзозлаб мудом, тўрида калбин,
Роҳат-фароғатда кўриш элу юртин,
Орзусида яшайди ўзбек йигити.

Тоғни урса агар у, қилади талкон,
Ватан учун кўксини айлайди калкон,
Ҳар юмушга бош қўшса, топади имкон,
Ватанпарвар, тадбиркор ўзбек йигити.

Хиёнат килмайди у севган ёрига,
Содик колур ҳаттоки кўлда торига,
Қолмайин деб ёрининг оху зорига,
Муҳаббатин асрайди ўзбек йигити.

Дўстига меҳру садоқатда ягона,
Қалбакилик унга ётдир ҳам бегона,
Дўсти-чун ўту сувга кирар мардона,
Қиёматли, чин дўстдир ўзбек йигити.

Йигитлар, бисёрдир бу ёруғ дунёда,
Ўктаму ботир, бир-биридан зиёда,
Барча бу хислатларни килиб ифода,
Мардонавор яшайди ўзбек йигити.



* * *

Ақлли ўрганар бор умри кадар,
Ақлсиз ўргатар билса билмаса.
Нодон хандон отиб ноўрин кулар,
Кулгининг мавриди бўлса-бўлмаса.

* * *

Нопок бўлса дўсту улфатинг,
Беҳад ошур бошда кулфатинг.
Тўғри йўлдан адашиб минг бор,
Балоларга бўлурсан дучор.

* * *

Усти бошинг бўлса-да ғарибу юпун,
Лек, кўнглингда гулласин ҳамиша баҳор.
Ютуқлар калити бил, руҳиятдадир,
Чўқтирма уни асло, чўқтирма зинҳор.

КЕЧИРГИЛ, ХАЛҚИМ

Номард, дилгирларни дўстдайин тутсам,
Нокас ножинсларни меҳмондай кутсам,
Агар берган ошу тузинг унутсам,
Мендайин номардни кечиргил, халқим.

Дардсизларга дардим айтиб йиғласам,
Дўст қалбини хиёнат-ла тигласам,
Ваъдам бузиб, ўз сўзимда турмасам,
Мендайин нопокни кечиргил, халқим.

Мактовларга учсаму хаволансам,
Аниқ билмай режамни каловлансам,
Баднийат каззобларга жиловлансам,
Мендайин ношудни кечиргил, халқим.

Файрат камарини боғлаб белимга,
Шону шуҳрат келтирмасам элимга,
Ватан меҳрин ёзолмасам дилимга,
Мендай ноумидни кечиргил, халқим.

Гойибдан бахт кутиб ётсам бепарво,
Ўзимга меҳнатни кўрмасам раво,
Бировлар ҳақиға қилсам мен даъво,
Мендайин нокасни кечиргил, халқим.

Бандага сизгиниб, Ҳақни унутсам
Номардга юкиниб, этагин тутсам,
Гуноҳим тиғи-ла, савобни тилсам,
Мендайин осийни кечиргил, халқим.



ВАТАН

Сен тандаги жонимсан Ватан,
Томримдаги конимсан Ватан,
Очун узра доврӯғ таратган,
Шон-шуҳратга конимсан Ватан.

Сен бор экансан яйрайди дил,
Ошар кундан-кун шон-шуҳратинг.
Ғайратин чархлаб меҳнаткаш эл,
Оширади тенгсиз қудратинг.

Сен иймони бутлар Ватани,
Тавоф айлағум сени умрбод,
Сен-ку улуг зотлар маскани,
Ўз элини этолган обод.

Тупроғингни билиб муқаддас,
Тиз чўкаман ўпғали уни.
Айирсалар сендан бир нафас,
Ўлди дегин ўшал он мени.

Бор хислату гузаллигингни,
Таърифлашга ожиздир қалам,
Адолатга ўзанлигингни,
Билур тарих ҳақиқати ҳам.

Буюк юртлар кўпдир дунёда,
Қуч-қудратда таратишган ном,
Лек, сен барчасидан зиёда,
Эрурдирсан менинг-чун мудом.



ТЕНГИ ЙЎҚ МАЪВО

Гулгун Ватан, гул Ватан,
Фидо сенга жону тан,
Мадҳинг куйлай умрбод,
Завку шавқ-ла хуррам, шод.

Йигитларинг шоҳсувор,
Қиз-жувонлар бетакрор,
Халкинг яшар фархунда,
Бахтин топибон сенда.

Сўлим, кўркам боғларинг,
Викорлидир тоғларинг,
Уммон каби урар мавж,
Пахтазорларинг баравж.

Олтин кумушга консан,
Меваси мўл, сердонсан,
Она заминда танҳо,
Юртсан, тенги йўқ маъво

Даврангга дўстлар тўлсин,
Улар ўйнасин, кулсин,
Шодлик кўниб ҳар дилга,
Куйлар улансин куйга.

Осмонинг тинч, мусаффо,
Сувинг зилол бебаҳо,
Қўйнингда ҳар бир инсон,
Яшар бахтиёр, шодон.

Мукаддасдир сарҳадинг,
Букилмасин ҳеч қаддинг,
Қутлуғ довонлар оша,
Чинордай минг йил яша.

ЎЗИНГГА ИШОНАМАН

Рихлат¹ этсам гар юртдан — элдан йирокка,
Кўнглим дучор ўлса хижрону фирокка,
Сиримни билиш-чун тутсалар сўроқка,
Ўзингга ишонаман, фақат Ўзингга.

Ногаҳон аҳволим бўлса танг ва хароб,
Орзуларим кўринса мисоли сароб,
Тўшакка михлансам бемажолу бетоб,
Ўзингга ишонаман, фақат Ўзингга.

Оғир куним ҳеч кимдин кўрмасам имдод,
Чин дўстлар-ла қошонам бўлмаса обод,
Тухмату бўҳтонлардан чексам мен фарёд,
Ўзингга ишонаман, фақат Ўзингга.

Пешонамга ёзилган бўлса азоблар,
Оромимни бузсалар ғаддор-каззоблар,
Учратса менга ечиб бўлмас тазодлар²,
Ўзингга ишонаман, фақат Ўзингга.

Бошим узра чарх урса бешафқат самум,
Нур сочмай қўйсалар тунлари нужум,
Дўстларим этмасалар менга тараҳхум,
Ўзингга ишонаман, фақат Ўзингга.

Умримни бағишладим Ўзингга фақат,
Барча гуноҳларим кеч, Ўзинг қил шафқат,
Борлигингга гумоним йўқ, бу ҳақиқат,
Ўзингга ишонаман, фақат Ўзингга.

¹ Рихлат – жунаш, кетиш.

² Тазод – карама-каршилиқ.

ЙИҒЛАМА КҮНГИЛ

Умр ўтадир йиллар билан олишиб,
Бахту омад, ё ғамлар ила қоришиб.
Фоний дунё мезбон эрур барчамизга,
Меҳмонлигинг унутиб, йиғлама кўнгил.

Ғар мусурмон эурсан, қарамда кенг бўл,
Заифларга ён босгил, Ҳотамга тенг бўл,
Етим-есирга чопон, қамида енг бўл,
Ғарибликда мунғайиб, йиғлама кўнгил.

Ўзгалар зарин кўриб, дилдан ўкинма,
Ноқасларни хос билиб, суйма, юкунма.
Лочинлигинг унутиб, зоғга топинма,
Ўз ўрнингни тополмай, йиғлама кўнгил.

Осмондаги ойнинг ҳам доғлари бордир,
Ҳар гулшаннинг булбули, зоғлари бордир,
Табиатнинг саҳроси, боғлари бордир,
Ўз айбингни билолмай йиғлама кўнгил.

Саҳроларнинг ситамларин қарвондан
сўргил,
Тоғларнинг залворлигини тупроқдан
сўргил,
Бахтинг қулса армондан, қувончлар ўргил,
Не бўлса тақдирингдан, йиғлама кўнгил.



ИНСОФ БЕРСИН

Ҳар жабҳада тўғри бўл,
Шаънингга доғ туширма.
Беҳудага, силтаб қўл,
Ғазаб ошин пиширма.

Нопок йўл ила топган,
Молу давлат буюрмас.
Билиб, айбингни ёпган
Дўстинг, сенга дўст эмас.

Қинғир ишлар қилсанг сен,
Бил қийиғи чиқади.
Обруйинг қилиб бир пул,
Ғанимдайин йиқади.

Осмонда ойни дема,
Қаноат қил ризкиннга.
Шукроналик ўргатгил,
Доим ўғил-қизиннга.

Ҳамиша тўғри юргил,
Ранжитма ўзгаларни.
Савобга юзинг бургил,
Дуода тут қўлларни.

Ҳотамтой бўлгил ҳар вақт,
Фоний дунё ўткинчи.
Ўлим бўлмайди бевақт.
Келиб олмас «суюнчи».

Кўпга қилиб насиҳат,
Эй Абдулла, урма лоф.
Аллоҳнинг ўзи фақат,
Ҳар кимга берсин инсоф.

ҲАЁТ ҚАДРИ

Бойлигин йўқотса агарда инсон,
Кўзига кўринур дунё қоронғу.
Мангуга йўқолган кунларин, аммо,
Қадрига етмайди, чекмайди кайғу.

Бу қандайин сир, қандайин синоат,
Мол дунё азизму инсон жонидан?
Минг афсус, бориға қилмай қаноат,
Кўз узмас баъзилар, ўзга молидан.

Ҳавасму бу ёки ҳасад туйғуси,
Ё шайтон васвасасими бегумон?
Беқарор бойлик, сийму зар ёғдуси,
Дардига наҳотки, тиз чўқар инсон?!



* * *

Ҳар кимнинг нияти мудом ўзига ёрдир,
Бу дунё кимларга кенгу кимларга тордир,
Азизлар, яхши ниятнинг бўлинг соҳиби,
Улуғлар дерлар: «Яхши ният ярим молдир».

* * *

Эй воҳ, умринг ташвишлар билан ўтдию кетди,
Қайтара олмайсан унинг бир сониясин ҳам,
Яратганга сарҳисоб қилиш вақти ҳам етди,
Тавба-тазарру қил Ўзига, кечикмай илдам.

ЎРТАНУР ДИЛ

Оҳ, не сабабким кўнглим ғаш,
Нечун ўртанур дил билмам.
Сокинлик бўлиб хомталаш,
Андухга тўлди-ку кулбам.

Назаримда кучли тўфон,
Чарх уриб айланур бошда.
Юракда гўёки вулқон,
Қайнайди тенгсиз оташда.

Бу не ҳолат, не синоат,
Сабабин ахтарай қайдин.
Ҳар ишга соҳиби қудрат,
Балки очгай менга қалбин.

Мажнунтолдай эгиб бошим,
Тўлқинлардан кутдим нажот.
Киприклардан сизиб ёшим,
Хўл қилмиш кўксимни ҳайҳот.

Сабабин ахтариб тоғдан,
Беллашдим бўронлар билан,
Кезибон чўлу саҳролар,
Сирлашдим барханлар билан.

Кўнглимни эзган бу ҳиссиёт
Меҳрсизлик оғир тошими?
Ёки ноқобил фарзанднинг,
Панддан чимрилган қошими?

Лек, ўйлаб-ўйлаб куну тун,
Ечимини ахтардим тинмай.
Қолмасин деб дилда тугун,
Камондек букилдим талай.

Балки кунлар маҳзунлиги,
Ўтган умрнинг армонидир.
Ё ёшлик хотимаси-ю,
Хотиротнинг фармонидир.

Билмадим, балки шундайдир,
Жумбоғи кўпдир ҳаётнинг.
Жавобсизлиги кийнайди,
Ўшал дилгир хиссиётнинг.



* * *

Эй карами бекиёс, кодири Худо,
Дариғ тутма мени ўз марҳаматингдан.
Бор умрим қадар сенга қилай илтижо,
Ёруғ эт, деб кўнглим, нури ҳикматингдан.

* * *

Ўйламай босилган биргина кадам,
Ўзгартирур инсон тақдирин буткул,
Ноўрин айтилган бир оғиз сўз ҳам
Етадур обрўйинг қилишга бир пул.

* * *

Гул кадрили сўранг боғбондин,
Зар кадрили уста заргардин,
Ватан кадрили сўраб кўринглар,
Бир бора мусофир бўлгандин.

ОНА СУТИ – ТИЛСИМОТ

Она сути фарзанд учун озука,
Бу ҳақиқат, ҳеч ким этмагай инкор.
Лек, унинг фазилатларин антиқа,
Барча билмас, ёки килмас эътибор.

Энг аввало норасида гўдакка,
Қондин ўтар ота-она хислати.
Сўнгра келар кучу ғайрат билакка,
Бунда кўпдир она сутин хизмати.

Фарзанд олган замон она исини,
Туғилибоқ ажралмай ундан бирдам.
Ҳамда тўйиб эмса она сутини,
Ўсар бекаму кўст, бўлибон ўктам.

Азиз Ватанга меҳру муҳаббат ҳам,
Инсонларга хос ҳурмату иззат ҳам,
Адолату иймон ва садоқат ҳам,
Билинг, ўтур она сутидан бекам.

Она сутин тўйиб эмган бўлса у,
Ҳақиқат хамирин қоради мангу.
Адолат мезонин бузмай ҳеч қачон,
Мурувватли бўлур қавмига ҳар он.

Яратур юртида кўркам боғу роғ,
Қурар у пурвикор миноралар ҳам.
Онаизорига бўлиб шамчирок,
Бахшида этар унга умрин ҳардам.

Улуг аجدодларин бориб йўлидан,
Илму урфонга урар у ўзини.
Бахту иқболини ушлаб қўлидан,
Билиб қилар ҳар бир ишнинг кўзини.

Жалолиддин Мангубердидай ҳозир,
Тургай у Ватан-чун жонин бермакка.
Улуғ кашфиётлар этади содир,
Ватани равнакин юксак кўрмакка.

Халкин ўтмишин ўрганиб мозийдан,
Келажакка шахдам ташлайди қадам.
Улуғ Навоийнинг бориб изидан,
Назму наср касрига беради ҳашам.

Адолат ўрнатар Соҳибкирондай,
Ўқимас ғанимлар фитнасидан ҳеч.
Жонга ҳузур бахш этгучи шамолдай,
Елар у юрти узра эртаю кеч.

Қусур келмас бундай инсон кўлидан,
Ҳиёнат кўчасини босмайди асло,.
Адашмай чин инсонийлик йўлидан,
Одамийлик касрин килур у зебо.

Ўзгалар ғамидан кўнгли садпора,
Алар ташвиши-ла яшайди ҳар дам.
Армонли калбларга излабон чора,
Тиниб-тинчимайди ҳаётда бирдам.

Кийса ҳамки бошига шуҳратдин тож,
Эъозлар у камтаринлик туйғусин.
Яшагай бору йўгин этиб хирож,
Хира қилмай оқибатнинг кўзгусин.

Халкин кўнглин этур кундек мунаввар,
Мисоли қуёшдек таратиб зиё.
Умри бокий бўлиб бундай инсонлар,
Сурсинлар даврон, тургунча бу дунё.

ШОИР ҚАЛБИН ОЧМАСА

Карвон адашгай йўлдан,
Мохир сарбон бўлмаса.
Қасринг фарқланмас чўлдан,
Ғамхўр дарбон бўлмаса.

Ҳар қадамда нопоклик,
Ҳаё устун бўлмаса.
Бўлмас инсон иймонлик,
Тилда калом бўлмаса.

Тўлиб окмагай дарё,
Ирмоқлардан тўлмаса.
Қувончга тўлмас дунё,
Тинчлик устун бўлмаса.

Чарх урмас кўкда лочин,
Чексиз само бўлмаса.
Мажнунтол ювмас сочин,
Сойлар сувга тўлмаса.

Ғазал туғилмас асло,
Илҳом нурин сочмаса.
Ўтказиб тунин танҳо,
Шоир қалбин очмаса.



* * *

Севганингга магар қилсанг хиёнат,
Жавоб бергайсан ор-виждонинг билан,
Ватанингга агар қилсанг хиёнат,
Қилмишинг юварсан ўз конинг билан.

ДУЎСЛИК ЙЎЛИ

Дўстлик йўли равон бўлса,
Дўст дийдори армон эрса,
Чанкок дилга меҳр тўлса,
Мурувватдан кочар бўлманг.

Ногаҳон дўст қилса хато,
Билиб билмай солса ғавғо,
Ҳақ деб билса ўзин танҳо,
Ундан дарров кечар бўлманг.

Садоқатда якто бўлинг,
Суриб даврон, ўйнаб-кулинг,
Дўст кадрили юксак билинг,
Бевафони кучар бўлманг.

Дўст йўлига сочинг гуллар,
Зарлар сочинг, сочинг дурлар.
Мард кўнглини билар мардлар,
Номард майин ичар бўлманг.

Кулинг, дилдан губор кетсин,
Ғаму алам, озор кетсин.
Ёр васлига хумор етсин,
Бахтингизни сочар бўлманг.



* * *

Йўлингда ғийбатчи бўлса гар ҳамроҳ,
Гап бўхтондан нари ўтмайди мутлоқ.
Бирини ўпок дер, бирини сўпок,
Гўё у донишманд, колганлар аҳмоқ.

ҚАДРИГА ЕТГИЛ

Гул кадрина боғбон билади,
Баланд пастни сарбон билади,
Ёз кадрина хазон билади,
Қадрига етгил ҳар бир онинг.

Шиша янглиғ нозикдир кўнгил,
Бор шафқатдин йироқдир бедил.
Умр азиз, бўлмагил ғофил,
Қадрига етгил, йўғу боринг.

Қанот кудратин парвозда кўр,
Юрак шиддатин дорбозда кўр,
Билак ғайратин сарбозда кўр,
Қадрига етгил, касбу коринг.

Ёр кокилин тумор қилсанг гар,
Нур, зиёни хумор қилсанг гар,
Ки дунёни гулзор қилсанг гар,
Қадрига етгил, хос гулзоринг.

Сўлимасин баҳорим, десанг
Йўқолмасин шарорим, десанг
Қуримасин мадорим, десанг
Қадрига етгил, куз, баҳоринг.



* * *

Икки ошиқ бўлса ҳамсухбат,
Мавзу бўлар ишқу муҳаббат.
Ҳасадгўйлар курса «машварат»,
Туғиладур ҳасад ва тухмат.

КЕЛМАСМИСАН

Тараххум айлабон ёрингга,
Дилдаги оҳим, келмасмисан.
Ташна қилмайин рухсорингга,
Бекиёс моҳим, келмасмисан.

Ғамзаси юлдуз жилвасидан,
Нурли чароғим, келмасмисан.
Ишваси гул табассумидан,
Гўзал маёғим, келмасмисан.

Сенга атаб яратдим боғлар,
Бир бор кўргали келмасмисан.
Ошиқ юракда нечун доғлар,
Дебон, сўргали келмасмисан.

Чилвир кокилларинг бўйнима,
Солгали ёрим, келмасмисан.
Қувонч бўлиб, махзун уйима,
Киргали ёрим, келмасмисан.

Ишқ осмонида Зухро бўлиб,
Йўлим ёритиб келмасмисан.
Тийра шомлари ойдек тўлиб,
Таратиб зиё келмасмисан.



* * *

Қирғокларсиз асло дарё бўлмайди,
Андух масканида диллар кулмайди,
Ҳар гал чикканидек куёш самога,
Ҳақиқат эгилур, аммо синмайди.

ВАТАН СОҒИНЧИ

*Баъзи сабабларга кўра ўз Ватанидан ўзга юртларга
чиқиб кетган Ватандошларимга бағишлайман.*

Беватан инсон куйсиз булбулга ўхшайди,
Кемтик юрағи йиғлагай Ватан деганда.
Юртин кўмсаб ул, мудом куну тун какшайди,
Қалби вайрондир, хаттоки, хандон кулганда.

Ватан тупроғини ҳардам билиб муқаддас,
Бир сикимиға ҳам тайёр қилишга сажда.
Узоқдан ватандошларига қилиб ҳавас,
Умид-ла яшайди, улардан кутиб мужда.

Ўтган улуғ аждодлари ёдин хотирлаб,
Уларнинг покдон руҳидан сўрайди мадад.
Ғойибона она элин, ёвдан кўриклаб,
Озод юртин равнақидан бўлади хурсанд.

Эшитганида ногаҳон гиря-ушшокни,
Ғариб кўксин ювар кўзлардан окқан ёши.
Учратса гар ўзи каби, куйга муштокни,
Босар бағрига ўртаниб, билиб сирдоши.

Ватаннинг хумори қалбин эзганда ҳардам,
Худодан сўрайди Ватану эл тинчини.
Бўлса-да сийму зари беҳисобу бекам,
Лек, босмағай улар асло, соғинч ҳиссини.

Эй Абдулла, Яратганга қилғил илтижо,
Ҳеч кимни ўз Ватанидан қилмасин жудо.
Мусофирлик азобини солиб бошига,
Эзиб ғариб кўнглин, этмасин доғу адо.



БОЛАМ

Мехрим уммонида чўмилган болам,
Кўнглим боғларида очилган лолам,
Давомчиси шажараю сулолам,
Қайларда бўлсанг ҳам, омон бўл болам.

Яратгандан сенга умр тилайман,
Кўкдаги юлдузинг нурин излайман,
Кўрмасам соғиниб, зор-зор йиғлайман,
Қайларда бўлсанг ҳам, омон бўл болам.

Бошига тушганин кўради инсон,
Гоҳ тақдир қисматдан чекади фиғон,
Армонлардан рангинг қилмайин сомон,
Қайларда бўлсанг ҳам, омон бўл болам.

Турли балолардан асрасин Худо,
Касб-коринг омаддан бўлмасин жудо.
Сени омон кўриш, орзу, муддао,
Қайларда бўлсанг ҳам, омон бўл болам.

Сенсиз ҳаётимнинг мазмуни йўқдай,
Соғинч кўксим тиглар мисоли ўқдай.
Кел ёнимга кўздан ёшларим тўкмай,
Қайларда бўлсанг ҳам, омон бўл болам,
Бир келиб ёнима шодон қил, болам.



* * *

Чин дўстинг билдирмас йўғу борингни,
Душман эрса кўзлар заиф жойингни,
Ким дўсту ким душман, ажрата билгил,
Қирқмасдан душманинг алдаб пойингни.

ТОПМАГУНЧА

Дўст кадрига етмагай инсон,
Дўстликка муҳтож бўлмагунча.
Кўнглин босиб ғашлигу гумон,
Ҳасратга калби тўлмагунча.

Омад келмай килар интизор,
Бахту икболинг кулмагунча.
Ёр висоли этади хумор,
Соғиниб дилдор келмагунча.

Гул шохида сайрамас булбул,
Гулнинг ишикида ёнмагунча.
Кўнгилдан сув ичолмас кўнгил,
Окибат қарор топмагунча.

Эл-улус ҳеч кўрмагай зиё,
Илм-урфонга бўлмаса ошно,
Бирон юртни танимас дунё,
Қудратда ўрнин топмагунча.

Само узра порламас қуёш,
Она замин бурканмас гулга,
Фароғат кўрмас қарию ёш,
Тинчлик барқарор бўлмагунча.



* * *

Ўз юртида ўзгага тобе бўлишдан,
Ўлимни афзал кўрур ботир кишилар.
Ватан озодлигини сақлай билишдан,
Муҳим вазифа йўқ дер акли донишлар.

ЁР САБРИ

Аста боксам ёрнинг йўлига,
Қўринмайди ҳатто қораси.
Хос дуторин олиб қўлига,
Қайда юрар дилим пораси.

Қайси боғда экан ойжамол?
Қай саболар силар қокилин?
Дилгинамни қилиб бемажол,
Яна айро солдими йўлин.

Илтижо-ла бокиб самога,
Қидираман Зухро юлдузин.
У мендайин ошиқ шайдога,
Айтарму деб таскин бир сўзин.

Юраккинам бўлиб бетокат,
Полапондай учади индан.
Сабр вақтга қилмай итоат,
Кузатади токатни зимдан.

Шу аснода ўтади онлар,
Ёрдан эса ҳамон йўқ дарак.
Кутиш ҳам қисмат, дея дўстлар,
Қутмоқдаман ёримни бешак.



* * *

Хазон айлаб умринг, ичмагил шароб,
Бевафо ёрни ҳеч қучмагил суюб.
Вафосиз ёр мисоли май қадахи,
Ўтар қўлдан-қўлга «суюкли» бўлиб.

НИГОҲИНГ МЕҲМОНИ

Кўчангдан ўтсам мен, жонона,
Уймагил қошу ковоғингни,
Изингдан юрсам-да ҳар он-а,
Кўролмадим кароғингни.

Ташламадинг менга бир назар,
Қолдим нигоҳингдан йироқда.
Билмагайман қачонга қадар,
Юргаймен айт, хижрон-фироқда.

Не қилайин, сўзла паризод,
Васлингга етгали бир бора?
Кимлардан сўрайин имдод,
Қалбингга йўл топгали чора?

Кулиб менга тақдири азал,
Бўлсам бир нигоҳинг меҳмони.
Илҳомланиб, ёзиб минг ғазал,
Тўлдирардим ёруғ дунёни.

Қолмасмиди шунда армоним,
Киарармиди қувонч юракка.
Умид бўлиб менинг сарбоним,
Бошлармиди сенга етмакка.



* * *

Йўлидан адашмас ҳеч қачон карвон,
Сезгир ва абжир бўлса гар сарбони,
Етади кўзлаган манзилга омон,
Тўғри тақсимланса сабру имкони.

МЕҲРИНГ ҚУДРАТИ

Меҳнатингдан боғу роғ, гулзор яратгин,
Қисматингдан нолима, шуҳрат таратгин.
Садоқатда дўстларни ўзга қаратгин,
Меҳринг дўстлик, оқибатга сирож бўлсин.

Мақсад сари дадил бор, локайд бўлмагин,
Окиб турган дарё бўл, кўлмак бўлмагин,
Киши кайфин бузгучи курмак бўлмагин,
Меҳринг заъфарон дилларга қувонч бўлсин.

Дарё дарё бўлолмас, кирғок бўлмаса,
Сувлари тўлиб оккан ирмоқ бўлмаса.
Инсон ҳар ишга кодир, нўноқ бўлмаса,
Меҳринг ноумид дилларга ишонч бўлсин.

Чин лочин ўлимтикка киё бокмайди,
Мард йигитлар номусин ўтда ёкмайди,
Бевафо ёр Тохирдек сувда окмайди,
Меҳринг севишган дилларга тилмоч бўлсин.

Иззатинг канотида уч, лек кадринг бил,
Ўзгаларни ранжитма, нозик эрур дил.
Савобдан бўйнингга хос туморларни ил,
Меҳринг инсонлар дилига қуёш бўлсин,
Кўнгли ташналарга ҳамдам, сирдош бўлсин.



ЎЗБЕК АЁЛИ

Қалби фарзандлари калбига туташ,
Севги-муҳаббатда тенги йўқ, оташ,
Уни садоқатда керакмас синаш,
Сабру матонатда метинга ўхшаш,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

У жонондир – жоду кўз-ла қараган,
У онадир – ок ювиб, оқ тараган,
Оилани меҳри билан ўраган,
Момо бўлиб, ҳам хизматга яраган,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Юрт иқболига чамбарчас иқболи,
Ёру дўстларига ҳардам вафоли.
Табиатан ҳам нафис, ҳам иболи,
Кўзни олур қуёш каби жамоли,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Ҳам Тўмарис, ҳам Нодира ўзингсан,
Муҳаббатда ё Лайли, ё Ширинсан.
Ёрингга сен кўркам, нафис келинсан,
Раънодек гул, Қумушдек наставинсан,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Денгиз каби теран кўрдим сабрингни,
Тоғлар каби юксак кўрдим кадрингни.
Ҳеч бир мушкул букаолмас қаддингни,
Осмон каби чексиз кўрдим бағрингни,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Сенга боғлиқ фарзандлар тарбияси,
Сен уларнинг ғамхўр мураббияси,
Қучоғингда улар барча-барчаси,
Улғайишар бўлмай ғаму ғуссаси,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Сенга қиёслаймиз Она-Ватанни,
Унга бахш этамиз биз ширин жонни.
Фарзандлар икболи, Ватаннинг шони,
Сен бердинг фидокор кизу ўғлонни,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Чексиз таърифингни ёзайин умрбод,
Сен олийсан, тенгсизсан, сен улуғ зот.
Бахтлиман бўлсам сенга қўш қанот,
Парвоз кил, измингда улкан коинот,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Ушбу шеърим ёздим мен чин кўнгилдан,
Сизга эҳтиромим билдириб дилдан,
Тухфа этиб Сизга аталган йилдан,
Қабул этинг Абдулла Шоносирдан,
Ўзбек аёли, ўзбек аёли.



* * *

Раҳмоний сифатдай улуғ хислат,
Мудом ҳамроҳ бўлсин десанг сенга,
Ваъдага вафосизликдай иллат,
Йўл тополмасин асло қалбингга.

* * *

Тоғни ҳам кўтаришга кодир елкалар,
Иснод юкини кўтара олмас зинҳор,
Ору номусни билмас нодон кимсалар,
Бойлик-чун исноддин ҳам қилмайдилар ор.

ЕТИШМАК ДУШВОР

Севсанг мени айтгил ёр,
Айроликдан қайтгил ёр.
Яшайлик фароғатда,
Севгимиз қилиб тумор.

Умр экан ўткинчи,
Ҳусн эса бекарор.
Ҳижрон олмай «суюнчи»,
Ёнгинамда бўл дилдор.

Зулфи заринг жамалак,
Гўё гулдан чамбарак.
Лутф айла ошиғингга,
Этмай жонимни халак.

Ҳар бир босган изингга,
Турфа гуллар сочайин.
Тенгсиз шахло кўзингга,
Тўйиб-тўйиб бокайин.

Жоним десам уялма,
Кўйгил кўксимга бошинг.
Дил ёндирган қайрилма,
Ўшал камалак қошинг.

Севсанг мени гўзал ёр,
Сен ҳам севгинг қил изҳор.
Йўқса пари пайкарим,
Сенга етишмак душвор.



ОЙ МЎРАЛАР УЯЛИБ

Хусни латофатингга келолмай бас,
Тоғ ортидан ой мўралар уялиб.
Ой юзингга қуёш ҳам қилиб ҳавас,
Кўкдан боқар булутларга суялиб.

Яратганда сени она табиат,
Аямабдур асло хусну жамолни.
Худойимга қилай илтижо минбаъд,
Сўраб сенга битмас бахту иқболни.

Гўзаллигинг, бахтинг бўлиб зиёда,
Умринг қадар сенга бўлсинлар ҳамроҳ.
Севгимни қилиш-чун сенга ифода,
Хузурингга борай, ташлагил нигоҳ.

Жамолингга боқиб тўймайин илло,
Битдим ушбу шеърим бу кун тонг сахар.
Чиқиб ич-ичимдин бир ажиб нидо,
Бир нидоким, фақат васлингни истар.



* * *

Бўлган кунимиз биз келин ва куёв,
Бахтимиз тожини кийгандик бирга.
Мана соч-соколга қўнганда қиров,
Баҳо бераянимиз ўтган умрга.

ТАБАССУМ ҚУДРАТИ

Узилмағай ҳеч қачон дўстлик иплари,
Равон, тиконсиз бўлур кўнгил йўллари.
Қайга узатса етгай инсон қўллари,
Ишонч чакиролса оддий табассум.

Кемиролмай юракни дарду ғам, гумон,
Ҳасаду адоватнинг бўлар бағри қон.
Меҳру оқибат ўсар кундан-кун чунон,
Ишонч чакиролса оддий табассум.

Айро тушмағай асло дўстлар тақдири,
Дўстлик мустаҳкамланур метин сингари,
Қаторда бўлар бекам, аларнинг бари,
Ишонч чакиролса оддий табассум.

Кўнгиллар шодон бўлур беҳад, субҳи шом,
Чўнг барк урур ўртада иззату икром,
Фиску фасод, албатта, бўлгайдир бадном,
Ишонч чакиролса оддий табассум.

Кўзлардан ўчмағай ҳеч, шодлик зиёси,
Севгию муҳаббатнинг ошгай вафоси,
Маҳзун, мунгли бўлмағай диллар навоси,
Ишонч чакиролса оддий табассум.

Эй Абдулла, табассум килгил ҳар қачон,
Инсонлар аро сепгил ишонч уруғин,
Сеҳрли табассумингни қудрати ҳар он,
Сочаберсин дилларга қуёшдек нурун.



АЁЛ

Аёл борки, олам мунаввар,
Ўчмагай ҳеч кулбангда чирок.
Аёл борки янграр «Тановар»,
Ишк-меҳрда кайнар бир булок.

Аёл борки, демак, бор она,
Фарзандлар-чун бекиёс бойлик.
Аёл борки, бордир жонона,
Кошонанг этгучи чиройлик.

Аёл борки, бордир муҳаббат,
Юрагинг ўртагучи оташ.
Аёл борки, бордир садокат,
Севгида у, юракка туташ.

Аёл борки, бешик тебранар,
Демак, ҳаёт этади давом.
Аёл борки, кўнгиллар қувнар,
«Муножот»га этганда хиром.

Аёл борки, она заминда,
Бўлғусидир тинчлик барқарор.
Аёл борки, ҳаёт осуда,
Ўтар завол кўрмайин зинҳор.



* * *

Онадек мукаддас эрур бу макон,
Унингсиз кенг олам менга тор кафас.
Гул бўлай, майлига бўлсам-да тикон,
Ватан тупроғида униб-ўссам бас.

ОНА ҚИШЛОҒИМ

Боғларинг сўлим, кўркам чунон,
Бетакрор қишлоғим Қўшқўрғон.
Соғинганда топибон имкон,
Интиламан факат сен томон.

Сайр қилганда дала-боғингда,
Ёдга тушар болалик йиллар,
Яланг оёқ ҳар сўқмоғингда,
Минг завқ ила югурган онлар.

Суви зилол булоқларингдан,
Тўйиб-тўйиб ичганимда сув,
Асар қолмай чанқоқларимдан,
Дил яйрар қучгандай бир сулув.

Зериктирганда мени ҳар дам,
Улкан шаҳар шовқин сурони,
Чорлар ўзига сўлим, кўркам,
Қишлоғимнинг боғу равони.

Қўллари кадоқ деҳқонларинг
Сухбатидан оламан илҳом,
Шўх кизларингу жувонларинг
Ёр-ёридин топгайман ором.

Узоқ-узоқлардан тонг сахар,
Эшитилса найнинг садоси,
Жўр бўлишар анга ҳар сафар,
Булбулларнинг нафис навоси.

Меҳнатдан толмас йигитларинг,
Тоғ-тоғ қилиб уюшар хирмон,
Сават тўлдириб момоларинг
Ёпишар меҳр-ла ширмой нон.

Она кишлок бободехконим,
Сенга омад тилайман мудом.
Сен-ла тукинди́р дастурхоним,
Сен бирла обод хонумонум.



* * *

Ўтсин десанг шоду хуррам ҳар бир онинг,
Қадрига ет осойишта замонингни,
Бўлмаса агар аник, мақсад-муродинг,
Ўқ бўлиб, тарк этмагил ҳеч камонингни.

* * *

Ғафлат босмасин ҳеч теран онгингни,
Виждонинг эгалламасин сукунат,
Амал, бойлик деб сотма имонингни,
Билгил, имон барча бойликдан қиммат.

* * *

Вакт етаклар илгари келажак томон,
Минг афсуски, вақтни ҳеч бўлмас қайтариб,
Кимлар боғ яратурлар, кимлардир ҳамон
Ўтказарлар вақтни йўқ бахтин ахтариб.

АНҲОР БҶҲИ

Соя-салкин анҳор бҶҲи,
Эслатади чорбоғимни,
Сокин оққан анҳор суви,
Олиб кетар чарчоғимни.

Сув юзида келар оқиб,
Бир даста гул қалқиб-қалқиб,
Оқиздими уни ошиқ,
Гул баргига ишқин битиб.

Қатор-қатор фавворалар,
Кўкка отар салқин сувин,
Атрофида турфа гуллар,
Таратурлар нафис исин.

Анҳор сувин кўзгу қилиб,
Мажнунтоллар сочин тарар,
Сон-саноксиз кокилларин,
Майин шаббода эркалар.

Суви сокин, сўлим анҳор,
Гувоҳ бўлдинг неча минг бор,
Севишганлар эҳтирос-ла,
Севгисин этганда изҳор.

Қирғоғингда топура ором,
Шаҳрим халқи ва меҳмонлар,
Ҳордиқ маскани бўл мудом
Барчамизга кўп замонлар.



ВАФОДА ЯГОНА ЎЗБЕК АЁЛИ

Севгию мухаббатида вафоли,
Кўзинг олур тўлин ойдек жамоли.
Ҳам ширинсухану ҳамда иболи,
Бекиёс гўзалдир ўзбек аёли.

Ҳусну гўзалликда пари мисоли,
Лов-лов ёнар яноғи узра холи.
Ғунчадек лаблар-у, тилида боли,
Тенгсиз, баркамолдир ўзбек аёли.

Ҳилпирайди бошда харир рўмоли,
Гулзор аро эсганда тонг шамоли,
Камон каби таранг кошу ҳилоли,
Вафода ягона ўзбек аёли.

Севгисининг бўлмагай ҳеч заволи,
Сабру чидамда у аъло баҳоли,
Нафис бармоклари ҳардам хиноли,
Мухаббатда танҳо ўзбек аёли.



* * *

Устун бўлса агар ҳалоллик дилда,
Поклик порлагайдир юлдуздек тунда.
Ғаразу ҳасад гар авж олса кимда,
Ўз ёғига ўзи ковурилар кунда.

БОРИНГГА ШУКУР

Мухаббатига содик, бокира,
Жамоли ойни қилгудек хира,
Ишк нашидасин тотгучи бирга,
Борингга шукур, ёрим, борингга.

Хусн, латофатда тенгсиз, баркамол,
Ғунчадек лаблар, қошлар-чи, ҳилол,
Меҳрда барчани қилгудек лол
Борингга шукур, ёрим, борингга.

Ўзинг севганим якка-ягона,
Сенсиз фароғат йирок, бегона,
Нурли қошонам, сенсиз ғамхона,
Борингга шукур, ёрим, борингга.

Чин ғамхўрим, ширин асалгинам,
Ҳар доим бардаму сергаккинам,
Ногаҳон қокилсам тиргаккинам,
Борингга шукур, ёрим, борингга.

Сен туфайли мен топдим бахтимни,
Қадру қимматдан қурдим тахтимни,
Инон ҳеч бузмагайман аҳдимни,
Борингга шукур, ёрим, борингга.

Жон ато этгучисан ёрингга,
Ташна қилмадинг ҳеч висолингга,
Сен бирла етдим мен иқболимга,
Борингга шукур, ёрим, борингга.



ДЎСТИМГА ТИЛАК

Сўнмасин ҳеч қачон меҳринг чироғи,
Нур сочабер дўстларга умринг қадар,
Қалбингда қайнаб оқибат булоғи,
Пок садокатингни қилсин мунаввар.

Ўзингни чоғлабон чўккилар томон,
Парвоз қилгил умидинг канотида,
Мақсадимга етдим-ку, деб ҳеч қачон,
Қолиб кетма ўтган кун қучоғида.

Орзуларинг сенга бўлсин мададкор,
Ҳар ишинг бажар қалбинг қўрин бериб,
Меҳнаткаш элинг сенинг-ла ифтихор,
Қўкида яшасин, қўкрагин кериб.

Аллоҳим зиёда қилсин умрингни,
Ҳеч кўрмагин ҳаётингда дарду ғам,
Бойлигу амал деб, ҳеч ҳам измингни
Бериб қўйма номардларга, дўстгинам.

Баҳам кўр шодлигингни дўстлар ила,
Алар даврасида маҳзун дилинг ёз.
Белинг маҳкам боғлаб дўстлик ипи-ла,
Садокатинг осмонида қил парвоз.

Яратган боғларинг билмайин хазон,
Гуркираб яшнасин минг йиллар оша.
Осуда ҳаётинг кўрмайин тўзон,
Бахту иқболга ёр бўлсин ҳамиша.

Обрўйингга обрўй қўшилсин албат,
Хонадонинг тўлсин зару ипакка.
Душманинг куйдириб, дўстларга ибрат
Бўлиб сен яшайвер етиб тилакка.

Кир шоир калбимга илхомим бўлиб,
Уйғотиб кўнглимда ғайрат-шижоат.
Мен эса рухланиб шеъримда жўшиб,
Тилай сенга битмас бахту саодат.



* * *

Томаверса гар томчи, тошни тешади,
Тухмат балоси эса ёндирар кўнгул.
Ҳасадгўй ҳасадидан арқон эшади,
Боглаш чун соф дилларни, бўҳтонга буткул.

* * *

Нодон асло ўз билганидан қолмас,
Телба эртаю кеч, сўзлашдан толмас.
Нодону телбага тушса гар ишинг,
Асабу тоқатдан заррача қолмас.

* * *

Тўлин ойда ҳатто доғ бор-ку дебон,
Қўл урма куфурли ишларга зинхор.
Ойнинг доғи кодир Худога аён,
Ширк келтириб унга бўлма гунохкор.

* * *

Аччиқ эрур мудом ҳақиқат,
Ёкимлидек туюлур ёлғон.
Аммо ютар, ким қилса факат,
Ҳақиқат-чун кўксини қалқон.

ДАЛА ГУЛЛАРИ

Мунча ҳам кўркаму ранг-барангсиз,
Товланиб ёнасиз минг жилода.
Такиб чеккасига киз-жувонлар,
Хуснин қилмишлар яна зиёда.

Дала гуллари, дала гуллари,
Мунча гўзалсиз бир-бирингиздан.
Дала гуллари, дала гуллари,
Кўкда камалак жилоси сиздан.

Очилишга шай, гунчалар мунчок
Каби тизилган қатор шохларда,
Бу гўзалликни кўришга мушток
Булбул уйғонар сахар чоғларда.

Дала гуллари, дала гуллари,
Бу гўзалликни олгансиз қайдан?
Дала гуллари, дала гуллари,
Бир-бирингиздан гўзалсиз чиндан.

Асалари бол йиғади сиздан,
Бол баҳона ўпар юзингиздан,
Яшнагай ўлкамнинг кўрк-жамоли,
Сизнинг бетакрор чиройингиздан.

Дала гуллари, дала гуллари,
Маст бўламан хушҳол бўйингиздан.
Дала гуллари, дала гуллари,
Ором оламан жамолингиздан.



ЖОНИНГГА ОРО

Турса агар олдингда катор муаммо,
Тор кўринса кўзингга замину само,
Ғанимларинг бирлашиб бошласа гавго,
Фақат чин дўстинг кирур жонингга оро,
Билки, ҳақикий, чин дўст шундай бўлади,
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Тухмат балоси агар, ёғса бошингга,
Тиг урмоқчи бўлсалар сабр-бардошингга,
Келмай кўйсалар хатто тўйда ошингга,
Фақат чин дўстинг келур сенинг кошингга,
Инон, ҳақикий, жон дўст шундай бўлади,
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Кетса қўлингдан амал, молу давлатинг,
Кутилмаган гаму дард, букса коматинг,
Ғаламислар бузса ором-ҳаловатинг,
Фақат чин дўстинг бўлур сенинг кувватинг,
Чунки вафодор, чин дўст шундай бўлади,
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Чин дўст талаб қилмайди бойлигу амал,
Меҳр-садокатни кўяр бойликдан афзал,
Турмушинг бўлса осойишта, хур, гўзал,
Хурсанд бўлар у чексиз, ўзингдин аввал,
Беғараз, меҳрли чин дўст шундай бўлади,
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Кетар бўлсанг бу фоний дунёдан агар,
Ихтиёр этсанг ўзга юртларга сафар,
Оила тинч, фарзандлар бўлмас дарбадар,
Чин дўст аларга бўлар сен каби падар,
Ишонганинг, чин дўстинг шундай бўлади,
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Аё дўстлар, кўпайсин дўстларнинг сони,
Бутун бўлсин уларнинг тоза имони,
Ўзбек юрти бўлиб чин дўстлар макони,
Дўстлар-ла ошаверсин шуҳрати-шони,
Содик йигитнинг дўстлари кўп бўлади,
Дўстларсиз у, муқаррар, рухан ўлади.



* * *

Яхши фарзанд ота-онасин,
Одоби билан маст қилади.
Нодон фарзанд олмай дуосин,
Ота молига қасд қилади.

* * *

Мақтанмагин қилган саховатинг-ла,
Писанда қилмагил берган ёрдаминг,
Ўзингдан катталар сўзини тингла,
Ўйлаб сўзла, ўйлаб босгин қадаминг.

* * *

Бошинг узра тож бўлса ҳам,
Онанг пойига сажда қил,
Турсанг ҳам тургунча олам,
Она номин муқаддас бил.

ОНАЖОНИМ ДУОСИ

Адашмай тўғри йўлдан юришим ҳардам,
Бўз йигитлар ичида бўлишим ўктам,
Ҳаётимда тотмаслигим ғаму ситам,
Мўътабар онажоним дуосидандир,
Жонқуяр меҳрибоним дуосидандир.

Онажоним дердилар такрору такрор,
«Ҳеч қачон бировларга бермагин озор»,
Бу ҳикматдан яхшилик қўрганим бисёр,
Мўътабар онажоним дуосидандир,
Жонқуяр меҳрибоним дуосидандир.

Осойишта ўтказган ҳар куну туним,
Боғларим ҳам борлиги кўркаму сўлим,
Қайларга-да узатсам етиши қўлим,
Мўътабар онажоним дуосидандир,
Жонқуяр меҳрибоним дуосидандир.

Мақсаду ютуқларим мудом гарови,
Қўлдалиги бахтиёр тақдир жилови,
Худойим берган фарзандларнинг олтови,
Мўътабар онажоним дуосидандир,
Жонқуяр меҳрибоним дуосидандир.

Йиртиғу юпун бўлмади усти бошим,
Кўзлардан тўкилмади шашқатор ёшим,
Мағрур кўтариб юришим мудом бошим,
Мўътабар онажоним дуосидандир,
Жонқуяр меҳрибоним дуосидандир.

ОТАЖОНИМНИ СОҒИНИБ

Ўн ёшда эдим мен, ҳали ёш бола,
Отажоним кўз юмганда ҳаётдан,
Болалик қилибман, чекмабман нола,
Ажралганда ота дейишдек бахтдан.

Мургак калбим билмабди қошонамга,
Энг азиз кишимни сиғмай қолганин.
Сезмайин қолибман мен пешонамга,
Тақдир етим деган тамға босганин.

Қисқа экан, ота умрингиз йўли,
Қолдириб кетдингиз бизларни доғда.
Бераҳм, шафқатсиз ажалнинг қўли,
Олдиму жонингиз кутмаган чоғда.

Ота — азиз дийдорига тўймайин,
Ўтказдим ёшликни, йиғлабон зор-зор.
Ота эркалатиши не, билмайин,
Ўсдим, шум тақдиримга бўлиб икром.

Етимлик азобин тотдим мен тўлик,
Раво кўрмасман ҳеч бировга уни,
Елкалар маъюс-у, қарашлар сўниқ,
Шундай ўтди етимликнинг ҳар куни.

Ўтди қаторлашиб бешафқат йиллар,
Улғайдим, лек ҳамон кўнглим ўксийди.
Дўстлар бисёр, ўсар қатор фарзандлар,
Аммо, бу кемтик дил сизни қўмсади.

Учратиб қолсам ногаҳон нуроний
Боболарни маъракаю тўйларда,
Қалбимда туғён урар чин инсоний
Соғинч, сизни ёдлаб шундай кўйларда.

Суратингизга тикилиб, мен ҳар он,
Хаёлан Сиз билан суҳбат кураман.
Хотира уммонининг кенг, бепоён,
Сатҳи узра минг бўзлабон сузаман.

Ҳар сафар қабрингиз қилсам зиёрат,
Армонли дил тўлиб, йиғлайман унсиз
Қанийди, бир бора, бир бора фақат,
Ўпа олсам Сизнинг қадок қўлингиз.

Бу махзун дилимни овутар ҳамон,
Сизнинг порлоқ хотирангиз Отажон.
Тилагим: жойингиз жаннатда бўлиб,
Қоронғу қабрингиз бўлсин чароғон.



* * *

Ҳаромга ўзингни ўргатма асло,
Бировлар ҳаққидан ҳазар қил, ҳазар.
Лукманг ҳалол эрса, бўлмас муаммо,
Мол-мулкингга Хизр ташлагай назар.

* * *

Кўрликка чидагай инсон бардоши,
Бу ҳол Яратганнинг синови дебон.
Лек, кўзлардан оқар шашкатор ёши,
Гар бўлса заррача хўрлик намоён.

ЎЙНАГИЛ СЕН, ЁР, ЎЙНАГИЛ

Ўстириб боғда гулингни,
Шодон кувнатиб дилингни,
Ёрга айтиб ишқ-севгингни,
Ўйнагил сен, ёр, ўйнагил,
Кувнагил сен, ёр, кувнагил.

Ҳаётда топиб бахтингни,
Кадрдан қуриб тахтингни,
Бузмайин асло аҳдингни,
Ўйнагил сен, ёр, ўйнагил,
Куйлагил сен, ёр, куйлагил.

Муҳаббатдан ёна-ёна,
Ишкингни тутмай пинҳона,
Ёрингга бўлиб парвона,
Ўйнагил сен, ёр, ўйнагил,
Куймагил сен, ёр, куймагил.

Қўлингдан қўймай торингни,
Куйла юракда борингни,
Бировга айтмай зорингни,
Ўйнагил сен, ёр, ўйнагил,
Сўйлагил сен, ёр, сўйлагил.

Вафоли бўл, сургил даврон,
Юракда колмасин армон,
Бахтлиларга кулар замон,
Ўйнагил сен, ёр, ўйнагил,
Сўнмагил сен, ёр, сўнмагил.

Муҳаббат кўкида порла,
Боғингга ёрингни чорла,
Яшнаб мудом севган ёр-ла,
Ўйнагил сен, ёр, ўйнагил,
Яшнагил сен, ёр, яшнагил.

ГУЛЗОРИМГА

Гулзоримга этиб жон ато,
Келмиш ёрим қошлари камон,
Нафақат мен, гуллар ҳам ҳатто,
Жамолидан бўлдилар хайрон.

Хуснда танҳомен деб атиргул,
Гуллар аро турарди мағрур,
Лек, ёр қадди қоматин кўриб,
Чайкалди у мисоли махмур¹.

Садарайхон бир-бирин туртиб,
Тебранади аста шамолда.
Лаъли лаб ёр қошларин кўриб,
Забун кўрмиш ўзин жамолда.

Булбуллар тўхтаб хонишидан,
Ёр атрофида минг парвона,
Гул ғунчалар улар ишидан,
Боқарлар маъюсу хайрона.

Гулзоримда ранг-баранг гуллар,
Мафтун этар ранглар жилоси.
Гул сайрига хуморим келиб,
Битмиш бу кун кўнглим яроси.

Гуллар каби боғимга чирой
Бердинг сен, эй гўзал дилдора.
Нур сочиб дилга, мисоли ой,
Ҳижрон ўтин этдинг минг пора.



¹ Махмур – маст, хумор.

ГУЛШАНА

Гулзор аро Гулшана,
Туларди ёна-ёна.
Таъзимда қадамига,
Атиргулу райҳона.

Қўлида гул дастаси,
Гўзалликда бетакрор,
Қадам босар оҳиста,
Бермай гулига озор.

Гулдастами ёки у,
Гўзалликда ягона,
Бу жумбокни ечай деб,
Бокаман мен ҳайрона.

Гулларин хидлар гоҳо,
Бағрига босганича,
Балки ёрин кутай дер,
Очилгунча гул гунча.

Нечун, билмам, у танҳо,
Сайр этар бу дам ёлғиз,
Ваъдага айлаб вафо,
Кутарму ёрин сўзсиз.

Халал бермангиз асло,
Бу гўзалга ушбу дам,
Қутсин у севган ёрин,
Гул дастаси-ла кўркам.



ТУН СЕҲРИ

Сирли порлар тунда юлдузлар,
Тўлин ойдир само кўзгуси.
Элас-элас кўзга кўринар,
Самон йўлин нимтир ёғдуси.

Йўлчи юлдуз чарақлаб порлаб,
Карвонларга кўрсатади йўл.
Булут чўкки томонга ўрлаб,
Сепиб ўтар ёмғирларин мўл.

Тонгнинг майин шаббодаси-ла,
Гул шохига қўнади шабнам.
Ошик булбул шўх навоси-ла,
Гулзор бўлар янада кўркам.

Тоғ ортидан кўриниб шафак,
Яна битта ёруғ кун унар.
Қуёш нурига келолмай бас.
Юлдузлар сўнар шомга қадар.

Бу синоат эрур абадий,
Самоватга хосдир тағйир¹.
Дунё ўзи шундай қадимий,
Даркор эмас исбот ва тафсир.



¹ Тағйир – ўзгариш.

ҲУР ЁЛКА ҚОЛДИРАЙЛИК ЎҒИЛ- ҚИЗЛАРГА

Эй дўстгинам, қулоқ ос дилдан сўзимга,
Ватан, муқаддас эрур ҳар биримизга,
Ватан тупроғин ўпгил, сургил кўзингга,
Бебаҳодир ул, уқдир ўғил-қизингга.

Ишонма, сен, ширин сўзу ваъдаларга,
Ватан деб «юришган» аламзадаларга,
Ватанфурушлик ётдир асли бизларга,
Ватанни севдирайлик, ўғил-қизларга.

Қон тўқмаклик ислонда гуноҳи азим,
Азиз халқим ҳам бунга, бермагай изн,
Ғаламислар кирмасин сафларимизга,
Ҳушёрлик ўргатайлик, ўғил-қизларга.

Боболаринг ўтган ер ҳурматин сақлаб,
Ёру дўстлар кўрсатган иззатин оқлаб,
Ҳарна бўлса ҳам халқнинг одатин ёқлаб,
Юришни ўргатайлик, ўғил-қизларга.

Ўтган улуг авлодлар руҳин шод этиб,
Амал қил юксак қадриятларимизга,
Ватан шаънига гўзал, ғазаллар битиб,
Қуйлашни ўргатайлик, ўғил-қизларга.

Бу заминда Ўзбекистон ягонадир.
Яратгандан тухфадир у халқимизга,
Гўзалликда тенги йўқ у афсонадир,
Фурурни ўргатайлик, ўғил-қизларга.

Истасанг гар миннатдор келажак авлод,
Эга бўлишин еру зилол сувларга,
Озод Ватанни ҳимоя қилиб умрбод,
Ҳур ёлка қолдирайлик ўғил-қизларга.

ЙИРОҚ БЎЛ

Етмасин десанг сенга тухмат ёмондин,
Азиз бошинга балолар ҳар томондин,
Истасанг отилмаслигин, ўк камондин,
Номарду нокаслардин мудом йироқ бўл.

Оқсоқ демасларидан тулпор отингни,
Синдирмасларидан учар қанотингни,
Пастга урмасларидан улуғ зотингни,
Тухматчи, унсурлардан мудом йироқ бўл.

Бузмасларидан бахтга тўла уйингни,
Шодлигу нафосатга тўла куйингни,
Эгмасларидан бурун шамшод бўйингни,
Беномус ёмонлардин мудом йироқ бўл.

Чин «дўстингман» деганлари кўп бўлади,
Уларнинг «мактовига» қўйнинг тўлади,
Атрофингда парвона, сиринг олади,
Беномус ёмонлардан мудом йироқ бўл.

Эй Абдулла, тутгил сен яхшилар қўлин,
Ягона бил уларнинг синалган йўлин.
Майлига, улар билан адашгин йўлдин,
Ишончсиз кимсалардин мудом йироқ бўл.



КЕТМАГИЛ

Ўзингдирсан ягона,
Чин юракдан суйганим.
Дема мени бегона,
Фақат сенсан куйганим.

Кетма, кетма, кетмагил,
Бағримни кон этмагил.
Кетма, кетма, кетмагил,
Ҳижронни бор этмагил.

Қошгинангни қароси,
Ширин жоним оладир.
Кўнглимда ишқ савдоси,
Оташ бўлиб ёнадир.

Кетма, кетма, кетмагил,
Изингга зор этмагил.
Кетма, кетма, кетмагил,
Ўзгага хор этмагил.

Дилдор менга раҳм айла,
Солма азобга жоним.
Дилинг дилимга бойла,
Оширмай оҳу зорим.

Кетма, кетма, кетмагил,
Ўзгани ёр этмагил.
Кетма, кетма, кетмагил,
Ишқингга зор этмагил.



ВАТАН ПОСБОНИГА

Озод юртнинг ботир ўғлони,
Мағрур кўтар бу кун бошингни.
Сен мустақил юртнинг посбони,
Чиниктир сабру бардошингни.

Хуррам, озод элим деб яша,
Равнакин ошир юртинг умрбод.
Мамнунликда юз йиллар оша
Эслар сени келажак авлод.

Ватанинг сев, оқ сутин берган –
Онанг каби, азиз меҳрибон,
Инонма пуч ваъдалар килган,
Ватанфурушларга ҳеч қачон.

Унутма фарзандлик бурчингни,
Элу улус, қавминг олдида,
Отлангир бор ғайрат-қучингни,
Озодлигинг саклаш йўлида.

Она каби Ватан ягона,
Ёдда сакла буни доимо,
Асра уни кўздан бегона,
Айласанг ҳам жонингни фидо.



БАҲОР

Ёғар ёмғир, ёғар ёмғир шиддаткор,
Гул шохида томчилар қатор-қатор.
Сепин ёйиб келди ўлкамга баҳор,
Ҳар ён гўзал, дала-қирлар лолазор.

Қўл ушлашиб гулгун, жонона қизлар,
Шўх рақсга тушарлар яйраб шодона.
Завку шавққа тўла бундайин кезлар,
Шодлангай дил, ғаму ғубор бегона.

Кечагина чилдираб турган дарё,
Бу кун елар харсанг тошлардан ошиб,
Баҳор элчисиман, дегандек гўё,
Оқиб келади у тоғлардан шошиб.

Ҳар бир куртак янги ҳаётдан дарак,
Жонланур она табиат гуркираб,
Боғбонлар яратган кўчатлар сарак,
Бўй чўзарлар бу кун самога қараб.

Дала гуллари мисли кўркам гилам,
Бўлибон товланар бу дам ранго-ранг,
Ўз ишидан завкланиб фасли кўклам,
Гуллардан либослар киймишдир башанг.

Бунёд этилмакда ўлкамда боғлар,
Бахш этиб юртимга янада чирой.
Элимга субҳидаму оқшом чоғлар,
Ҳавас-ла қарарлар қуёш ҳамда ой.



ФАСЛЛАР

Сепин йиғиштира бошлади баҳор,
Лолалар ҳам тўкди нафис гулларин,
Илк баҳорда тўлиб тошган шўх анҳор,
Энди сокин окизмоқда сувларин.

Турналар солмай қўйди арғимчоғин,
Йиртмас тун пардасин баҳор ёмғири.
Чавандозлар учқур арғумокларин,
Ҳайдадилар чексиз яйловлар сари.

Одатига кўра деҳкон тонг-сахар,
Зўр ғайрат-ла йўл олар даласига,
Тиним билмайин у, то шомга қадар,
Ишлов берар серҳосил ғалласига.

Имтиёзин йўқотиб баҳор фасли,
Бўшатар ўрин жазирама ёзга,
Чугурлашиб қушларнинг янги насли,
Ошиқарлар само узра парвозга.

Йиғиштириб бўлмай деҳкон даласин,
Кеза бошлар боғда кузнинг шамоли.
Жойлаб бўлмай омборига ғалласин,
Кўрингайдир қишнинг оппоқ жамоли.

Баҳор, ёз, куз ҳамда қиш фасллари,
Эрурлар йилнинг асил фарзандлари.
Келиб кетаверар улар бетўхтов,
Бу табиат қонунидир – беаёв.



ҲАМШИРА

Мудом дардимга шифо, малҳам,
Ширинсухану ғамхӯр ҳамшира,
Силаб-сийпар у мисоли онам,
Бор меҳрин бериб, эринмай сира.

Ҳар сӯзи қалбга беради ором,
Меҳрли қараши дардга даво,
Не бўлса-да кулиб турар мудом,
Эҳтиромидир – яна бир шифо.

«Бугун тузуксиз», – дейди тонг сахар,
Ўлҷар экан танам ҳароратин,
Кўтариб кўнглим, аста юпатар,
Битқазиб қалбимнинг жароҳатин.

Тиним билмайин ишлар эрта-кеч,
Беморларига бўлиб парвона,
Оғир меҳнатидан нолимай ҳеч,
Бажарур хизматин оқилона.

Ҳар ишида у, тезкор ва ҷаққон,
Ишонч, ғурур-ла ташлайди қадам.
Ҳамшира дейишинг билан ҳар он,
Пайдо бўлади қошингда ҳардам.

Қалби пок, мурувватли доимо,
Дилкашу андишалик ҳамшира.
Дардимга малҳам бўлгин-у, аммо
Ўзинг ғаму-дард кўрмагин сира.

Таърифинг қилмуш Абдулла бу кун,
Ёзиб у, бор ҳақиқатни фақат,
Аъло касб, тинимсиз хизматинг-чун,
Илоҳим кўргин, иззату ҳурмат.

ЖАМОЛИН ҚИЛИБ КЎЗ-КЎЗ...

Кўркам жамолин қилиб кўз-кўз,
Бу кун келди ўлкамга Наврўз.
Қиёси йўк бундай байрамни,
Таърифлашга тополмайман сўз.

Ҳар маҳалла, ҳар бир хонадон,
Ўйнаб-кулар, қувониб шодон,
Унутилиб араз ва кудрат,
Тилдан учар табриклар фақат.

Наврўз келиб мавжланди чунон,
Меҳр-окибат мисоли уммон.
Пур ҳурмату иззатдан бу кун,
Кўнгил яйраб, бўлади гулгун.

Қийғос гуллаб бекиёс боғлар,
Гул сайлига барчани чорлар.
Момолар пиширган сумалак,
Кўркам баҳор, Наврўздан дарак.

Тўлиб-тошиб оқади анҳор,
Кенг ўзани бўлғандайин тор.
Гупиради томирларда кон,
Уйғонгандек сеҳрли вулқон.

Атроф гулзор, кўркам чаманда,
Маҳзун диллар бўлар фархунда.
Элим севган Наврўзи олам,
Тарк этмасин юртимни бир дам.



ХУМОР-ЛА БОҚДИНГ НЕГА?!

Сарвинозим, дилбарим,
Бир киё боккил менга,
Юракка қилмасанг раҳм,
Ишқ ўтин ёқдинг нега?

Келмасанг сен ёнимга,
Азоб бериб жонимга,
Кўз ёшим дарё қилиб,
Олмадек оқдинг нега?

Шахло кўзларинг сузиб,
Орому тинчим бузиб,
Иродам торин узиб,
Хумор-ла бокдинг нега?

Чиройда сен танхосан,
Гуллардан ҳам аълосан,
Гулни қилиб хижолат,
Чаккангга такдинг нега?

Кирмасанг ишқ боғига,
Муҳаббат қароғига,
Ўртаб севги доғига,
Эшигим қоқдинг нега?!.

Абдуллани куйдириб,
Илк бошида суйдириб,
Ваъдаларга тўйдириб,
Охири қочдинг нега?!



АНҲОР БЎЙИДА

Бир киз турар анҳор бўйида,
Қўлларида нафис гулдаста.
Лов-лов ёнган атлас қўйлаги,
Жамолига бўлиб пайваста.

Тикканича сувга нигоҳин,
Берилганди чуқур хаёлга,
Сувга айтиб дилдаги оҳин,
Жавоб истар қандай саволга?

Белига тушган қирқ кокилин,
Тортқилайди ўйноқи шамол.
Бу гўзалнинг гулнафис дилин,
Қийнар экан қандайин хаёл?

Қўнглида қандай ташвиши бор?
Нечун турар паришонхотир?
Ё севгани бердими озор?
Шуни ўйлаб куярми хозир.

Қўй, сингилжон, чекмагил азоб,
Бу кунлар ҳам кетади ўтиб.
Бошинг узра чарақлаб офтоб,
Турғусидир йўлинг ёритиб.



ОТАШ СОЛДИНГ ЮРАККА

Шахло кўзларинг қародир,
Кўнглимга ўт кўёдир,
Киприкларинг дастидан,
Менинг кўксим яродир.

Сочларинг шалоласи,
Камалакдек товланур,
Қошларинг ҳилоласи,
Чимрилишга чоғланур.

Сен гўзаллар гўзали,
Ҳусну жамолда якка,
Бир киё бокмай ҳали,
Жоним солдинг ҳалакка.

Кундузи қуёш бўлиб,
Оташ солдинг юракка.
Тунлари ойдек тўлиб,
Парвоз қиларсан кўкка.

Дунёда гўзаллар кўп,
Сен уларнинг тождори.
Бир қуни кўрмасам, хўб,
Тутар васлинг хумори.

Умид-ла боксам сенга,
Ранжимагин паризод.
Бир назар ташлаб менга,
Кўнглимни қилгил обод.



НАЙЛАЙ

Кечаю кундуз кийналиб,
Кўним билмайин сандалиб,
Ёрга етдим деб алданиб,
Умрим абас¹ ўтди, найлай.

Муҳаббатим бўлиб ихрож²,
Кўя олмай тахтимга меърож,
Тополмай дардимга минҳож,
Умрим абас ўтди, найлай.

Марғуб ёрим-ла мусоҳиб,
Бўлмай ўтди умрим окиб,
Ҳижронда жигарим ёкиб,
Умрим абас ўтди, найлай.

Ўзгалардан кўрмай имдод,
Ёр номини айлабон ёд,
Ишқ боғин қилолмай обод,
Умрим абас ўтди, найлай.

Шодлик кўрмай кўнгил маҳзун,
Куним бўлди йилдан узун,
Ҳасратимдан чикиб тутун,
Умрим абас ўтди, найлай.

Толеим бўлгай деб баланд,
Ҳижронга солдим мен каманд³.
Лек, ҳаёт ўтиб наҳр монанд,
Умрим абас ўтди, найлай.

¹ Абас – беҳуда, бефойда, бекорга.

² Ихрож – хайдаш, сургун этиш.

³ Каманд – сиртмок, бўғув, тузок.

ЁР ДЕМА

Бевафо бўлса гар ёринг,
Топтаса номусу оринг,
Ёза олмаса хуморинг,
Бундайин ёрни ёр дема.

Аҳд-паймонида турмаса,
Ишқинг ўтида куймаса,
Сен бирла даврон сурмаса,
Бундайин ёрни ёр дема.

Ёритолмаса ошёнинг,
Ерга урса шуҳрат-шонинг,
Безамаса ҳар бир онинг,
Бундайин ёрни ёр дема.

Ошибон пардоз-андози,
Баҳору куз, кишу ёзи,
Бўлмаса сенга эъзози,
Бундайин ёрни ёр дема.

Кўнглингга йўл тополмаса,
Бўйнингга қўл сололмаса,
Сен-ла ғаминг бўлолмаса,
Бундайин ёрни ёр дема.

Бўлмаса марғуб, ифбатли,
Ғунчадек лаблар лаззатли,
Хулку одоби иллатли,
Бундайин ёрни ёр дема.



УНУТМАЙМАН СЕНИ...

Унутмайман сени ҳеч қачон,
Умид бўлиб кирдинг юракка.
Сен туфайли жонгинам инон,
Қалбим тўлди орзу тилакка.

Севгинг бўлиб менга қўшқанот,
Парвоз қилай висол боғига,
Она замин, чексиз самовот,
Викор берсин севгим тоғига.

Шахло кўзлар ўтли нигоҳи,
Мажнун қилур мени бегумон.
Изтиробда юракнинг оҳи,
Ўртар қалбим гўшасин ҳамон.

Юрагимда ҳислар жўш уриб,
Тўғён урар олиб оромим.
Сени факат бир бора кўриб,
Таскин топмоқ истайди кўнглим.

Унутмайман сени ҳеч қачон...



* * *

Ҳақиқат ёлғонга бошин эгмайди,
Донолар ноқаснинг ошин емайди,
Ёшликнинг кадрига қаримасдан ет,
Энди у орқага қайтиб келмайди.

БИЛМАЙСАН

Қалам қошли гўзал ёр,
Бодом қовоқли дилдор,
Йўлингда ёринг минг бор,
Сарсонлигин билмайсан.

Юлдуз десам юлдузсан,
Раънодек настаринсан,
Чиройингдан бу кўнгил,
Вайронлигин билмайсан.

Ёноғингдаги холинг,
Тўлин ойдек жамолинг,
Кўриб кўкда қуёшинг,
Ҳайронлигин билмайсан.

Учратаман деб ҳар чоғ,
Кезаман далаю боғ,
Армонди кўнгилда доғ,
Қолғонлигин билмайсан.

Қуёшдайин нур сочиб,
Тургин йўлим ёритиб,
Бўлмаса ёринг ғариб,
Бўлғонлигин билмайсан.

Ўзингга берсин инсоф,
Муҳаббатинг бўлсин соф,
Севгим ўтидан атроф,
Ёнганлигин билмайсан.

Вафодоринг Абдулло,
Севгисин асраб илло,
Берса ҳам ботмон тилло,
Сотмаслигин билмайсан.

ҚАНИ

Йўлимга интизор боққан,
Кўнглимнинг чироғин ёққан,
Муҳаббат эшигин қоққан,
Ул гул юзли ёрим қани?

Булбулдайн хуш сайраган,
Гулузоримда яйраган,
Севгисин ошкор куйлаган,
Ул булбулигўём қани?

Қора сочлари сумбулим,
Боғимда очилган гулим,
Ғунча лабу шакар тилим,
Ул ширин гуфторим қани?

Висолига хўп тўйдирган,
Рашки ўтида куйдирган,
Дилимга номин ўйдирган,
Ул вафодор ёрим қани?

Меҳр-окибатда ягона,
Ишқида қилган девона,
Ёрига мудом парвона,
Ул севгида борим қани?!



КЕЛМАДИ

Ўртаб гўзал кўнглимни,
Гулзоримга келмади.
Сўлдирибон гулимни,
Ўшал дилдор келмади.

Аввал ваъдалар бериб,
Унутдими ваъдасин.
Ё бир муаммо кўриб,
Топмадими чорасин.

Ўз кўнглини шод айлаб,
Ўтказдиму вақтини.
Ё ўзгани ёр айлаб,
Топдиму ўз бахтини,

Балки у, қилиб хато,
Берилдиму хавасга.
Тақдирин этиб адо,
Алдандиму бир касга.

Мен-чи, севгим авайлаб,
Ёрга қилай илтижо:
Ишқингни дилга жойлаб,
Қайтгил ёнимга барно.

Абдулла сени кутгай,
Умрбод садокатда,
Севгисин адо қилмай,
Метиндек каноатда.



СЎРАГИЛ САБОЛАРДАН

Булбул янглиғ сайрашимни субхи шом,
Билмайсанму, эй париваш, жонона.
Ҳажринг ўтида юрак-бағрим тамом,
Ёнганини сезмайсанму, мастона.

Соғинчимни сўрагил саболардан,
Тонг елида таралган наволардан.
Висолингни кўрсатибон гўзал ёр,
Сакла мени офату балолардан.

Бир бора кўрай дебон жамолингни,
Урдим ўзимни дилдорам ҳарёна.
Ҳатто шамолдек очиб рўмолингни,
Ҳуснингни кўролмай дилим гирёна.

Тўлиб-тошар бу кун сабрим косаси,
Ошиқ юрак ёрнинг висолин истар.
Шифо дея ёрнинг кайнок бўсаси,
Бир ўпич берсанг-ей, жонгинам нетар.

Келгил ёрим, этмай мени интизор,
Айлай изларингни кўзга тўтиё.
Ошиғингга килмасдан дунёни тор,
Ҳамиша кўнглимга ўзинг бер зиё.



* * *

Юракни аёвсиз кемирур гумон,
Темирни емирган бир занг мисоли.
Бу ҳолдин қутулиш эмасдир осон,
Ёр-дўстлар бўлмаса меҳру вафоли.

ҲАЁТ ҚАЙНАР

Шабнам ила ювиб юзин лолакизғалдок,
Интизорликда ҳар тонг кутар қуёшни.
Булут қуёшни тўсса ғунчалар гамнок,
Бўлишиб, кўздан тўқарлар биллур ёшни.

Бир-бирини қувлашиб минглаб жилғалар,
Азим дарё қудратин бошлаб беради!
Адирнинг ён бағрида қўю йилкилар,
Хуштаъм сўлим ўтлардан мадор теради.

Хос гиламдек товланиб дала гуллари,
Совға қилур саболарга ранг, ифорин.
Ўлкам хушовоз сайроки булбуллари,
Сайрарлар бетиним хуш, кўнглида борин.

Она табиатнинг маҳорат, қудратин,
Қўрурмен тирик жону ҳар бир ниҳолда.
Намоён этиб буткул суръат, сийратин,
Ҳаёт қайнар бисёр, замину самода.



* * *

Савобнинг бўлмайдиган кичик-каттаси,
Аниқ манзили-ю, бугун эртаси,
Савоб иш қилингиз ҳар ерда, ҳар он,
Тополсангиз агар заррача имкон.

ҲАР УШОҚДА...

Ҳар ушоқда бутун нонни,
Фақат нодон кўра олмас.
Ўн фарзанд койитиб жонни,
Бир отани боқа олмас.

Ялқовга булут сояси,
Оғир юк бўлиб туюлар.
Нокасларга ишинг тушса,
Икки қабоғи уюлар.

Пешонангда нелар бўлса
Кўргайдирсан умринг қадар.
Ўгил-қиздан кўнглинг тўлса,
Эрурдирсан бахтли падар.

Бил, меҳнатсиз фароғат йўқ,
Кўркма кўлинг кадоғидан.
Нокас, нодонга кўшилиб,
Қолма элинг ардоғидан.

Ўлчанур кадр меҳр ила,
Асалнинг ҳам ози ширин.
Чарчамасдан, эй Абдулла,
Очабер ёмонлик сирин.



БОГИМ

Тонг сахарда агар чиксам даламга,
Дурдек шабнам ювар харчанд юзимни.
Кўрк-чирой бўлгудек бутун оламга,
Гуллаб боғим қувонтирар кўзимни.

Бир томонда бодом, ўрик ва гилос,
Улар қаршисида қатор шафтоли.
Шохлари кўринмай гуллабди кийғос,
Арик лабидаги икки гайноли.

Мўъжазгина, кўркам бу ажиб боғим,
Чексиз ором берур баҳри дилимга.
Гуллаб турган боғимнинг бир бутогин,
Алишмам ҳаттоки, Боғи Эрамга.

Чунки бу боғим, орзуйим, меҳнатим
Маҳсули эрур менинг-чун бебаҳо,
Фақат сабр, меҳнати туфайли ҳар ким
Яратур ўз Боғи Эрамин танҳо.



* * *

Қалбакилик фазилат эмас инсонга асло,
Соф виждон эгаси бўлмас анга ҳеч мубтало,
Ўйнагил, гапир, кулгил сен фақат чин дилингдан,
Самимият барқ урсин ҳар бир айтган сўзингдан.

* * *

Карами чексиз эрур дея Раҳмоннинг,
Сабабчи бўлма бировлар азобига,
Билгил бу дунёга меҳмонсан, меҳмоннинг
Иззати боғлиқдир хулқу одобига.

СИРЛАШДИМ

Армонларим оғушидан чиқай деб,
Сокин дарё ила ажиб сирлашдим.
Кўнглимдаги гам-ғуссани тўқай деб,
Эрта тонгда булбуллар-ла сирлашдим.

Тийра шомлар қолиб, яккаю ёлғиз,
Олис-олис юлдузлар-ла сирлашдим.
Хаёлимни ўғирлаган ўшал киз,
Қайда, дея саболар-ла сирлашдим.

Ишқ ўтида парвона каби ёниб,
Соғинчим алангаси-ла сирлашдим.
Сув бетида енгил хазондек сузиб,
Қирғокларни ўпиб, тўйиб сирлашдим.

Дилим фарёдини тоғда яшириб,
Қояларнинг залвори-ла сирлашдим.
Ғуборимни тарқалишин шошириб,
Оппок-момик қорлар ила сирлашдим.

Бир кўришга ошикиб рухсорини,
Ёрим ила ғойибона сирлашдим.
Қозониш-чун унинг эътиборини,
Гуллар тутиб, гуллар ила сирлашдим.

Олиб бор, деб маликамнинг қошига,
Неча-неча сарбонлар-ла сирлашдим.
Қаноат тилаб сабру бардошимга,
Умидларим қарвони-ла сирлашдим.



КЎРИНДИ

Тонг чоғи сайри гулзор этсанг санам,
Изларингдан нуру жило кўринди.
Минг бора нозланиб гар қўйсанг кадам,
Қадамингда чексиз ибо кўринди.

Гунча лабларингдан учган сўзлардан,
Олам-олам тубсиз маъно кўринди.
Ишва билан боккан қора кўзлардан,
Бекиёс, беназир ҳаё кўринди.

Лов-лов ёнган гўзал ёноқларингдан,
Куёш нурин эмган сабо кўринди.
Гуллар тутган хушхол бармоқларингдан,
Завқу шавққа тўла сафо кўринди.

Жон олғучи жарангдор хос кулгингдан,
Бир умрга маҳзунлик жудо кўринди.
Хинолигу нафис, кўркам илкингдан,
Гулдаста ушлашинг раво кўринди.

Бетакрор жамолинг кўриб ногаҳон,
Кўзларимга мислсиз зебо кўринди.
Абдулла ошиқ бўлиб сенга пинҳон,
Мажнундайин энди шайдо кўринди.



БИР КАМ ДУНЁ

Хаёт кимни йиғлатиб, кимни кулдиради,
Ким рост сўзлар, ким ёлғонга тўйдиради,
Муҳаббат суюнтирса, ҳижрон куйдиради,
Бир кам ёлғон дунё шудир, бири кам дунё.

Ғаним ўт қўймоқчи бўлса хонумонингга,
Чин дўстинг қасд қилса агар, ширин
жонингга,
Севган ёр тўймаса рухсору висолингга,
Бир кам ёлғон дунё шудир, бири кам дунё.

Сув ўрнига, кўз ёшингда қорсанг лойингни,
Номардларнинг каторида топсанг жойингни,
Ғумроҳликда ўтказсанг гар, азиз онингни,
Бир кам ёлғон дунё шудир, бири кам дунё.

Нодонларга ёндошибон, суҳбатда бўлсанг,
Нокаслар-ла бўлиб, гаму кулфатга тўлсанг,
Она Ватандан қўп йироқ, узлатда ўлсанг,
Бир кам ёлғон дунё шудир, бири кам дунё.

Оталар ўз фарзандидан тониб турсалар,
Кимлар умри қадар тирноққа зор, юрсалар,
Ўзи ношуд, лек улуғман, деб лоф урсалар,
Бир кам ёлғон дунё шудир, бири кам дунё.

Хаёт кимни йиғлатиб, кимни кулдиради,
Кимни бахтга, кимни андуҳига тўйдиради,
Бир кун қабр тошига номинг ўйдиради,
Бир кам ёлғон дунё шудир, бири кам дунё.



ДИЛ НИДОСИ

Охимнинг ёлкини гулхан ёкади,
Армоним кўксимдан аста бокади.
Соғинчдан битилган туморлар бирдай.
Ҳижрон дарёсида калкиб оқади.

Умидим саробдай кўринар бу кун,
Бахтимнинг гуллари сўлгандай махзун.
Севгим сирларини эшитган майса,
Жовдираб қарайди, йиғлайди беун.

Самоларга сиғмайди фарёдларим,
Дарёларда чўкмайди азобларим.
Жон-жаҳоним ўртаб, колар жавобсиз,
Дилгинамни ўртаган сўроқларим.

Гувоҳдирлар дардимга еру осмон,
Шифосин тополмай қийналади жон.
Кўзларимни куйдириб соғинч ўти,
Жолаларим оқизур маржон-маржон.

Ҳамон-да кўринмас йўлим адоси,
Жавобсиз севгининг бўлдим гадоси.
Олмади оғушига бир бора ҳам,
Умр бўйи кутган, ишкнинг садоси.

* * *

Кўнгилни қопласа ҳадигу кўркув,
Тарк этар тотувлик хонадонингни.
Ҳар хабар солибон дилингга ғулув,
Минг азобга солар ширин жонингни.

* * *

Тухматчининг ўзидан ёмондир унинг сўзи,
Занг мисоли кемирур ул кишилар қалбини,
Фақат тухмату бўҳтонлар ёғдириб доимо,
Душманга айлантирур, хатто, оға-инини.

ЛОЛА ЮЗИН ЧАЙГАЛИ

Токка чиксам лолага,
Сойлар кори бор экан.
Юрай десам бемалол,
Сўкмоклари тор экан.

Баланд-баланд арчалар,
Қояларда шашқатор.
Қўшиқ айтар жилғалар,
Куйида фасли баҳор.

Булут пастлаб учади,
Тоғ бағрини кучади,
Қуёш заррин нур сочиб,
Зарбоф тўнлар бичади.

Лола қилар табассум,
Камалакдек товланиб.
Мисоли кўкда нужум,
Нур таратар завкланиб.

Лола тердим бир даста,
Ёрга совға этай деб.
Олармикан гўзал ёр,
Уни ишким рамзи деб.

Токка чиқдим лолага,
Андуҳларим ёзгали.
Кўзимдаги жолага,
Лола юзин чайгали.



ЭР ЙИГИТМАН ДЕСАНГ...

Эр йигитман десанг ўзингни,
Ҳалоллаб с ошу тузингни.
Номардларга бўлмагил ҳамдард,
Салмоғин бил айтар сўзингни.

Ножинсларга бўлмагил ошно,
Ҳиссанг йўқми, қилмагил даъво.
Ўзгалар ҳақидан қилиб ҳазар,
Ҳалолликни этгил муддао.

Меҳнат қилсанг насибанг бордир,
Бахту омад ҳамиша ёрдир.
Садоқатли бўлсанг дўстларга,
Суҳбатингга улар хумордир.

Тилинг ширин, заҳар ёт бўлса,
Фурсат ширин, ракиб мот бўлса,
Рўзгоринг бут, ҳаёт соз бўлар,
Фарзандларинг қўшқанот бўлса.

Яратгандан сўра бахтингни,
Ёдда тутгил мудом аҳдингни,
Элинг билан бўлиб ҳамиша,
Қувончлардан кургин тахтингни.



ҲАҲУЗ БЕГОНА

Ёр висоли менга ҳануз бегона,
Сўроқлайман ёримни саболардан,
Ишк йўлида бўлдимми деб девона,
Дардим ошар бундайин саволлардан.

Метиндек бўлса ҳам чидам, иродам,
Лек, фироқ олдида эканман ожиз.
Тоғни кўтаришга кодирдек елкам,
Қудратин йўқотмиш жонгинам, сенсиз.

Тегирмон тошидек эзади ҳижрон,
Юрак бежо урар соғинч дардидан.
Сенга етиш учун топмасам имкон,
Шифо топгимдир, оёгинг гардидан.

Исмингни ёд этиб яшайман ҳаргиз,
Тилайман яратган эгамдан шафқат.
Лаокал қалбингда колдириш-чун из,
Умримни сарф этай, қабул эт фақат.



* * *

Ўзингдан ўтганини ўзинг биласан,
Гоҳида йиғлайсану, гоҳи куласан.
Номардларга сирингни айласанг ошкор,
Ҳасратингдан чанг чиқиб, сочинг юласан.

* * *

Бил, сувнинг бир томчиси ҳам сувдир,
Ҳар томчининг эса ўз қадри бор.
Чўлу саҳролар кезганда кимдир,
Бу ҳақиқатга бўладир икром.

ҲАМИША ШИФОИНГДИР

Юлдуз учса самода,
Куним битди демагил.
Гар коқилсанг мабодо,
Йўлдан гина қилмагил.

Меҳнат қилиб топганинг,
Лукмаи ҳалолингдир.
Меъёрида тотганинг,
Беназир шифоингдир.

Дуода бўлса қўллар,
Худойим бошингдадир.
Бахтинг ўнгу сўлингда,
Омадинг қошингдадир.

Қалбда ғайрат кайнаса,
Ғам, танглик бегонадир.
Хукмрон бўлса армон,
Дил андуҳга ботадир.

Обруйинг бўлса баланд,
Хос гуллар изингдадир.
Ёр бўлса сенга омад,
Сийму зар измингдадир.



* * *

Амалдорсан барча сўзинг тўғри, ёқимли,
Олқишлар уларни барча хуш ёққандайин.
Кетса амал, ҳатто бир сўзинг эшитгали,
Топмассан ҳеч ким, чин дўстлар бўлмаса тайин.

ҲАЁТ ТАРОЗУ

Кимгадир омад кулиб бокиб бугун,
Кўтарса гар кўнглини тоғ мисоли,
Кимгадир ғам солиб дилига тугун,
Юрагин кувончдан этади холи.

Аммо ҳар ойнинг ўн беши коронғу,
Ўн беши ёруғ дерлар – бу, ҳақиқат.
Ҳаёт ҳам мисоли оддий тарозу,
Ғаму омад палласидан иборат.

Бир кун омад палласи келса устун,
Эртаси ғам келар отин қамчилаб,
Кўнгилни этолмай ҳамиша гулгун,
Омад келиб кетавераркан, ё раб.

Лек, эзгу тилак бор менинг дилимда,
Барчага бирдек бахтдан тилайман тахт.
Токи қаламим бор экан кўлимда,
Шеър ғазал битиб, баралла дейман:

Соя кўрса агар бошида инсон,
Бўлсин у ҳамиша омад сояси,
Бахтиёр кунлари кўпайиб ҳар он,
Бахту икбол бўлсин улар дояси.



* * *

Дарахтнинг тўғриси кесилур аввал,
Эгриси туради то қуриганча.
Ростгўйнинг бошига ёғса кулфатлар,
Мунофик яшайди даврон сургунча.

ЁРНИНГ СУРАТИ

Ошиқ юрак талпинади сен томон,
Айрилиқ дардига беролмайин тоб.
Сен эса келмайин бепарво ҳамон.
Куйдирасан хажрингда мисли офтоб.

Соғинаман тўлин ойдек жамолинг,
Термуламан йўлларингга ҳар окшом.
Камондек қайрилган кошу ҳилолинг,
Кўролмайин доғидаман мен мудом.

Майли киприкларинг нашта-р янглиғ санч,
Сенсиз садпора-ю, куйган юракка
Ёлғизликдан аҳволим қилмай аянч,
Ёнимга кел, етказ орзу тилакка.

Ҳақдан тилаганим ўзингсан санам,
Эрурдирсан бошим узра бахт қушим,
Сенсиз аёздир баҳору ёзим ҳам,
Кўрмасам учадир бошимдан ҳушим.

Татимайди ҳатто дўстлар суҳбати,
Учрашсак алар-ла ғамгин кулбамда.
Кўз олдимда фақат ёрнинг сурати,
Ўзга нарса йўқдай бутун оламда.

Кўз ўнгимда фақат ёрнинг сурати...



ЖОНИМ ТЎШАЙ ПОЙИНГГА

Ахтариб гулзор аро,
Тополмадим дилдорни.
Дилгинам бўлиб аро,
Кўролмадим ул ёрни.

Соғинчдан рангим сомон,
Кўзларим ёр йўлида.
Ўртаб юрагим хижрон,
Йиғлатур ёр кўйида.

Ўтиб баҳор, келди ёз,
Ёрдан ҳамон йўқ дарак.
Қайдадир ул дилнавоз,
Ўзинг айтгил, эй фалак.

Айлаб менга тараххум,
Кўрсатгил жамолингни.
Йиғлатмай ёринг юм-юм,
Бир бор оч рўмолингни.

Келсанг ёрим, бўйнингга,
Соғинчдан тақай маржон.
Жоним тўшаб пойингга,
Севгимни айлай баён.

Висолингга етсам ёр,
Армонларим тўкилгай.
Дилга тўлиб ифтихор,
Самолар нурга тўлгай.



ОҚИБАТ МЕҲРДАН, ДЎСТЛАР

Елкан кучи шамолдан,
Қизнинг кўрки жамолдан,
Қудрат – ақл, камолдан,
Окибат меҳрдандир.

Вафо борки, сафо бор,
Ҳижрондан кўнгил безор,
Шодон куйласа дутор,
Бу ишқнинг сеҳридандир.

Само гўзали ойдир,
Тоғнинг ашклари сойдир,
Дўстлик ипи узилса,
Бесабаб қаҳрдандир.

Гуллар унса сабрдан,
Ҳаёт томса абрдан,
Дил чўкмаса жабрдан,
Бу бахтнинг наҳридандир.

Окибатдан садокат,
Нури таралар факат,
Чин бўлмаса муҳаббат,
У сохта ваъдадандир.



* * *

Чин дўстинг ҳидоят йўлига бошлар,
Намоён этиб, покиза сийратин.
Дўсти қосир¹ икки кўзингни ёшлар,
Кутмаганда кўрсатиб каж ҳислатин.

¹ Қосир – ожиз.

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ...

Молу давлатга ҳеч сиғинмам асло,
Кўзлаган максадим эмас тожу тахт.
Орзуга айб йўқ, дерлар-ку, аммо,
Олса дейман мени кучоғига бахт.

Ҳар субҳи шом олиб кўлимга қалам,
Элим шод онларин куйласам дейман.
Қанийди, дўстларим бўлиб жамулжам
Каторда норимдек турсалар дейман.

Умидим чироғи порлаб ҳамиша,
Ижодим йўлларин этса чароғон.
Меҳнатим ҳеч кима этмайин пеша,
Қанийди ғазаллар битолсам ҳар он.

Сўзларим гар кириб ҳар бир юракка,
Уйғота олса қувноқ ҳис-туйғулар,
Демак бахтлиман мен, етдим тилакка,
Десам, айблангангиз мени, дўстлар.



* * *

Пул билан ўлчама ҳеч қилган саховатингни,
Мақтанмагин сен асло берган ёрдаминг санаб,
Озор берма бировга, ўйлаб гапир сўзингни,
Ҳурмат қил ўзгаларни, бўлмагин иззатталаб.

* * *

Кимга аза, кимларга эса тўйдир,
Бу аччиқ ҳақиқат учрар ҳаётда.
У қадим азалий ечилмас ўйдир,
Ё йиғлатар, ё куйлатар баётда.

ИЛТИМОСГА КУНИНГ ҚОЛМАСИН

Илтимосга агар кунинг қолса,
Эгилур албат бу азиз бошинг.
Сабр косанг ғам-андухга тўлиб,
Дарёдек оқур кўзлардан ёшинг.

Танг ҳолатингдан топибон хабар,
Чин дўст қошингда бўлса гар зохир.
Ғанимлар яйраб, обдан кувнашар,
Мақсадга етдик-ку, дебон, охир!



* * *

Дўстликнинг риштаси узилса агар,
Бошланур албат интиқом сўкмоғи,
Дўстлар бир-бирига бўлиб ситамгар,
Чўнг барқ урар адоватнинг салмоғи.

* * *

Кўнглинг эгалласа ҳасад балоси,
Тарк этар ҳаётинг ҳузур-ҳаловат,
Ўзгаларнинг бахтидан кулган сиймоси,
Кўзингга балодек кўринур ҳар вақт.

* * *

Ногаҳон бошингга тушса ташвиш-ғам,
Чин дўст елкасига кулфатинг олур,
Яхши кунда «дўстлар» бўлса бир олам,
Қайғули онингда чин дўстинг колур.

БҮЛГИЛ МЕН ТАРАФ

Яратганда сени она табиат,
Дунё гўзаллигин қилмуш жамулжам.
Қалбингга солибон қайноқ мухаббат,
Меҳру садоқатда этмишдир бекам.

Юлдузлар жилоси тобланиб сенда,
Мафтункор порлайсан кўкда бекиёс.
Бир бокқанни мафтун айлаб ўзингга,
Махлиё этурсан париларга хос.

Кўркам жамолингни таърифлай десам,
Ожизлик қиладир содиқ қаламим.
Сени ҳатто, гулзор ичинда кўрсам,
Гулларга рашк қилиб, ортар аламим.

Жамолингга бокиб, тўймайин асло,
Эрта-кеч атрофингга парвонаман.
Ҳамон висолингга етмайин аммо,
Ишқинг йўлида бедор, девонаман.

Абдуллага раҳм эт, айла шафкат,
Ҳуснинг бир кўришга этгил мушарраф,
Дилда армон тахин, этмайин қат-кат,
Бўлгил ё мен, ё ўртар хижрон тараф.



* * *

Хаста дилга ҳардам ҳам шифо топилмас,
Фоний дунёдадирмиз, бако сотилмас.
Не борки боғлиқдир ул кодир Худога,
Унингсиз синоат, на бир сир очилмас.

НОУМИД БЎЛМА

Армонларим ортиб елкага,
Беихтиёр юрдим сарсари.
Тушган каби мудроқ кемага
Телбаларча суздим илгари.

Кўп ороллар орқада қолди,
Қалбим каби бўм-бўшдир улар.
Тикилганча кўзларим толди,
Шу йўсинда кездим дарбадар.

Забт этилди қорли чўққилар
Қолиб кетди ям-яшил ўтлок.
Аммо мени ҳамон чўқилар,
Ечилмаган тугунли жумбоқ.

Бир жумбоқки қўймас холимга,
Топгин дейди бахтингни албат.
Парво қилмай тақдир-золимга,
Ўрнат дейди дилда ҳақиқат.

Не сабабдан ўзимга ўзим,
Умидсизсан, дейман гоҳида.
Эй, Худойим, бергил деб тўзим,
Ёлвораман дилим оҳида.

Ноумид бўлмагин, Абдулла,
Умидсизлик шайтонларга хос.
Дилинг нурга тўлади, фақат,
Яратганга қўйсанг гар, ихлос.



ОНА ҚУВОНЧИ

Онанинг умидлари рўёбга чиқиб,
Фарзандлари саломат, мукаррам ўссин.
Бир кун келиб, ўғлони вояга етиб,
Ҳар она уй тўрига, чимилдик илсин.

Келинчакни суюкли қизидай билиб,
Иссик бағрига боссин, меҳрини бериб,
Шоду хурсандлигидан минг бора кулиб,
Ҳар она уй тўрига, чимилдик илсин.

Ширин тилларидан тўкилиб дуолар,
Беғубор дилларидан учиб «Ҳумолар»,
Меҳмонларга улашиб, турли сарполар,
Ҳар она уй тўрига, чимилдик илсин.

Орзуси ижросидан, кўкрагин кериб,
Бору-йўғин ўғилу қизига бериб,
Ёшлар бахтидан кўнгли шамдайин эриб,
Ҳар она уй тўрига чимилдик илсин.

Бўлибон ҳам онаю ҳамда қайнона,
Ўйнаб-кулиб бекиёс, яйраб шодона,
Тақдирдан бўлиб рози, айтиб шукрона,
Ҳар она уй тўрига, чимилдик илсин.

* * *

Аёл-опа, сингилу ёхуд гўзал ёр,
Бўлибон жой олурлар қалбларда мангу.
Лек, она деб қаралса аёл зотига,
Муаммолар ечилгай, келтирмай қайғу.

* * *

Кўпнинг молини ҳеч ўғри олмайди,
Дўстлар каторида билак толмайди,
Халқи ила бўлса агар эр йигит,
Йўлидан адашиб, элдан қолмайди.

ҒАНИМАТ БИЛ

Онажонинг ғанимат бил,
Ул зот рихлат килмасидан.
Меҳринг ила қувонтир дил,
Қўз тупроққа тўлмасидан.

Муқаддасдир онажонинг,
Ҳам жисм-у, ҳам имонингга.
Унга бағишла ҳар онинг,
Зориқтирмай дийдорингга.

Олтингга тенг ҳар бир сўзи,
Насихатлари бебаҳо.
Қалқондир фарзандга ўзи,
Кенг бағрига сиғур дунё.

Волидам де кеча-кундуз,
Ҳурмати кўй жойига.
Йўлларига бўлиб юлдуз,
Ёғдуларинг соч пойига.

Маккага опичлаб ҳатто?
Олиб борсанг онажонинг,
Узолмассан қарзинг асло,
У дунё-ю, бу дунёйинг.

Онанг номига Абдулла,
Айтгил мудом ҳамду сано.
Қўлингни очиб дуога,
Яратганга кил илтижо.



МАЙЛИГА

Жон олгучи кўзларингга тикилиб,
Жоним нисор айласам-да майлига.
Йўлларингга қўланкадай йиқилиб,
Остонангни пойласам-да майлига.

Етказибон ошиқ кўнглимга озор,
Қийноқларда «сийласанг-да» майлига.
Тийра шомлар сенсиз, хижронда бедор,
Фирокларда қийнасанг-да майлига.

Ишқингга Мажнундай сахролар кезиб,
Ташналикдан хор ўлсам-да майлига.
Армонларим уммонида минг сузиб,
Изларингга зор ўлсам-да майлига.

Сен томон талпинган юрагим юлиб,
Қафасларда сақласанг-да майлига.
Девонаи ишқ деб, устимдан кулиб,
Йўлларимга бокмасанг-да майлига.

Дил тўримга изтиробимни тахлаб,
Надоматлар чектирсангга майлига.
Кўнгил учун сиз яхшисиз, деб мақтаб,
Алдоқларга тўйдирсанг-да майлига.

Илтимосим, севгим туморин асраб,
Бир кунлари эсга олсанг майлига.
Учрашганда сўлгин юзимга қараб,
Беморлигим билмасанг-да майлига.

Фақат ижозат бер, кўксингга бошим,
Қўйиб бир бор, кетай боқий сайлига.
Дилгинангдан ўчиб энди қуёшим,
Хотиротга айлансам-да майлига.

ПОЙЛАГАНИМ ПОЙЛАГАН

Дардингизни ололмайман десанг ҳам,
Бекорларга овворасиз десанг ҳам,
Нечун мунча ёлворасиз десанг ҳам,
Йўллларингни пойлаганим пойлаган.

Қутлуғ ёдинг бўйнимга тумор қилиб,
Соғинч хуморини киприкка илиб,
Ҳижронингдан бир йиглаб-у, бир кулиб,
Йўллларингни пойлаганим пойлаган.

Пойингга жонимни гулдек тўкай деб,
Ҳар бир босган изларингни ўпай деб,
Ой жамолингни бир бора кўрай деб,
Йўллларингни пойлаганим пойлаган.

Кўнглим нидосини сенга айтгали,
Вафо кўрғонига сен-ла қайтгали,
Ишқим бўстонини обод этгали,
Йўллларингни пойлаганим пойлаган,

Зулфинг занжирига бойлаб ўзимни,
Кўзларингдан узолмасдан кўзимни,
Айтайин деб дилдаги бор сўзимни,
Йўллларингни пойлаганим пойлаган.



* * *

Ҳамроҳинг кимлиги йўлда билинар,
Сувнинг асл қиммати чўлда билинар,
Инсоннинг қарамда бетакрорлиги,
Садақа узатган қўлда билинар.

ЯХШИЛИК ҚИЛ

Бу ёлғончи дунёда,
Яхшилик қил, яхшилик.
Меҳринг қилиб зиёда,
Яхшилик қил, яхшилик.

Оғритма биров дилин,
Кўнгил овлагил ҳар дам.
Тутиб комиллар кўлин,
Ҳаётинг қил муҳташам.

Мақсад сари бос кадам,
Ҳасаддин қилгил ҳазар.
Дардлиларга бўл малҳам,
Шифо бер умринг қадар.

Яхшилик қилгил фақат,
Ҳатто кўрган тушингда.
Савобни ўйла ҳар вақт,
Бўлсанг ақлу ҳушингда.

Кўрай десанг пурхурмат,
Эл улус, қавминг аро,
Ночорларга саховат,
Йўлин очгил доимо.



* * *

Ҳаётдан янада бир кун мангуга кетди,
У нелар берди-ю, неларни олиб кетди.
Пешонага ёзилгани бўлади ҳардам,
Содир бўлур у албат, беҳатою бекам.

АЯМАСДИМ ДУНЁ ТОЖУ ТАХТИНИ

Хотиралар уммони олиб ўз қаърига,
Кўз олдимдан ўтади бир-бир ўтган кунлар.
Шеър бағишлай десам онажоним шаънига
Маъносиз, юпундай туюлар барча сўзлар.

Бирон-бир сўз бера олмас дилимга таскин,
Бирон-бир сўз ифодалай олмас соғинчим.
Онажон, сизсиз бу дунё коронғу, мискин,
Ғариб, нотавондир, хатто севинч, қувончим.

Ҳасратларимни эшитмас сиздайин ҳеч ким,
Кўнглим кўтармас, юпатмас сиздайин биров.
Ўрнингиз босолмас гоҳо оғаю иним,
Йиқилсам тутмаслар қўлим сиз каби дарров.

Кўнглим хастадир, татимас менга бу жаҳон,
Ноўрин туюлар бу дунё шодликлари.
Чин раҳнамо эдингиз, ўзингиз онажон,
Эзганда ҳаётнинг чигал муаммолари.

Тарк этганда отажоним фоний дунёни,
Тақдир шу экан деб, юпатдингиз бизларни.
Ҳам она, ҳам босиб, ўтган ота ўрнини,
Ўстирдингиз меҳр ила ўғил-қизларни.

Отасиз ўксинмасин деб, мурғак кўнгиллар,
Бор меҳрингизни бердингиз ҳар кун, ҳар соат.
Ўтса-да бир-бирин қувиб бўҳронли йиллар,
Лекин, тарк этмади сизни ғайрат-шижоат.

Ёрқин хотирангиз ёдимдадир, онажон,
Минг афсус кўрмадингиз фарзандлар бахтини.
Сизни бир лаҳза кўриш-чун азиз онажон,
Аямасдим дунёнинг бор тожу тахтини.

ТАБИАТГА КЕЛАР ҲАВАСИМ

Гул шохида қушлар сайрайди,
Тез оқар сув тошни қайрайди,
Тоғ чўққиси булут тарайди,
Табиатга келар ҳавасим.

Кенг далалар ранго-ранг гулзор,
Гул атридан таралар ифор,
Қоядаги арчалар бўйдор,
Табиатга келар ҳавасим.

Гул-чечаклар мисоли гилам,
Гавҳарланар тонглари шабнам,
Янграр булбул навоси ҳар дам,
Табиатга келар ҳавасим.

Кўкда парвоз қилади лочин,
Шамол елар ёзиб қулочин,
Тарар аста мажнунтол сочин,
Табиатга келар ҳавасим.

Кўз ёшидек шаффофдир булок,
Чор атрофда ям-яшил ўтлоқ,
Қиёси йўқ даламнинг мутлоқ,
Табиатга келар ҳавасим.



ҚУЧГИМ КЕЛАДИ

Туйғуларим кўш канотида,
Сен томонга учгим келади.
Орзуларим тулпор отида,
Елиб, сени қучгим келади.

Висол чоғин энтикиб кутиб,
Пойингга гул сочгим келади.
Изтиробим ичимга ютиб,
Юрагимни очгим келади.

Мужгонларинг ўқиға кўксим,
Мудом нишон қилгим келади.
Сенсиз ғариб етимдек жисмим,
Тубсиз жарға отгим келади.

Ишқ-муҳаббатим тумор қилиб,
Бўйнингга ёр, таққим келади.
Бўсаларинг хумор қилиб,
Йўлларингни тўсгим келади.

Уммонларга фирокни отиб,
Ҳижронни ғарқ этгим келади.
Қуёш каби кўксингга ботиб,
Дилинг порлок этгим келади.

Хуш овозинг менга баётдир,
Куйингга жўр бўлгим келади.
Сирим ошкор этган абётдир,
Ёздим яна ёзгим келади.





*Ҳарбий хизмат чоғида.
1958 йил.*



*Андижон Давлат тиббиёт
институтининг биринчи
босқич талабаси. 1961 йил.*



*Қизи Шаҳлобону
билан. 1968 йил.*



*Андижон давлат тиббиёт
институтининг биринчи босқич
талабалари билан. 1961 йил.*



*Волидаи мухтарамасининг
таваллуд айёмида.*



*Ялта шаҳри, «Ўзбекистон» санаторияси. Профессорлар
Т. С. Солиев, М. М. Мусаев, О. М. Мухторовлар ҳамда
А. Шоносир (чапдан ўнгга), Муқаддасхон, Роҳилахон,
Маъмурахон, Муқаддамхон аялар билан. 1985 йил.*



*Ялта шаҳридаги «Ўзбекистон»
санаторияси ходимлари билан. 1987 йил.*



*Оила аъзолари
ва акаси Қозоқбой ака билан.*



*Кутубхонасида,
китоблар огушида.*



*Адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов
билан биринчи стационар бўсағасида.*



Ижод лаҳзалари.



*Оила аъзолари билан
Бўстонлик туманида ҳордиқда.*



*Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири
Абдулла Орипов билан.*



*Ўзбекистон халқ шоири
Рамз Бобожон билан.*



*Муборак
Ҳаж сафарида.
Макка шаҳри,
2000 йил.*



*Шоир Тошкент давлат маданият институти ректори
А. О. Тўраев, профессор Р.Жўраев ва давлат арбоби
О. У. Салимов билан. Биринчи марказий шифохона, 2003 йил.*



*Тиббиёт ходимлари байрамида бир гуруҳ
ҳамкасблари билан. «Қибрай» санаторияси, 2010 йил.*

ЎҒЛОНИМ

Жингалак соч ўғлоним,
Куч-қудратга тўлғоним,
Қулоқ бергил сўзимга,
Йўқдир унда ёлғоним.

Ота-онанг ранжитиб,
Гуноҳларга ботмагил.
Ватанингни тарк этиб,
Узлат майин тотмагил.

Асрагин ориятинг,
Бабурд деган ном олма.
Адашиб сен йўлингдан,
Пушмон юкидан толма.

Сабза урса мўйловинг,
Йигитликдан нишона,
Қилмагил қочиб ишдан,
Ёшлигингни баҳона.

Учрагани севдим деб,
Ишқ йўлида адашма.
Чин севги муқаддасдир,
Бу йўлда асло шошма.

Қадок бўлса ҳам қўллар,
Меҳнат қилгин эрта-кеч,
Билгил бугунги ишнинг,
Эртаси бўлмайди ҳеч.

Илмга бўлгил чанқок,
У донолик калити,
Зиёли кишиларнинг,
Бўлмас лақма, палиди.

Жингалак соч ўғлоним,
Кулоқ осгил сўзимга,
Уқдим, дея сизни деб,
Дадил бокгил кўзимга.



* * *

Иттифок бўлмаса гар оға-инилар,
Хотиржамлик алардан бўладир йирок,
Кундан-кун совиб чиндан, қондош кўнгиллар,
Чўнг барқ уриб яшнайти ўртада нифок.

* * *

Ҳар кимнинг агар тоза эрур юраги,
Қидирмагай доим нуқсон бировлардан.
Эзгулигу яхшилик бўлса тилаги,
Аямас ширин сўзин у ўзгалардан.

* * *

Сухбат курсанг ҳардам, ўзгалар ила,
Ноўрин сўзлашдан тийгил ўзингни.
Ҳар бир сўзинг мағзини чақ, баҳола,
Олтин деб бил, айтилмаган сўзингни.

* * *

Қадрига ет отангни эй ўғил,
Ранжитиб кўнглин, қилмагил чил-чил.
Ота меҳри мисоли дарёдир,
Баҳра ол ундан бўлмаини ғофил.

НАЖОТ СЎРА...

Муваффақият чиқмас ҳеч олдиндан,
Ўз хоҳиши ила елиб-югуриб.
Кўрмассан уни, қилмассанг меҳнат,
Лоқайдликдан буткул юзинг ўгириб.

Остонангдан ҳатлаб ўтмас бахтинг ҳам,
Сен хоҳлаган кун, хоҳлаган соат.
Кошонанг бўлмагай бетакрор кўркам.
Бўлмаса сенда чидаму сабр-токат.

Ҳурмат кўрмагайсан ўзгадан асло,
Хуш саломинг учмаса гар тилингдан.
Рўзгоринг бўлмас бут, эзар муаммо,
Ўт чакнамаса магарким илкинган.

Кут-барака топмас уйингда кўним,
Кафтларинг меҳнатдан бўлмаса қадок.
Боғларинг бўлмагай кўркаму сўлим,
Шижоат-ғайратга бўлмаса ўрток.

Тақдирга боғлама ғамгин кунингни,
Не тушса бошингга кўргил ўзингдан.
Ўйламай босган бирон қадаминг-у,
Ё ноўрин айтган машъум сўзингдан.

Эй Шифоий, басдир ўғит-насихат,
Огоҳ бўл, ўзинг ҳам, турли балодан.
Олға бос мудом, лек қоқилмай десанг,
Нажот сўра фақат, қодир Худодан.



ГУЗАЛДИРСАН БЕБАҲО

Булбул забонли ёрим,
Қоши камонли ёрим,
Қизлар ичра ягона,
Кўнгли осмонли ёрим.

Олур сендан андоза,
Атиргул чирой учун.
Шабнам катридек тоза
Қалбинг ишкка ёр учун.

Тунлари ой боқади,
Жамолингга тўйғали.
Лола қалбин ёқади,
Сийнангга бош кўйғали.

Қуёш зариф нурларин
Дасталайди сенга деб.
Само сочар дурларин,
Маржонингга бериб зеб.

Киприкларинг наштари,
Ошиқ кўксим яралар.
Севгинг чакин сингари,
Кўнглим узра таралар.

Пойингга сочай гуллар,
Меҳрим айлай поёндоз.
Келсанг ой юзли дилбар,
Йўлингга чиқгум пешвоз.

Булбул забонли ёрим,
Қоши камонли ёрим,
Қизлар ичида танҳо,
Гўзалдирсан бебаҳо.

ДИЛ ИЗҲОРИ

Икки кош орасинда,
Қора холинг бўлайин.
Рози бўл, юрагингга
Севги бўлиб кирайин.

Дилинг ўртаса хижрон,
Висол чоғин бор этай.
Қасрингга бўлиб дарбон,
Айрилиқни хор этай.

Шарқираган сой бўлсанг,
Қирғокларингни ўпай.
Кўкда тўлин ой бўлсанг,
Нурингга жоним тўкай.

Инон, севгим кудрати,
Навнихолдек тош ёрар.
Бир кун кўрмасам соғинч,
Кўнглимда туғён қорар.

Атиргуллар дасталаб,
Ёрга тақдим этайин.
Олмаса ёр аразлаб,
Бошим олиб кетайин.

* * *

Кўрмайин десанг завол,
Номардларга сир айтма.
Томчисин қилиб увол,
Ичар сувинг лойқатма.

* * *

Ўзига ўта бино қўйган киши,
Ўзгалар холига бўлади бефарқ.
Ороланиш бўлиб ҳамиша иши,
Парво қилмас у, дунё бўлса-да ғарқ.

КҮРГИМ КЕЛАДИ

Қошу кўзларинг ўзи бир дунё,
Тотлидир гунча лабларинг боли.
Мажнундек ақлдан қилур жудо,
Лола каби ёнган ёноғинг холи.

Сени ҳар доим кўргим келади,
Кетмасам дейман ёнингдан йирик.
Севгингга, чанқоқ юрак билади,
Қанчалик оғир жафодир фирок.

Сени мен учун яратган Худо,
Бермам ҳеч қачон сени бировга.
Рашким келади, маликам, ҳатто,
Қош-кипригингга қўнган кировга.

Нолимайман мен, тақдирдан асло,
Сен бор экансан, толеим баланд.
Ёнимда қолсанг, бекиёс барно,
Ҳамиша омад бўлгай сарбаланд.



* * *

Меҳр тақчил, оқибат тақчил, тақчил садоқат,
Бўлур, окмаса кўнгилларда ишонч дарёси.
Яшнамас, барқ урмагай дилда ишқу муҳаббат,
Икки дилни ёритолмаса севги зиёси.

* * *

Тирикчилик дединг, елдинг, югурдинг,
Ўтказдинг умрингни ташвиш, аламда.
Сенга буюришди, сен ҳам буюрдинг,
Лек, не кўрдинг яшаб ёруғ оламда.

ҚИШ

Куз ўтибон келди қиш,
Чор атрофда оппок қор.
Кучин қилур намоёиш,
Изғиринлар шиддатқор.

Паға-паға лайлак қор
Учар мисли капалак,
Қўнар ерга беозор,
Гўё фаришта, малак.

Заминга бериб салом,
Эгилган шох-шаббалар.
Ок кўрпага батамом,
Ўранмиш қир-далалар.

Изғирин туни билан
Замин узра елади.
Эринмай бўғотларга
Сумалаклар илади.

Чимдир кулок, юзларни,
Аёз қургур кўринмай.
Чаккон кўмар изларни,
Ёққан қорлар пайдар-пай.

Болалар эса шодон,
Учишади чанада,
Ҳам ўйнашиб қорбўрон,
Кувнашади янада.



ШАБНАМ ЮВАР ЮЗИНГНИ

Гулзор аро йўлингни кутсам,
Соғинчлардан аламлар ютсам,
Қўлларингдан охиста тутсам,
Очмасмисан менга дилингни.

Сабо бўлиб сочинг силасам,
Булбул бўлиб ишким куйласам,
Сенга бахту омад тиласам,
Баҳор билиб ёзу кузингни.

Атиргулнинг ифори сенда,
Гулузорим ҳуснингга банда,
Одатини қилмайин канда,
Тонгда шабнам ювар юзингни.

Райҳонларим чаккангга тақсанг,
Сой бўлсанг-у, мен томон оксанг,
Шамол бўлиб эшигим қоқсанг,
Қувончлардан ўпай изингни.

Сабрим садоси бўлиб келсанг,
Дил боғида ўйнасанг, кулсанг,
Келиб ҳижрон бағрини тилсанг,
Ёрга бериб тақдир измингни.

Шунда дилбар кўзларим қувнаб,
Чиройингдан дилгинам яйраб,
Ғазал битардим сенга атаб,
Муқаддас билиб ҳар сўзингни.



ОТА ЎГИТИ

Ногаҳон гар танбех берса отангиз,
Қовоғингиз уйманг, асло, жаҳлдан.
Аммо, ўйлаб кўринг қай гуноҳингиз,
Отани ранжитди, бу лаҳза сиздан.

Хафа бўлмай панду насиҳатиға,
Эгинг бошни, тик қараманг кўзига.
Тан берибон йўрик, маслаҳатиға,
Қуллук қилинг, ҳар бир айтган сўзига.

Ахир, ота бир дам тиниб-тинчимай,
Меҳнат қилди сиз учун эртаю кеч.
Ўссин деб, фарзандлар умрбод билмай,
Очлигу юпунлик нелигини ҳеч.

Ўқитди, ўргатди ҳаётга сизни,
Заҳмат чекмасин ҳеч деди фарзандлар.
Бирдек севибон у ўғилу қизни,
Қувнаб улгайсин деди мурғак калблар.

Энди сиз куч-қувват бўлинг отага,
Муқаддас билинг босган изларин.
Умид-ла келтирган у-ку дунёга,
Сиздайин меҳрибон ўғил-қизларин.

Қалбига қувончу кўзларига нур,
Бўлинг сиз, ота қариган чоғида.
Осуда ҳаётдан бўлиб у масрур,
Яшасин, меҳру оқибат боғида.



РАЙҲОН ҲИДЛАБ

Гулларим чаман-чаман
Бўлиб қийғос очилди.
Гўё камалак ранги
Самолардан сочилди.

Бетакрор ифорларни,
Олиб кетар саболар.
Яйратиб кўнгилларни,
Таралади наволар.

Тунда ой ҳам ўзгача
Гулзоримга бокади.
Райҳон хидлаб тонггача,
Чеккасига такади.

Тоғ ортидан сочиб нур,
Қуёш аста мўралар.
Ғунчалар қилиб ҳузур,
Нур қўйнида товланар.

Атиргул исидан маст
Бўлиб куйлар андалиб.
Ўпар ғунча лабидан,
Ҳуснин бекиёс билиб.

Гулзор чаманлар аро,
Гулга бўлдим махлиё,
Гўзалликни яратган
Табиатга тасанно.



БАҲОР НАФАСИ

Баҳорда майсалар шивир-шивири,
Атрофга таралур мусиқа мисол.
Парвоздаги кушлар чуғур-чуғури,
Самолардан эшитилар бемалол.

Мавжланур шаршара пиллапояси,
Тўлкинлар ўпади дарё кирғоғин.
Гуркираб яшнаган ўлкам даласи,
Кўзин очар гўзалликнинг булоғин.

Бир-биридан гўзал дала гуллари
Гуногун ранглари этмиш мужассам.
Эринмай баҳорнинг майин еллари,
Лола юзин силар меҳрин этиб жам.

Кўкка бўй чўзади яшнаб навнихол,
Толбаргак такади қизлар шодона.
Бу гўзаллик ичра сурганча ҳаёл,
Қуёш кўкдан боқар, бўлиб хайрона.

Баҳор нафасидан уйғонган тоғлар
Елкасидан қоқар оппоқ қорларин,
Бир-биридан кўркам, фусункор боғлар,
Тебратади ғунча бўртган шохларин.

Уйғонди замин, уйғонди фалак,
Уфурар ҳарёнда баҳор нафаси.
Чертиб дил торларин, қитиқлар андак,
Дала гуллариининг беқиёс иси.



ВИСОЛИНГГА ТАШНАМАН

Висолингга ташналигимни,
Шўхлигингга ошнолигимни,
Келишингга рўшнолигимни,
Дилафрўзим, нечун билмайсан?

Излаб дашту саҳролар кезиб,
Ёлғизлик азобидан безиб,
Ўзимни Мажнундайин сезиб,
Юришимни нечун билмайсан?

Тутганида васлинг хумори,
Жонга оро ишқинг тумори,
Сенсиз етим севгимнинг тори
Узилишин нечун билмайсан?

Накш олма каби юзларингни,
Шириндан-шакар сўзларингни,
Ҳаттоки, босган изларингни,
Соғинишим нечун билмайсан?

Бу мискинли қўнглимни қачон,
Дардларига бўлурсан дармон,
Исканжада беаёв армон
Азоблашин нечун билмайсан?

Юлдуз каби учсам сен томон,
Белгинангдан кучсам беармон,
Фақат сени, сени деб ҳамон
Бўзлашимни нечун билмайсан?

Нега мени ўтларга солдинг,
Бир умрга тинчлигим олдинг,
Дилим қўмсаб висол онларин,
Излашимни нечун билмайсан?

Сабр таги соф олтин дерлар,
Мақсадлидур чинакам эрлар,
Соғинганим барча эл билар,
Фақат сен ёр, нечун билмайсан?



* * *

Тиниб-тинчимайди инсон ҳеч қачон,
Ҳамон очмок бўлар табиат сирин.
Мураккаб жумбокни ечгани ҳамон
Яна бир тугунга ташлар кўз қирин.

* * *

Шаркираб оккан дарё,
Қирғоғин ўпар гўё.
Муттасил «ўпич» билан
Емирар уни аммо.

* * *

Қафасдаги қуш яйраб сайрамас,
Вақтнинг юкидан олтин зангламас,
Озодлик қадрини эъзозлай бил,
Қулнинг дардини хожа англамас.

* * *

Билмай туриб тушма дарёга,
Кечув жойинг балки ўпкандир.
Ишонмагин мактов сўзларга,
Улар сенга, балки копкандир.

БЎЛОЛМАС

Якка дарахт ўрмон бўлолмас,
Битта кулба кўрғон бўлолмас.
Хавфу хатар тушса бошингга,
Номард асло, қалқон бўлолмас.

Кўкда парвоз қилгани билан,
Қарға-зоғлар лочин бўлолмас.
Ерга донни сепгани билан,
Ҳар бир киши деҳқон бўлолмас.

Шеър дoston ёзган ҳар киши,
Навоийдек ҳазрат бўлолмас.
Ишқни куйлаш бўлса-да иши,
Бу йўлда у, Машраб бўлолмас.

Ўз юртини тарк этган инсон,
Ўзга элда султон бўлолмас.
Ошланмаса хом тери обдан,
Этигингга ултон¹ бўлолмас.

Бирлашса-да, юлдузлар бари,
Куёш янглиғ порлоқ бўлолмас.
Пок ниятли инсонлар каби,
Ҳасадгўйлар иннок бўлолмас.

Эй Абдулла, висолни ўйла,
Фирок асло бако бўлолмас.
Ҳар ишингда мақсадни кўзла,
Режасиз иш адо бўлолмас.



¹ Ултон – тагчарм.

ОНА МЕҲРИ

Она меҳри эритади тошни ҳам,
Тўхтатади оқиб турган ёшни ҳам,
Мағрур этар куйи бўлган бошни ҳам,
Она меҳри сеҳрлидир, сеҳрли.

Она меҳри кудрат берур билакка,
Меҳригиё бўлиб кирур юракка,
Етказадир барча орзу тилакка,
Она меҳри сеҳрлидир, сеҳрли.

Она меҳри фарзанд кўнглин боғ этур,
Ўкинч билан чўккан дилни тоғ этур,
Ғаму андух, ҳасратин адоғ этур,
Она меҳри сеҳрлидир, сеҳрли.

Она меҳрин йўқдир асло баҳоси,
У бир уммон йўқдир унинг адоси,
Ўлчови йўқ, ҳамда йўқдир қиёси,
Она меҳри сеҳрлидир, сеҳрли.

Ижобатдир оналарнинг дуоси,
Тўғри йўлга бошлар унинг зиёси,
Рухда қолур келса она қазоси,
Она меҳри сеҳрлидир, сеҳрли.



* * *

Кўрмак истасанг гар хузур-ҳаловат,
Бир куни кексалик қаддинг букканда,
Фарзандларинг ила отангдан бот-бот,
Хабар олмоқликни, қилмагин канда.

ЁДГА СОЛУР НОМИНГ

Юрагинг тафти ёр, жонимга хузур,
Кафтингдан қувониб сувларинг ичай.
Бир қиё боксанг гар, бўлибон масрур,
Қанотларим ёзиб, сен томон учай.

Сўзларинг шифодир, қалбимга малҳам,
Кўзларинг нуридан йўлим чароғон,
Бир ширин сўзу бир қарашинг ҳам,
Кўксимда ўчмас ўт, уйғотур туғён.

Қайси гул бўстондан излайин сени,
Таскин топар юрак, билса маконинг.
Кўнгилдан қувғилаб мискин хаёлни,
Қувнаб яшнар, эслаб қошу ҳилолинг.

Иншооллоҳ қалбдан ўчмагай номинг,
Оразинг кўз ўнгимдан кетмас зинҳор.
Муаттар гул иси бўлиб илҳоминг,
Ёдга солур сени, ҳар фасли баҳор.



* * *

Мусибат кўрса айрим кишилар ногаҳон,
Яратгандан нажот сўрайдилар бегумон,
Ўтиб ташвиш, ғамдин фориғ бўлишган ҳамон,
Унутарлар Худони улар, эй вох, шу он.

* * *

Риёкорлик авж олса агар,
Ҳақиқатнинг синар кўзгуси.
Фиску фужур кучибон зафар,
Топталур покликнинг обрўси.

ОРАЗИНГ ЯШИРМА

Оразинг мендан дилдор, яширма,
Кўрмакка хуснинг этдим ихтиёр.
Ҳижрон дардини яна оширма,
Майлига ишқим бўлса-да ошкор.

Бенасиб бўлибон висолингдан,
Тунлари ёлғиз чекаман озор.
Баҳра ололмай ширин сўзингдан,
Ўртанур юрак – азоби бисёр.

Қай сўкмоқлардан борай сен томон,
Айт, қай макондан излайин сени.
Наҳот бир умр кемирур армон,
Ёрга интизор ғариб юракни.

Лек, ойу кунлар ўтиб бирма-бир,
Дил кишварида қолдирур излар.
Соғинчим ўтида тобланган сабр
Косаси тўлиб, бағримни тиглар.

Бахтдан тож кия олмади бошим,
Тўрсимон тўсмиш кўзларни ёшим,
Заҳар-заққумга айланиб ошим,
Фақат хотиранг эрур сирдошим.

Оразинг яширма мендан, дилдор...



КЕЛДИМ

Эй париваш, дил хуморини,
Сухбатингда ёзгали келдим.
Бўйнингга севгим туморини,
Рози бўлсанг, осгали келдим.

Белга тушган кокилларингни,
Мен соғиниб ўришга келдим.
Накш олмадек ёнокларингни,
Ёлқинин бир кўришга келдим.

Лабингдаги тоза болингни,
Эй маликам, тотгали келдим.
Юзингдаги қора холингни,
Ўпиб, бўса олгани келдим.

Нозиккина хипча белингдан,
Тўйиб-тўйиб қучгали келдим.
Ширин-шакар, асал тилингдан,
Сўз шаробин ичгали келдим.

Эй нозанин, уялма мендан,
Севган ёринг бўлгали келдим.
Шамширимни чиқариб қиндан,
Қайтиш йўлин чопгали келдим.



* * *

Меҳнатингни лукмаси ҳалол,
Ҳазар қил ҳаромдин доимо.
Дўст бўлолмаганидек даллол,
Телбага йўқ асло муаммо.

ФАСЛИ БАҲОР БЎЛМАСА

Қушлар канотсиз қилмагай парвоз,
Юлдузлар қўринмас тун бўлмаса.
Қаҳратон кишдан сўнг, келмагай ёз,
Ўртада фасли баҳор бўлмаса.

Заррин нурларин сочгайдир қуёш,
Қора булутлар юзин тўсмаса.
Булбул ғунчага бўлолмас сирдош,
Ғунчалари хос гулга қўнмаса.

Абадий турур метин қоялар,
Яшин, чакмоқлар эшик қоқмаса.
Чўлга айланур қўркам водийлар,
Улкан дарёлар, тўлиб оқмаса.

Боғларда асло ифор таралмас,
Гулзорда атиргуллар ўсмаса,
Ҳеч бир нарса ғойибдан яралмас,
Ишчан қўли қадоклар бўлмаса.

Ичиб бўлмагай булокнинг сувин,
Агар у тиник, шаффоф бўлмаса.
Ишонч боғидан бўлади қувғин,
Кимда имону инсоф бўлмаса.

Эй Шифойи, бахтинг бутунмас ҳеч,
Гар ёнингда чин дўстинг турмаса.
Ҳолингдан хабар олиб эрта-кеч,
Қувончу дардинг баҳам қўрмаса.



ОНА ТИЛИМ

Она тилим, ой тилим,
Маъноларга бой тилим.
Минг йиллаб сайкал топган,
Шаркираган сой тилим.

Жилвагар ахтар¹ тилим,
Баржаста² акбар тилим,
Замин узра мунаввар,
Бошимга афсар³ тилим.

Мустаҳкам пойдор тилим,
Кабиру⁴ номдор тилим,
Дуру гавҳар, кавсарим
Комилу сардор тилим.

Ҳокиму ҳозик⁵ тилим,
Дилимга озик тилим,
Метиндек қояларга,
Ўйилган ёзик тилим.

Забардаст улуғ тилим,
Заминда қутлуғ тилим,
Ҳам ёқимли, жарангдор,
Мукаммал тўлик тилим.

Мақтовга шоён⁶ тилим,
Дунёга аён тилим,
Сенга бағишлаб шеърим,
Айладим баён тилим.

¹ Ахтар – юлдуз

² Баржаста – машхур.

³ Афсар – тож.

⁴ Кабир – улуғ, катта.

⁵ Ҳозик – моҳир, билимдон.

⁶ Шоён – лойик, муносиб.

ОДОБИНГ ЗИЙНАТИНГДИР

Меҳмон борсанг, меҳмон кутсанг,
Бил, одобинг зийнатингдир.
Бор-йўғингни дўстга тутсанг,
Очиккўллик, ҳимматингдир.

Ота-онанг ғанимат бил,
Бўлмагил асло бағритош.
Фарзанд бўлмай мўмин-қобил,
Оқизма кўзларидан ёш.

Осилмагин баланд дорга,
Қаноатли бўлгил ҳардам.
Дардлилар-у, юпин, хорга,
Бўла бил ҳамиша ҳамдам.

Осмондаги ойни дема,
Қаноатда чиқаргил ном.
Ҳасадгўй-ла лукма ема,
Ютганларинг бўлур ҳаром.

Босса гар кўнглингни киров,
Нафасинг музга айланур.
Ёнингда қолмайин биров,
Дўстлар кетмоққа шайланур.

Дўст дилини оғритсанг гар,
Шодон бўлур душманларинг.
Осмонинг тарк этиб камар,
Ортгай чандон пушмонларинг.

Куйлайбергил, эй Абдулла,
Қўлдан қўймайин торингни.
Зару гавҳар, тиллодан ҳам
Юқори қўйиб орингни.

БАХТДАН КУЛДИРСАНГ

Тонг сахарлаб юлдузларга карайман,
Соғинчимни сабрим ила ўрайман.
Илтижо-ла бокиб йўлчи юлдузга,
Севган ёрим қайларда, деб сўрайман.

Йўлчи юлдуз сўроқларим бежавоб,
Қолдирса гар, дилни кийнар минг азоб,
Миниб бойчибордек учқур тулпорим,
Еламан, бахтимни билмайин сароб.

Муҳаббатим шаробини ичай деб,
Камон қошли гўзал ёрни кучай деб,
Термуламан йўлларига эрта-кеч,
Учратганда висол тўнин бичай деб.

Майса ёноғида кўрсам шабнамни,
Эслагайман маржон такқан санамни.
Ойдин кеча ёр кўчасидан юрсам,
Изларига тўкай дейман бу жонни.

Келиб ёрим, қувончларга тўлдирсанг,
Дилда умид уруғини ундирсанг,
Юрагимда соғинч ўтин сўндириб,
Қанийди, туганмас бахтдан кулдирсанг.



* * *

Ҳаёт шудир, ҳаёт шудир, дўстим ҳаёт шу,
Ўтиб кетадир кўз очиб юмгунингча у.
Уни бир дам ҳам тўхтатишнинг йўқ имкони,
Қуча олмаганинг каби чексиз самони.

ИҚБОЛИНГ КУЛГАНИ ШУДИР

Кайнаб турса гар меҳринг булоғи,
Окибат бўлса кўнглинг ардоғи,
Мактаб бўлолса ҳаёт сабоғи,
Бахтингни кулгани шудир, дўстим.

Кесак отсангу тоғни кулатсанг,
Терлар тўкиб сен боғлар яратсанг,
Дўстларга анвар, нуринг таратсанг,
Омадинг кулгани шудир, дўстим.

Ширин сўзларинг маржондек терсанг,
Соф ишк вафодан кўкрагинг керсанг,
Корингга калбинг кўрини берсанг,
Иқболинг кулгани шудир, дўстим.

Ўзга дардига шифоинг бўлса,
Сочишга арзир анвоинг бўлса,
Жонларга ором сафоинг бўлса,
Ҳаётинг кулгани шудир, дўстим.

Ёнда дўстларинг нордайн турса,
Ниятларинг оқ, кордайн эрса,
Бахту омадинг бирдайн кулса,
Тақдиринг кулгани шудир, дўстим.



* * *

Дўстликнинг теграсида кўз очса агар,
Гумон ишончсизликнинг нопок булоғи,
Унда дўстлик пойдевори кўриб зарар,
Ортаверар гина-кудуратнинг салмоғи.

ЁДИМДАСАН, ЁДИМДА

Кўп қайғурма дилбарим,
Ёдимдасан, ёдимда,
Бедор ўтган тунларим,
Ёдимдасан, ёдимда.

Узоқларга кетсанг ҳам,
Ёдимдасан, ёдимда,
Фироқингда эзсанг ҳам,
Ёдимдасан, ёдимда.

Қаро зулфли калам кош,
Ёдимдасан, ёдимда,
Соғинчдан кўзларда ёш,
Ёдимдасан, ёдимда.

Муҳаббатга содик ёр,
Ёдимдасан, ёдимда,
Ишқидин қилган тумор,
Ёдимдасан, ёдимда.

Ишонганим сирдошим,
Ёдимдасан, ёдимда,
Бахтим, гулим, қуёшим,
Ёдимдасан, ёдимда.



* * *

Гумону шубҳалар ниш урса дилда,
Ишончининг кўзгуси тортади хира.
Садоқат жилови гар бўлса қўлда,
Муҳаббат кўрғони бўлур бокира.

ОМАД КУЛИБ БОҚСА

Кесак отсанг тоғ қулағайдир,
Дил яйратиб боғ гуллағайдир,
Чаманингга зоғ қўнмағайдир,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Ҳасратингдан ҳеч чиқмағай чанг,
Ғаму андуҳ қилмағай гаранг,
Асабларинг тортилмас таранг,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Нонинг мудом, бўлади бутун,
Усти бошинг бўлмағай юпун,
Ечилмасдан қолмағай тугун,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Йўлинг тўсмас ғанимлар зинҳор,
Дўстларга ҳеч бўлмағайсан зор,
Қомат букиб, турмағайсан хор,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Муҳаббатинг қолмас давосиз,
Хос келбатинг толмас мадорсиз,
Ҳар бир кунинг ўтар озорсиз,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Улуғланар ҳамиша номинг,
Юлдузлардек кўпаюр молинг,
Ғаламислар бузмас ороминг,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Меҳнатингдан кўргайсан роҳат,
Ғариблик ҳам қилмас бетокат,
Четлаб ўтмас, сени фароғат,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Кўзларингдан окмагай ёшинг,
Хам бўлмагай, бу азиз бошинг,
Чимрилмагай кулфатдан кошинг,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Йикилмайсан жарга боксанг ҳам
Тутун бўлмас ҳўлин ёксанг ҳам,
Чўкмагайсан харчанд оксанг ҳам,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Ёру дўстлар багрин очади,
Бошдан сийму зарин сочади,
Белгинангдан ёринг кучади,
Омад сенга гар, кулиб бокса.

Насиб қилса, ойга учгайсан,
Бахт икболинг тўйиб қучгайсан,
Парилар-ла шароб ичгайсан,
Омад сенга гар, кулиб бокса.



* * *

Одиллигинг балки барча тушунмас,
Кечир инсонларнинг бундай хатосин.
Фақат Яратганнинг ўзи кўрса бас,
Савобга йўғрилган кўнглинг зиёсин.

* * *

Насиб қилса топурсан беҳисоб бойлик,
Буюрмаса лукманг ҳам қолур халқумда.
Маъмурликда сурабил ҳаётнинг гаштин,
Яширмайин зарингни сандиғу хумда.

ИСТАК

Осмондаги ойни дема,
Ўзим ёринг бўлайин.
Шаркираган сойни дема,
Ҳардам боринг бўлайин.

Мендан бўлак ёрни десанг,
Ғариб шамдек сўнайин.
Ўзга ёр-ла ўйнаб-кулсанг,
Гулдек сўлмоғим тайин...

Жингалак сочларинг аста,
Сабо бўлиб сийлайин.
Сенга тутибон гул даста,
Бахту икбол тилайин.

Кўрсам лабингда табассум,
Қувончларга тўлайин.
Айласанг менга тараххум,
Содик қулинг бўлайин.

Орзуларинг парвозида,
Қалбда қўринг бўлайин.
Севгинг мадҳи навосида,
Ёнда жўринг бўлайин.



* * *

Ҳақиқат йўл очса гар ўзига юриб,
Ёлгон эса тарқалар йўртиб югуриб.
Пинҳона куйдирса ҳам тухматнинг макри,
Лекин бир кунмас бир кун, очилгай сири.

САҚЛА ДИЛ ОРИН

Бошинг етса-да самоларга,
Оёғингни узмагин ердан.
Инониб сохта имоларга,
Ажраб қолма вафоли ёрдан.

Ҳар қадамингни ўйлабон бос,
Пушаймонга қолдирма ўрин.
Манманликдан дилни эт халос,
Хоксорликда сақла дил орин.

Учмагин шайтон ишвасига,
Муҳаббатинг покиза тутгил.
Кирсанг гар дўстинг кулбасига,
Уни дўстлик қасри деб билгил.

Райҳон хидлаб ўтсанг гулзордан,
Қадрига ет боғбон меҳнатин.
Қоплаб дон олганда хирмондан,
Ёдда сақла деҳқон заҳматин.

Дарё бўлсанг шарқираб оққан,
Қирғоқларинг ўпгил дам-бадам.
Ҳамал бўлсанг барчага ёққан,
Гидамлар ёз баҳорий кўркам.

Бошинг етиб нилий самога,
Оймома-ла суҳбат курсанг ҳам,
Берилмайин кибру ҳавога,
Камтарин бўл, камтарин ҳар дам...



ЎЙНАБ-КУЛИНГ

Осмонўлар тераклар,
Тебранмангиз шамолда.
Ишқда оташ юраклар,
Тенгсиз бўлинг жамолда.

Вафолига тенг бўлинг,
Садокату сафода.
Юрак-бағри кенг бўлинг,
Сабр этинг сиз жафода.

Чимирмангиз кошларни,
Гумон солиб юракка.
Кўздан тўкманг ёшларни.
Ёр кўнмаса билакка.

Уқиб олинг маънолар,
Термилган ёр кўзидан.
Ёруғ эрур самолар,
Севишганлар сўзидан.

Қалам, қалам кош бўлинг,
Ёрга чин йўлдош бўлинг.
Севган ёр-ла бир умр,
Яйранг-у, ўйнаб-кулинг.



КЕЛИНЧАК ФАСЛ

Ҳар баҳорда ширин орзулар,
Майса каби кўкка бўй чўзар.
Гул исидан ажиб туйғулар,
Томирларда саркаш тўлганар.

Қийғос гуллаб лолақизғалдок,
Мавжланади дарёдай оқиб.
Оқшомлари момоқалдирок,
Гулдирайди, чакмоғин чакиб.

Қанотларин ёзиб қалдирғоч,
Мовий кўкда килади парвоз.
Дехқон бобо тайёрлаб омоч,
Дала томон чиқади пешвоз.

Абри найсон боғларга томон,
Ковок осиб сузиб ўтади,
Томчиларин қилганча пайкон,
Дала-боғни «ўкка тутади».

Ҳаракатда бетиним бу кун,
Тирик жонлар барча-барчаси,
Уйқусидан уйғонар гулгун,
Ўт-ўланлар қанча-қанчаси.

Яйловида кишнайди кулун,
Қўй-қўзилар кирга ўрлайди.
Кўкда ой ҳам боқади мамнун,
Лола иси тоққа чорлайди.

Гўзал баҳор, уйғониш фасли,
Уйғонади кўм-кўк далалар.
Гўзал баҳор, келиндир асли,
Ҳатто қуёш ишқин кўзғатар.

ОТАЖОНИМ

Отажоним, жоним отажон,
Ўғитингиз дилимга дармон.
Ҳикматгўйим, жоним отажон,
Сиз туфайли ҳаёт чароғон.

Самодаги куёшсиз порлок,
Тафтингиздан кўнгиллар қувнок,
Бир сония кўрмасам агар,
Соғинч ҳисси ўртайди ҳар чок.

Олтинга тенг ҳар бир сўзингиз,
Мукаддасдир босган изингиз.
Сизга тилар умри боқийлик,
Яратгандан, ўғил-қизингиз.

Фарзандларнинг кўринг бахтини,
Эгаллангиз кўнгил тахтини,
Садокатли дўстларингиз-ла,
Мамнун куйланг ҳаёт мадҳини.

Ўпсам дейман нурли юзингиз,
Бўлсам дейман ширин сўзингиз.
Бу ўткинчи — фоний дунёда,
Бизга ғамхўр, фақат ўзингиз.

Отажоним, жоним отажон,
Таъзимдаман сизга ҳар қачон.
Меҳрибоним, жоним отажон,
Бахтимизга бўлинг соғ-омон!



УМР – ОҚАР ДАРЁ

Умр мисли дарёдир,
Оқар кетар бетўхтов.
Туғилса бу кун кимдир,
Кўзларин юмар биров.

Кутмаганда ногаҳон,
Бир каж¹ дард очар кучок.
Хибсга олиб चुонон,
Йиғлатар мунчок-мунчок.

Девдек қоматинг охир,
Йиллар юки букади.
Кексалик бўлса зоҳир,
Тишларингни тўкади.

Учқур тулпоринг ўрнин,
Ёғочдан от олади,
Сўнгги манзилга сени
Етказгунча толади.

Яхшилардан яхши от,
Ёмонлардан дод қолур.
Қобиллардан дунёда,
Ўчмайдиган ёд қолур.



¹ Каж – ёмон.

ОНАЖОНИМНИ ЭСЛАБ

Таваллуд кунингиз бўлгани-чун номаълум,
Йиғиламиз ҳаммамиз сиз ўтган кунингиз.
Эслаб порлоқ хотирангиз, йиғлашиб юм-юм,
Ёдга оламиз сиз айтган ҳар бир сўзингиз.

Лек, ёшлик қилибман, етмабман қадрингизга,
Ўйлабман сиз шундайсизу, шундай коласиз.
Энди зорман мен оддий босган изингизга,
Ҳар кун хаёлимни минг бор чулғаб оласиз.

Эсимда, хуш кўрардингиз турфа гулларни,
Эрта баҳор экардингиз бериб меҳрингиз.
Майин шаббода аста тебратиб уларни,
Таратса гул исин, ёришарди чехрангиз.

Фақат сиз пиширган таом эди мазали,
Мен учун ёшликдан ҳардам, ҳамиша, сўзсиз.
Нон ёпган кунингиз ширин қилиб, жиззали.
Эркаланиб ўпардим мен кадок кўлингиз.

Бошқалардай оддий аёл эдингиз, бироқ,
Кўкрагингиз паноҳ эди қўйсам бошимни.
Кўлларингиз туюларди пахтадай юмшоқ,
Аста артиб қўяркансиз кўзда ёшимни.

Олар эди дардим кафтингиз ҳарорати,
Қўйганингизда ҳар дам бошимга қўлингиз.
Йўқ эди мен учун бу дунё ҳаловати,
Гар сезмасам ёнимда сизнинг борлигингиз.

Аммо, найлайки, оғир хасталик бегумон,
Емириб бормокда эди соғлигингизни.
Сиз эса аксинча, овутиб бизни ҳамон,
Гўё соғломдек тутардингиз ўзингизни.

Бирин-кетин кетмок бўлса ҳамки табиий,
Сизни қўмсаб кўп йиғладим боғда мен, она.
Бўлсам ҳамки бу дунёнинг ҳаким, табиби,
Бир дардингиз ололмадим, доғда мен, она.

Лекин, мен фақат ҳамдард бўлолдим, холос.
Узоқ тунлар дардингиздан чикканида охлар.
Вужуд, танам сезмаса-да оғрик-кийнокни,
Изтиробнинг чангалида эдим мукаррар.

Мен учун ҳамиша азизу мукаррам
Бўлиб колурсиз токи тирикман, онажон,
Пок руҳингиз менга бўлиб раҳнамо ҳар дам,
Бошим узра мукаддас соябондир ҳар он.

Дунёда йўқ ва бўлмаган сиздайин улуғ
Менинг-чун пиру мукаддас, жоним Онажон.
Қоронғи кабрингиз мудом бўлсин деб ёруғ,
Қўлларим дуодадур ҳамиша, ҳар қачон.



* * *

Дунёдан ўтмайин десанг сен беиз,
Солиҳ ишларга сарфлагил ҳар онинг.
Карамда Хизрдай бўлибон тенгсиз,
Етим-есирларла баҳам кўр нонинг.

ИЗЛАРИНГ ЎПИБ

Бир лаҳза кўрмасам гулдайн сўлиб,
Ўртанур дил ғаму ҳасратга тўлиб.
Тобакай хижронга бўлурмен ошно,
Андух масканига меҳмондай кўниб.

Қошинг камонига киприклар пайкон,
Нишонга оладир ул, ошик юракни,
Кўнгилларни ўртаган дарду хижрон,
Вайрон қиладир бор орзу тилакни.

Кўзлардан оққан ёш, мисоли дарё,
Каби ювмок истади сабр тўғонин.
Қоронғи кўринур бу ёруғ дунё,
Сезмасам агар рухсоринг тобонин¹.

Рухсат эт остонангга кўйиб бошим,
Бешифо дардимни солайин тўкиб.
Қалбинг эритолса тўккан кўз ёшим,
Қувончга ботайин изларинг ўпиб.



* * *

Кўнгилда сўнмаса умид чироғи,
Киши дадил қадам ташлар илғари.
Хира тортмайин ҳеч машғал маёғи,
Ёритгайдир йўлин қуёш синғари.

¹ *Тобон* – товланувчи.

ЮРАГИНГДАН ҚУВМАГИЛ ФАҚАТ

Унутсам гар, ишқу севгимни,
Ўтга ташла майли танимни,
Азиз билсанг мендан ғанимни,
Фидоингга айлабон шафқат,
Юрагингдан қувмагил фақат.

Мажнундайин саҳролар кезай,
Хотиротни орзум-ла безай,
Йиғласам-да дардимдан тинмай,
Шайдойингга айлабон шафқат,
Юрагингдан қувмагил фақат.

Тошинг бўлай сувларга отган,
Ёдинг бўлай дилларда қотган,
Ҳас бўлсам-да йўлингга ётган,
Савдойингга айлабон шафқат,
Юрагингдан қувмагил фақат.

Мағрур бошим эгай йўлингда,
Қул бўлайин сенинг қўлингда,
Сарғайсам-да ўнгу сўлингда,
Адойингга айлабон шафқат,
Юрагингдан қувмагил фақат.



ЛОЛ ҚОЛУР ҲАЙРАТ...

Ҳеч кима айтмасман асло,
Дилдаги ишқим сиринаи.
Сўзимдан қайтмасман асло,
Узса-да комон тирини¹.

Кўзлардан аччиқ жолалар,
Селдай окса кўксим аро.
Дилимда унган нолалар,
Отадир армонга хоро².

Ўртагай ёрнинг ғамзаси,
Ёдимга тушса ногаҳон.
Доғу хижроннинг нағмаси,
Дилларни этади афғон.

Гул ўрнига унса тикон,
Лол қолур ҳаттоки ҳайрат.
Ваъдасин унутса жонон,
Вафода қолурми қиммат.

Ахтариб вафо риштасин,
Умринг ўтди, эй Абдулла.
Ушолмай умид пуштасин,
Кўрмадинг кунлар фархунда.



¹ Тир – ўқ.

² Хоро – тош.

ШУКРОНА

Буюрган ризкингдан тотдим турмуш тузини,
Шукрона айтиб кўрдим, тақдир ёз-кузини.
Шаккоклик демасанг агар, Яратган эгам,
Сўрардим кўришни бир асрлик умр юзини.

Шул сабаб тақдим эт яна шодлик онларин,
Ғаму андуҳ бўлсин мендан ҳамиша йирок.
Насиб этса кучиш – ҳаёт шараф-шонларин,
Тарк этмасмен камтаринлик ҳиссини ҳар чок.

Баҳам кўрайин фарзанду дўстларим ила,
Турмуш аччиқ-чучугию баланд-пастини.
Токи ўтган қувончли кунларнинг илки-ла,
Қучайин бахту омадимиз бўю бастини.

Ўчмайин ҳеч қачон ёру дўстлар қалбидан,
Мадад бўлсин менга мудом, уларнинг меҳри.
Яшайман баъзида билиб, баъзида билмай,
Чексиз қудратли эканин, дўстликнинг сеҳри.

Барчангаз жой олгансиз абад, дил тўридан,
Ҳар бирингиз ўрнингиз бор қалбимда бешак.
Ҳаёт гўзалдир меҳру оқибат кўридан,
Йўкса сохта дўстлик, айтинг, нимага керак.



* * *

Равон йўлингдан гар оғмайин десанг,
Шаробу майни ҳеч билма овунчок.
Бошингга балолар ёғмасин десанг,
Нодонларга асло очмагил кучок.

РУСТАМИ ДОСТОН

*Шахмат бўйича жаҳоннинг 17-чемпиони
Рустам Қосимжоновга бағишланади*

Зиҳи¹ исмин очунга айлабон достон,
Дунёни лол этиб у, колдириб ҳайрон,
Юрт-элига келтириб шуҳрат ила шон,
Ракибларин мот қилди Рустами достон.

Ўзбекнинг ўғлонлигин этиб намоён,
Майдонда от ўйнатиб баайни султон,
Қолдирмайин ҳеч кима заррача имкон,
Ракибларин мот қилди Рустами достон.

Маҳоратин кўрсатиб, босмай ҳаяжон,
Алпона юришларин тутибон пинҳон,
Курашда матонатин қилиб имтиҳон,
Ракибларин мот қилди Рустами достон.

Ўз тадбиру усулин этиб ҳукмрон,
Сипохлар мансубасин² бажариб равон,
Ҳисор³ айлаб кинавар⁴ шохин бегумон,
Ракибларин мот қилди Рустами достон.

Шатранж дунёсида бўлса-да навкирон,
Не-не алломаларин снғди беомон,
Бўлиб Соҳибқирондек, шиддатли ҳар он,
Ракибларин мот қилди Рустами достон.

¹ Зиҳи – таҳсинга лойик.

² Мансуба – комбинация.

³ Ҳисор – ўраб олиш.

⁴ Кинавар – ракиб.

Хайрат ила оёкқа қалкиди жахон,
Оламшумул ютуғи бўлганда аён,
Мағлубларин лол айлаб, чектириб нолон,
Ракибларин мот килди Рустами дoston.

Шодон айлаб дилларни, қолдирмай армон,
Бахту омаддан тузиб, бетакрор карвон,
Озод юртига обрўй этиб армуғон,
Ракибларин мот килди Рустами дoston.



* * *

Нишонсиз камондин ўқ отилмас,
Мақсадсиз режа тузилмас асло.
Бозорда ақл, фаросат сотилмас,
Сабрсиз ечилмас ҳеч бир муаммо.

* * *

Чин инсонлар эрур ҳаётнинг нақши,
Лек, уларнинг қадри сийму зардамас.
Куйлаганда элнинг мардларин бахши,
Номардларни ҳатто бир бор эсламас.

* * *

Кулсанг кул, йиғласанг йиғла ўз қавминг билан,
Бебаҳо дурдек асра Ватанинг тупроғин,
Ўлсанг ҳам жангда ўл, бетакрор мардлик билан,
Тиз чўкмагил душманингга, ўпиб яроғин.

ЧИРОЙДА БЕҚИЁС

Зулфинг торткиласа ўйноқи шамол,
Демак, ул ҳам бўлмиш ҳуснингга шайдо.
Ойдан-да кўркамрок бўлса гар жамол,
Хатто шамолда-да, ишқ бўлур пайдо.

Тунда юлдузлар ҳам узмайин кўзин,
Сеҳрли боқишиб ёниб-ўчади.
Андалиб нокулай сезибон ўзин,
Хонишидан тўхтаб, беҳол учади.

Тоғ ортидан аста мўралаб куёш,
Заррин нурларида йўллайди салом.
Аммо чиройингга беролмай бардош,
Ботар аста, бўлмай деб сенга ғулом.

Шахло кўзларингга оху жовдираб,
Қайта-қайта тўймай боқади хайрон.
Киприкларинг найзасидан хавфсираб,
Ошигинг севгисин тутади пинҳон.

Гулузор оралаб юрсанг пойингга,
Атиргул ифорин сочади беҳад.
Хавас ила ҳар бир юрган жойингга,
Тайёрдир тўшашга гулларин қат-қат.

Шоирга илҳомдир кўркам жамолинг,
Бир умр шайдодир сени бир кўрган.
Юракни ўртайди қошу ҳилолинг,
На бир ўсма-ю, на сурмалар қўйган.

Фақат сени деб Абдулла Шоносир,
Қатор ғазаллар битди умри қадар.
Ишқу муҳаббатин тутолмайин сир,
Яна ғазал битмиш, кечиргил дилбар.

ЙЎЛЛАРИНГ КУТИБ...

Тунлари хаёлим кочиб,
Ёдингда мен тўлғонаман.
Хотиротга бағрим очиб,
Эслаб сени уйғонаман.

Сочларинг мушку анбари,
Димоғимдан кетмас нари.
Шодлик тўла кулгинг ҳамон,
Ошиқ дилим килур бежон.

Лов-лов ёнган ёнокларинг,
Кўз ўнгимдан ўчмас сира.
Ўпич бермай кийнокларинг,
Умидим этади хира.

Ғунча лаблар асал-боли,
Соғинч ҳиссин кўймас холи.
Ўртайди ошиқ юракни,
Ишқ ўти куёш мисоли.

Сен-ла ўтган дамларни ёр,
Бўларму айтгил унутиб?
Висолинг этганда хумор,
Йиғлайман, йўлларинг кутиб.



СЕВГИ БЎЛСА ЧИНАКАМ

Севги бўлса чинакам,
Қасамёдга ўрин йўқ.
Кўнгил бўлиб хотиржам,
Вафосизлик отмас ўқ.

Рашкдан чимрилмас қошлар,
Ғамдан эгилмас бошлар.
Тўлиб тошган дарёдек,
Кўзлардан оқмас ёшлар.

Яшнагай вафо боғи,
Емрилгай жафо тоғи.
Гулларга тўлиб ҳар ён,
Бўлмас бахтнинг адоғи.

Ёрни кучган билаклар,
Минг йилда ҳам толмайди.
Юксак орзу тилаклар,
Ижобатсиз қолмайди.

Вафо килиб тантана,
Армон кўнглин тилади.
Ўтса-да минглаб сана,
Севги дилда елади.

Осуда ўтиб ҳаёт,
Битмас бахтиёр кунлар.
Янграб гиряю баёт,
Шодликда ўтар онлар.

Ўтказиб бирга-бирга,
Олтину гавҳар тўйлар.
Умр қўшиб умрга,
Сезилмас ўтган йиллар.

Севги бўлса чинакам,
Вакт юкидан қаримас.
Садокат бўлиб ҳакам,
Дилдан қувонч аримас.



* * *

Вақти келиб емрилур асрий қасрлар,
Дунё сийму зари ҳам, билинг ўткинчи.
Фақат илм-фан жавони тўлиб борадир,
Келажак авлодлардан олиб суюнчи.

* * *

Баъзида очмизу баъзида тўқмиз,
Бугунча бормизу эртага йўқмиз.
Қушнинг уйқусидек қиска умрда,
Қадимдан тақдиру ажалга ўқмиз.

* * *

Зоғ-зоғнинг кўзини чўқимас асло,
Отнинг тепкисини кўтаради от,
Нодон эса билиб ўзини танҳо,
Этмокчи бўлади доноларни мот.

* * *

Ҳақиқатни яширма бўлиб овора,
Уни албат топурлар аҳли донолар,
У мисоли олтиндир топишга чора,
Излагайдир ҳамиша одил инсонлар.

* * *

Ғийбату бўҳтонлар яраси,
Яхшиларга бергандек азоб,
Меваларнинг софу сараси,
Емиш бўлур қуртларга ҳартоб.

ЁШЛИКНИ ҚЎМСАБ...

Умримнинг гул гунчаси ёшлик,
Бутун ноним кулчаси ёшлик.
Мусаффою беғубор кечган,
Ҳаётим бир парчаси ёшлик.

Сенда ўтган кувноқ давримни,
Эслагайман такрору такрор.
Қани энди бирон лаҳзага
Қайтса ўша дамлар беғубор.

Билмадим, болалар-ла яна,
Кўзлармидик анҳор бўйини.
Ё офтобда куйдириб тана,
Бошлармидик чиллак ўйинини.

Томоққача кумга кўмилиб,
Ётармидик самога қараб.
Кувалашиб тўйиб чўмилиб,
Ўйнармидик бекиёс яйраб.

Ёки майдон узра суриб тўп,
Завқ олармидик ҳар бир зарбдан.
Кўзлабон ракиб дарбозасин,
Тепармидик тўп, ўнгу сўлдан.

Минг афсуски қайтмас у дамлар,
Юрак-бағрим эзилганда ҳам.
Эслаганда уларни энди,
Хотиротдан топгайман ҳардам.



УЗЛАТ МАЙИН ИЧМАЙДИ...

Истаган эл шодлигин,
Элига тош отмайди.
Йўқотиб оғохлигин,
Гумрохликка ботмайди.

Берсалар-да ботмон зар,
Юрт тупроғин сотмайди.
Ҳаромдан килиб ҳазар,
Биров лукмин ютмайди.

Улуғ аждодлар ёдин,
Мудом дилда саклайди.
Ёд билиб ўғитларин,
Ҳар кадамда эслайди.

Кечибон виждонидан,
Душман-ла туз тотмайди.
Ажрабон имонидан,
Гуноҳларга ботмайди.

Ҳурлик бўлса муддао,
Курашдан воз кечмайди.
Юртидан бўлиб жудо,
Узлат майин ичмайди.



* * *

Тик қояда турмайди қор,
Беномусда бўлмайди ор,
Оқибатли меҳрибон дўст,
Дийдорига қилмайди зор.

СИНМАС ЭЛИМ ОРЗУСИ...

Бўлмагай ошкор кудрат, сиримиз,
Топтамас ғаним она сримиз,
Побаста¹ бўлмасмиз ҳеч биримиз,
Чикмаса юртдан ғаддор² соткинлар.

Дилларни бузмас мунгли фарёдлар,
Номусдан эгмас бош қавм-авлодлар,
Тик турмаслар қабрида аждодлар,
Чикмаса юртдан маккор соткинлар.

Ёниб кулга айланмас қалъалар,
Хазон кўрпасин ёпмас далалар,
Тошга ўйилмас маҳзун саналар,
Чикмаса юртдан абгор соткинлар.

Бегуноҳлар таслим қилмагай жон,
Максад ёқасин йиртмагай армон,
Йўқолмас белда ҳайратдан дармон,
Чикмаса юртдан беор соткинлар.

Куриб, булғанмас шаффоф булоқлар,
Чорвасиз қолмас яшил ўтлоқлар,
Вайрон бўлмагай шаҳар-кишлоқлар,
Чикмаса юртдан озор соткинлар.

Заҳарланмагай ёшларнинг онги,
Отмагай асло хурофот тонги,
Урмагай мутлоқ жаҳолат бонги,
Чикмаса юртдан қаххор соткинлар.

Хира тортмас истиклол кўзгуси,
Нурин узмас истикбол ёғдуси,
Букилмас, синмас элим орзуси,
Чикмаса юртдан хунхор соткинлар.

¹ *Побаста* – аср, асрлик.

² *Ғаддор* – манфур, ички душман.

НАСИҲАТ

Қайтар эшигинг ҳеч, қаттиқ ёпмагил,
Ўзгага инониб, қанот қокмагил.
Нокас таомидан, асло тотмагил,
Бўлсин десанг агар, ҳалқуминг ҳалол.

Ноўрин жой олма, уйнинг тўридан,
Алданиб куймагил, ёлғон кўридан.
Дўст ахтарсанг топгил, илми зўридан,
Қучай десанг самоларни бемалол.

Майхўрга қўшилиб, қадах тутмагил,
Огоҳ бўл, етимнинг ҳақин ютмагил.
Меҳнатсиз ҳаётдан бойлик кутмагил,
Ўтсин десанг турмуш тинчу безавол.

Синалмаган уйдан айланиб ўтгил,
Бегона кўчада, оҳиста йўртгил.
Ўзга элда эмас, юртингда бўртгил,
Ўсмай десанг агар, сағир бемажол.

Кечуви бўлмаган, сувдан кечмагил,
Вафосизлик майин, асло ичмагил.
Тухматдан ҳеч кима, тўнлар бичмагил,
Қолмасин десанг боғ, такир бениҳол.

Эй дўст, орзу умид-ла дунёга бок,
Сабринг ила мақсад, эшигини қок.
Ғайратинг-ла ишончнинг машъалин ёқ,
Бўлмасин десанг агар, тинчлигинг поймол.



ИШҚИМ БОҒЛА

Ишким боғла зулфингни занжирига,
Атрофингдан йирокқа кетолмасин.
Кўркам богинг анору анжирига,
Кўз ташламай севганинг ўтолмасин.

Атиргулу садарайхонларингни,
Ифорларин олиб кетмасин шамол.
Менга бўлган аҳду паймонларингни,
Юзини кўрмасин бешафқат завол.

Поёндоз айлайин жоним йўлингга,
Нафис оёгингга тошлар ботмасин.
На севгим, ҳаётим бердим қўлингга,
Ўзгалар кафтида соям ётмасин.

Ҳар тонгинг келтирсин шодлигу қувонч,
Қуёш нури кокилларинг тарасин.
Дилда ёрга униб севгию ишонч,
Гунча лаблар бахт куйларин куйласин.

Армон арғамчи солмасин дилингда,
Бахтинг чироғини ёксин Худойим.
Фақат вафо куйи янграб тилингда,
Ҳижрон азобидан йирок бўл доим.



* * *

Жон ато этгучидир ул кодири Худо,
Олгучи ҳам Яратганнинг ўзидир танҳо.
Бас, шундайин эрса бировга бериб озор,
Ўзгалар жонига ҳеч қасд, қилмагил зинҳор.

АСРА АЗИЗ ДИЁРИМНИ

Жондан азиз диёримни,
Меҳрибон дўсту ёримни,
Садокат, иймон, оримни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Озод, буюк давлатимни,
Мангуберди савлатимни,
Алпомишдек келбатимни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Тенгсиз шаффоф булоғимни,
Қир-адирда туёғимни,
Яшнаб турган ўтлоғимни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Баланд викорли тоғимни,
Меваси асал боғимни,
Не булбул, хатто, зоғимни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Ака-ука кўлдошимни,
Инонганим йўлдошимни,
Садокатли тенгдошимни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.

Қутганим истиклолимни,
Келажак истикболимни,
Ўзбек тилимни – болимни,
Ёмон кўздан Ўзинг асра.



ГЎЗАЛ ЁРИМ БОР

Бошда ҳарир рӯмоли,
Тулин ойдек жамоли.
Гунча лабларда боли,
Гўзал ёрим бор мани.

Парилардек иболи,
Покизаю зеболи,
Гамзаси шарм-ҳаёли.
Гўзал ёрим бор мани.

Нафис қўллар хиноли,
Жоду кўзлар жилоли.
Нафосатга ғиноли¹,
Гўзал ёрим бор мани.

Қора кошлар комонли,
Ширин-шакар забонли.
Кечалари тобонли,
Гўзал ёрим бор мани.

Чин севгига шоёнли,
Латофатга ошёнли.
Армонлари поёнли,
Гўзал ёрим бор мани.

Абдуллага вафоли,
Муҳаббатда сафоли.
Дил хузури, саболи
Гўзал ёрим бор мани.



¹ *Ғино* – бойлик.

ДИЛРАБО

Ўлтирардим боғ аро,
Чаман гуллар қўйнида.
Ўтиб колди Дилрабо,
Маржонлари бўйнида.

Аста боксам қайрилиб,
Менга назар ташламас.
Бу ҳолдан лол андалиб,
Куйлашини хушламас.

Пешвоз чиқдим йўлига,
Даста гулим тутай деб.
Гулим олса қўлига,
Орзуларга тўлай деб.

Кўролмадим кўзларин,
Эшитмадим сўзларин.
Менга киё бокмади,
Терс бурибон юзларин.

Ўтди-кетди пари қиз,
Дилга ўтларин ёкиб.
Йиғлаб-йиғлаб мен унсиз,
Қолдим ортидан бокиб.

Шахло кўзли Дилдора,
Шошиларму ёрига.
Завқли висол куйини,
Басталаб дил торига.



СЕНИ ЎЙЛАЙМАН

Кўча-кўйда юрганимда,
Дўст-ла суҳбат қурганимда,
Ширин хаёл сурганимда,
Фақат сени ўйлайман ёр,
Ишқимни қуйлайман такрор.

Самоларни кучганимда,
Ҳажр майин ичганимда,
Вафодан тўн бичганимда,
Фақат сени ўйлайман ёр,
Кўйингда йиғлайман минг бор.

Саралаб гул узганимда,
Денгизларда сузганимда,
Ҳижрон уйин бузганимда,
Фақат сени ўйлайман ёр,
Васлингни тилайман бисёр.

Кўнглим тилса-да армонлар,
Белдан кетса-да дармонлар,
Рангимни қилиб сомонлар,
Фақат сени ўйлайман ёр,
Тунлари тўлғониб бедор.

Эртаю кеч сўзлаганда,
Дардим айтиб бўзлаганда,
Мақсад йўлин кўзлаганда,
Фақат сени ўйлайман ёр,
Шаънингга битибон ашъор.

Тақдир юкидан букилиб,
Чок-чокимдан гоҳ сўкилиб,
Ётсам-да минг бор йиқилиб,
Фақат сени ўйлайман ёр,
Зулфи-заринг қилиб хумор.

Осмоним босса-да булут,
Дўсту ёр бўлса-да унут,
Токи тирикман мени кут,
Дея, сени ўйлайман ёр,
Фақат сени куйлайман ёр,
Васлингга килма интизор...



* * *

Меҳнат килган ҳеч қачон кам бўлмайди,
Эшик қоқиб йўқлигу ғам келмайди.
Ғайрати сўнмаса бор умри қадар,
Мағрур қадди ёй қаби эгилмайди.

* * *

Сийму зар деб айро тушма Ватандан,
Ўзга юртинг бўлма, ҳатто султони.
Бойлик, амал ўткинчидир азалдан,
Бўла олгин ўз юртингнинг ўғлони.

* * *

Меҳрнинг булоғидан қонган оқибат,
Садоқат бўстониға очар қатта йўл.
Юракда қайнаса-да ғайрат-шижоат,
Лек, меҳнатни бажарур, билгил икки қўл.

* * *

Қўпчилик тикилса тоғ қулайди,
Меҳнату сабрдан боғ гуллайди,
Қудратли жўшқин асов дарё ҳам,
Инсон онгидан тойдек кишнайди.

ЎЗИНГСАН

Адашсам гар йўлимдан,
Мадор кетса белимдан,
Номард тутса қўлимдан,
Огоҳ этган – Ўзингсан.

Дўстлар колдирса якка,
Мухтож этиб кўмакка,
Армонли бу юракка,
Паноҳ берган – Ўзингсан.

Жанда бўлса усти-бош,
Хатто кочур қариндош,
Қолмаганда бир сирдош,
Даргоҳ берган – Ўзингсан.

Хақиқат йўли узок,
Унда мўлдир минг тузок,
Енгиб уларни биров,
Ҳамроҳ этган – Ўзингсан.

Ғариб кулбам кошона,
Этиб бахтга ошёна,
Ёруғ қилиб пешона,
Салоҳ¹ қилган – Ўзингсан.

Қийнаса дил маломат,
Таъқиб этса надомат,
Бошга солмай қиёмат,
Сабоҳ² бўлган – Ўзингсан.



¹ Салоҳ – яхшилик.

² Сабоҳ – эрта тонг.

УМР ОЛИЙ НЕЪМАТ

Сўндирма имон гавхарин,
Мамнун бўлиб каж ниятдан.
Устун қўйма дунё зарин,
Умр деган олий неъматдан.

Сўнса-да шуҳрату шонинг,
Қолсанг-да кучу қувватдан.
Қувонч бўлсин ҳар бир онинг,
Умр деган олий неъматдан.

Қулдек сотсалар ҳам ҳатто,
Ажратиб қавму умматдан.
Шунда-да воз кечма асло,
Умр деган олий неъматдан.

Этсанг ҳам ғанимга сажда,
Кечиб, ҳурмату иззатдан.
Кута бил ҳамиша мужда,
Умр деган олий неъматдан.

Кечса-да ҳаёт ғурбатта,
Йироқда зебу-зийнатдан.
Лек, завқ олабил, албатта,
Умр деган олий неъматдан.



* * *

Шуҳратпараст асло қилмайди ҳазар,
Қабиҳ ишлардан ҳам шуҳрат бўлса бас,
Ўлимга ҳукм килинса ҳам агар,
Ипакдан арконни қилади ҳавас.

БЎЛМАСИН, ДЕСАНГ...

Бахтим каро бўлмасин, десанг,
Қўнглим яро бўлмасин, десанг,
Бошга хоро ботмасин, десанг,
Элинг бирла бўлгил ҳамиша.

Тутмасанг-да қўлингда камон,
Хаста бўлсанг ёки нотавон,
Не бўлсанг-да, топибон имкон,
Элинг бирла бўлгил ҳамиша.

Берсалар-да тахти Сулаймон,
Сийму зардан ботмону ботмон,
Собит бўлиб дилингда иймон,
Элинг бирла бўлгил ҳамиша.

Бисотингга қилмайин шукур,
Ўзга юртдан кидирма ҳузур.
Дилда сақлаб Ватанга гурур,
Элинг бирла бўлгил ҳамиша.

Ёзиб, эй Абдулла Шоносир,
Юрт севишни фарзандга уктир,
Токи, ул ҳеч бўлмай мусофир,
Эли бирла бўлсин ҳамиша.



* * *

Ёвингни кечириб, қилсанг парвариш,
Тенгдир бу қўйнингда илон боқмоққа.
Пайт пойлаб танангга санчади у ниш,
Душманни дўст билиб, олсанг кучокка.

ДЎСТЛАР ДАВРАСИ

Дўстлар дийдорлашиб курсалар суҳбат,
Окибат дийдорин этур намоён.
Бекиёс меҳрдан товланиб ҳурмат,
Бошлайди садоқат булоғи томон.

Ҳар бир айтилган сўз бағишлар роҳат,
Дилларни хос суҳбат киздирар роса.
Ўртада шаробли қадах бетоқат,
Сўздан холи лабдан ололмай бўса.

Турфа ҳунар намояндаси улар,
Лек, суҳбат чоғида бирдай сўзамол.
Ғийбатдан холидир ҳислар, туйғулар,
Самимийлик рўйирост кўрсатар жамол.

Бири қўлга олиб созин, дуторин,
Мумтоз куйларини килса ҳаля.
Яна бири тўкиб дилида борин,
Барчани кулдириб, бошлар аския.

Сўнгра янграйди кизгин мушоира,
Дилдан-дилга оқар шеърү ғазаллар.
Авжига чиқиб ҳазил-мутоиба,
Унутилар ҳатто, тенгсиз ғўзаллар.

Чилвирланиб софдил дўстлик риштаси,
Мустаҳкам боғлайди дўстларни яна.
Меҳр-муҳаббатнинг олий фариштаси,
Дилларда яшнайди, қилиб тантана.

Шундай ўтсин мудом дўстлар давраси,
Кувончга тўлсинлар бекиёс диллар.
Қасрга айлансин йигит кулбаси,
Тўпланса гар унда беғараз дўстлар.

Ҳавас килгил, эй Абдулла Шоносир,
Жой олмокка чин дўстларнинг сафидан.
Юкори қўябил дўстлик қадрини,
Бу ёруғ дунёнинг моддий нафидан.



* * *

Кимки илму фанни ўрганса тўлик,
Жаҳолат бўйнига солади каманд.
Орифлик кўкида ҳамиша ёник,
Бўлибон порлагай у куёш монанд.

* * *

Очур ғазна эшигин билим ва ҳунар,
Тадбиркорлик эрур ютуқлар гарови,
Бу уч ҳислат инсонда бирлашса агар,
Тиллодан бўлур тулпорининг жилови.

* * *

Ғойибдан кутмагин бахтингни асло,
Бахт учун ҳаракат, курашмок даркор,
Саботлию дадил, мард бўл доимо,
Йўқса барча режанг кетгуси бекор.

МЕҲРНИНГ ЧИРОҒИ СЎНМАСИН АСЛО

Ширин сўзга талпинур мушфик диллар,
Томчи сувдан жонланур ташна тиллар,
Озодлик тилагай асиру куллар,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Қай мусофир ўз юртини соғинмас,
Қайси қушким қафасини тор билмас,
Бемор борми шифосини истамас,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Кўнгиллар самодек бўлса мусаффо,
Садоқат қуёши сочади зиё.
Мурувват яшнаса, яшнагай дунё,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Ҳаёт ўтса фиску ҳасаддан йирок,
Дўстлар даврасида бўлмагай нифок.
Инсон борки, мудом меҳрга чанқок,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Табиат жонланар қуёш тафтидан,
Кўнгиллар сув ичсин бахтнинг кафтидан,
Ғаразлилар маълумдир тўнг афтидан,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Етим-есирларнинг кўнгли яримдир,
Улар бошига соябон баримдир,
Элда мурувватли ёшу қаримдир,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Барқарорли дўстлик белларга дармон,
Ушалса орзу-ҳавас – қолмас армон,
Боболар кўтарсин савобдан хирмон,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Бор бўлса қўлларда заррача имкон,
Адолат чироғин ёқади инсон,
Ул кодир Худога келтириб иймон,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Кимлар саховатин қилмас ошкора,
Кимлар сохта кибори-ла оввора,
Не бўлса-да дардга, топибон чора,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло!

Ёлғиз Раббанога қўйибон ихлос,
Ҳар бир инсон яшар маслагига мос,
Ранжу балолардан этгали халос,
Меҳрнинг чироғи сўнмасин асло.



* * *

Умрингдан яна бир туну кун кетди,
Сен эса бепарво, чекмайсан қайғу.
Қайтмас бўлиб улар, манзилга етди,
Мозийнинг қўйнига жойлашиб мангу.

* * *

Инсон умри кафтдаги қумга ўхшайди,
Қум мисоли қололмассан уни ушлаб.
Билмассан пойандозин қачон тўшайди,
Ажал олиб кетиши-чун, сени бошлаб.

УМИД-ЛА ЯШАЙДИ ИНСОН

Чарх урса ҳам бетиним бошида хатар,
Бемакон кезганида ҳам хор, дарбадар,
Аёвсиз эзса-да кўнглин ғаму кадар,
Умид ишончи ила яшайди инсон.

Кетганида ҳам кучу қувват илкидан,
Ажралса ҳам буткул, бор молу мулкидан,
Ёзилмаса-да шеъру ғазал килкидан¹,
Умид ишончи ила яшайди инсон.

Инонгани, дўстлари беришса ҳам панд,
Бўйнига солинса-да ажалдан каманд,
Гоҳ ҳаёт ташвишларин қилмайин писанд,
Умид ишончи ила яшайди инсон.

Тузган мақсад муроди бўлса-да поймол,
Оғир дард юкидан ётса-да бемажол,
Яшаса-да у гоҳ нопок-у, гоҳ ҳалол,
Умид ишончи ила яшайди инсон.

Куш уйқусидек қиска умрида ҳатто,
Яшаган бўлса қулдек, зулматлар аро,
У барибир дилининг тубида аммо,
Умид ишончи ила яшайди инсон.

Ногаҳон узилса-да қўлдаги тори,
Узлатда қийнаса-да Ватан хумори,
Етар-ку деб бир куни Худога зори,
Умид ишончи ила яшайди инсон.

¹ Килк – ажойиб сўзлар ёзувчи калам.

ГУЛ ШОХИДА

Гул шохида сайраса булбул,
Ғунча шодон лабин очади.
Куйдан завкланиб хос атиргул,
Чор атрофга ифор сочади.

Саболардан тебраниб райҳон,
Булбул томон боқар интизор.
Ажиб куй таралгани ҳамон,
Минг товланиб тўлғанур гулзор.

Ҳаракатдан тўхтаб болари,
Унутади юмушин ҳатто.
Куй авжига чиқкани сари,
Тўхтама деб қилур илтижо.

Боса олмай гулдурашин сой,
Куй садосин эшитмай гаранг.
Тоғ ортига ботолмайин ой,
Калкиб турар самода аранг.

Най нидоси узок-узокдан,
Бул хонишга у бўладир жўр.
Кўкда қуёш тўхтаб сузмоқдан,
Товланади мисли оташ кўр.

Сехрлими бу куй шунчалар,
Мафтун этур барчани бирдек.
На тирик жон, ҳатто ғунчалар,
Куй сеҳридан товланур дурдек.



ИНОН МЕНГА ГЎЗАЛ ЁР

Деразадан боккан ёр,
Қошларини қоккан ёр.
Юрагимни ёндириб,
Ишқ ўтида ёккан ёр.

Севгисин қилиб тумор,
Нимчасига таққан ёр.
Ҳижронида азоблаб,
Кўз ёшимда оккан ёр.

Олмай хабар холимдан,
Қўнглима берган озор.
Ўз ёрини унутиб,
Изларига этган зор.

Алдаб мени ҳар баҳор,
Гулин бермай кетган ёр.
Кўчамдан ўтганида,
Қиё бокмай ўтган ёр.

Ишқ савдосин бошима,
Солиб кетган ўшал ёр.
Энди келмай қошима,
Ёрини қилган бемор.



АРМОННИНГ ҒУЛИ СЎЛМАСА

Яратмасанг умрингда бир кўркем маъво,
Тополмасанг ўзгалар дардига даво,
Зарурликда бўлмасанг мисоли ҳаво,
Дунёда яшашингдан айтгил не маъно.

Сухбатингдан дўстларинг бўлсалар безор,
Висол чоғи севгилинг бокмаса хумор,
Куйламаса вафодан қўлингда дутор,
Дунёда яшашингдан айтгил не маъно.

Ота-онанг меҳрингдан рози бўлмаса,
Одобингдан уларнинг кўнгли тўлмаса,
Ғайратингдан армоннинг гули сўлмаса,
Дунёда яшашингдан айтгил не маъно.

Ўйноқлабон турмаса остингда тулпор,
Чор атрофингда яшнаган бўлмаса гулзор,
Такмасанг гар бўйнингга вафодан тумор,
Дунёда яшашингдан айтгил не маъно.

Карамда Ҳотамтойдек сахий бўлмасанг,
Хурсандликда шодланиб дилдан кулмасанг,
Севиб-севилиб ёрга, ишққа тўлмасанг,
Дунёда яшашингдан айтгил не маъно.



БАЛАНД БЎЛСА ИҚБОЛИНГ

Агар бахту иқболинг бўлса баланд,
Умид орзуларинг топмағай завол.
Боболаринг пок рухи бериб мадад,
Қисматинг ҳеч кимга келмағай малол.

Қоқилмассан асло, юрган йўлингда,
Бўлса ҳам ул узок, тошли, норавон.
Мафтункор куйлайди торинг қўлингда,
Булбул хонишига жўр бўлиб ҳар он.

Юлдузлар парвона бўлар бошингда,
Олтинга айланар ушласанг тупрок.
Ҳукмингга мунтазир турар қошингда,
Бекиёс парию пайкарлар ҳар чок.

Кесак отсанг агар қулайди қоя,
Қочмас сендан севги қамчилаб отин.
Умрингга ҳеч қачон сололмас соя,
Муфлислик¹ булути ёзиб канотин.

Босган изларингдан гуллар унади,
Шаънингга бағишлар сойлар қўшигин.
Ҳар куну тунингда қувонч кулади,
Бўз йигитлар топгандайин ошигин.



¹ *Муфлислик* – камбағал, бечора.

ШУКУР ҚИЛ

Қаноату сабрда бўлиб бекиёс,
Ҳар бир ўтган кунингга, минг бор шукур қил.
Бўлганда ҳам устингда жандали либос,
Кўнглингни ҳеч чўқтирма, минг бор
шукур қил.

Кўкрагингни тўлдириб, олсанг гар нафас,
Имконингдан қувону минг бор
шукур қил.

Ғам-ташвишдан ўзингга ясамай кафас,
Дарёдайн окиб мўл, минг бор шукур қил.

Ерга бериб кучингни кўтарсанг хирмон,
Омборингни тўлдириб, минг бор шукур қил.
Яратгандан тилаб шафоату имон,
Эътиқодинг ошириб минг бор шукур қил.

Мукаддас саклаб ҳардам Ватан тупроғин,
Сурта олсанг кўзингга, минг бор шукур қил.
Таърифласанг соғиниб ёрнинг қароғин,
Куйлай олган созингга минг бор шукур қил.

Ғазал битиб Абдулла, бўла олсанг шод,
Илҳомингни чархла-ю, минг бор шукур қил.
Бош кўшолсанг Ватанни қилишга обод,
Енгларингни шимар-у, минг бор шукур қил.



САХОВАТИНГНИ БЎЙЛА

Гулни танлаган булбул,
Қора толга қўнмайди.
Юртин деган мард йигит,
Эл ёдидан сўнмайди.

Таклифсиз борма тўйга,
Иззатинг сакла ҳардам.
Ботмай хомхаёл ўйга,
Мақсад сари бос кадам.

Эгаси-ла юрмайди,
Айтилган сўз ҳеч қачон.
Ҳеч гапида турмайди,
Гар бўлса дўстинг нодон.

Тулпор йигит қаноти,
Жангда билингай зоти.
Ози яхши асалнинг,
Ширин бўлса ҳам тоти.

Қўшигингда Абдулла,
Меҳру вафони куйла!
Муруват уммонида,
Саховатингни бўйла!



КАМ ДЕМА

Омад келтирса кувонч,
Шодон куним кам дема.
Дўстга бўлмаса ишонч,
Гумон куним кам дема.

Ёринг бўлса вафоли,
Муҳаббатим кам дема.
Торинг эрса сафоли,
Наволарим кам дема.

Тунинг кунга уланса,
Субҳонларим¹ кам дема.
Эшигинг ёпик бўлса,
Меҳмонларим кам дема.

Бўлса гар бурда нонинг,
Ризку рўзим кам дема.
Меҳр бўлмаса конинг,
Ёру дўстим кам дема.

Учқур бўлса тулпоринг,
Манзилим узок дема.
Бажармайин ўз коринг,
Ҳар кадам тузок дема.

Фоний дунё ўткинчи,
Сен уни бокий дема.
Айш-ишратга берилиб,
Майинг куй сокий дема.

¹ Субҳон – тундан тонгга олиб чиқувчи.

МУҚАДДАСДИР

Қайрағочнинг бўлмас сояси,
Қўқдан қуёш сочмаса нурын.
Илхом эрур ғазал дояси,
Яратганда мазмунли дурин.

Сузмагай бевакт абри найсон,
Илиқ ёмғир хосдир баҳорга.
Сўзда турмоқ эмасдир осон,
Қадрин билмас бевафо ёрга.

Баҳоси йўқдир кўркам боғнинг,
Мевалар ғарқ пишганда чунон.
Эрир ҳатто қорлари тоғнинг,
Тилга курса ширин сўз ошён.

Жилғалардир дарёнинг боши,
Сирдош эрур дарёга кирғок.
Шириндир хос дўстларнинг оши,
Бўлмаса гар, ўртада нифок.

Орзу-ҳавас инсонга қанот,
Хохиш эса олға бошлайди.
Эзгуликсиз кишилар ҳайҳот,
Қадр топмай кўзин ёшлайди.

Ўғил-кизинг бўлса диловар¹,
Ҳаёт кечар гулгун осойиш.
Бахтга ташвиш келмай баробар,
Ожизлигин қилур намойиш.

¹ Диловар – мард, жасур.

Бўлмасанг гар Ватандан йирок,
Эзмас сени ғариблик дарди.
Она Ватан тупроғи ҳар чоқ,
Мукаддасдир ҳаттоки гарди.

Шифокор шоирсан Абдулла,
Соғлиқ тила элга мустаҳкам.
Яратганнинг инояти-ла,
Юртинг бўлсин янада кўркем.



* * *

Омаду бахт кулиб бокса нодонга,
«Донога» айланур у ўша замон.
Омад юз ўгирса ундан ногаҳон,
Баттароқ нодонга айланар нодон.

* * *

Тилингга ҳеч эрк бермагин сен асло,
Ўйлаб гапир мудом ҳар бир сўзингни.
Ногаҳон ёғилса бошингга бало,
Бировнимас айблагил ўзингни.

* * *

Кулиб бокмас сенга омад,
Факат истак-хоҳиш билан.
Келмагайдир ҳеч даромад,
Кўкка боқиб ётиш билан.

ЯНА ҒУБОР ҚЎШМАНГИЗ

Пастлаб учган булутлар,
Қуёш юзин тўсмангиз.
Кўнглимнинг ғуборига,
Яна ғубор қўшмангиз.

Соғинч ўти куйдирар,
Азобидан дил пора.
Унга етишмак учун
Қайдан топайин чора?

Тунлари оймомодан,
Ёргинамни сўрайман.
Нажот тилаб туну кун,
Ёр йўлига қарайман.

Сув бетида тўлкинлар,
Битурлар ёрга нома.
Санам томон елурлар.
Майин шамол баҳона.

Чин ошиқлар охидан,
Эрир тоғларнинг кори.
Икки ошиқ бир бўлса,
Тингай кўнгиллар зори.



ЧИЛВИР АЙЛАБ СОЧЛАРИНГ...

Кўрмай десанг кўзларимнинг жоласин,
Хусну рухсорингни яширма мендан.
Чилвир айлаб сочларинг ҳар толасин,
Боғлагил, кетолмай йироққа сендан.

Висолинг шаробидан бўлайин сархуш,
Кўнгиллар қувонсин шодликка тўлиб.
Ширин каломингдан бошдан учиб хуш,
Чўлу сахро кезай Мажнунинг бўлиб.

Торткилай сабодайин рўмолингни,
Куйлайин сафо бўлиб жамолингни.
Самода порлаган юлдузлар каби,
Излайин мен тунлари тобонингни.

Ой момо уфққа кўйганидек бош,
Сен ҳам бошинг кўйгил ёник кўксима.
Бахту омад ила бўлибон сирдош,
Қувнаб яшнагил, асло ўксима.

Бахтим чечагини топайин сендан,
Сенинг бирла тотай ҳаёт лаззатин.
Ўзгалар ҳавас-ла кузатиб зимдан,
Билсинлар севгининг чексиз қудратин.



ҚАДР ТОПМАЙСАН

Ёниб чўғ бўлмасанг ўзинг, тафтинг бўлмагай,
Меҳринг сочмаса кўзинг бахтинг кулмагай,
Дуоли бўлмаса сўзинг, кафтинг тўлмагай,
Имконингни асра, умид гулинг сўлмасин.

Дилда ёлғон унса, ҳақиқатдан йироксан,
Қўлга ҳавас кўнса, хирс, ҳасаддан йироксан,
Ишқ учкуни ўчса, муҳаббатдан йироксан,
Севгингни қадрла, хижронларда сўнмасин.

Элингга фойданг сезилмас, қадр топмайсан,
Чидамга бўйинг эгилмас, сабр топмайсан,
Танангдан жонинг узилмас, қабр топмайсан,
Обрўйингни сақла, оташларда куймасин.

Йўлдан адашмайсан сарбонинг мохир бўлса,
Юкдан майишмайсан карвонинг зоҳир бўлса,
Ёвга қайишмайсан ниятинг тоҳир¹ бўлса,
Омадингни асра, уни ношуд туймасин.

Гул катларига муҳаббатинг сингиб кетсин,
Булбул хонишин, оҳангларинг энгиб кетсин,
Шавкинг шаробидан хижронлар гангиб
кетсин,
Баҳорингни асра, ҳазонларга тўлмасин.



¹ Тоҳир – тоза, покиза.

БИР ДАМ КЎРМАСАМ

Дунё кўринур кўзларимга тор,
Кўнглим коплайди рутубат, ғубор,
Мунгли куйлайди кўлимда дотор,
Азизам сизни бир дам кўрмасам.

Гўёки офтоб сочмайди нурин,
Юрак йўкотар ором-хузурин,
Дилимда қолмас қувончга ўрин,
Азизам сизни бир дам кўрмасам.

Сўлур сизга деб терган гулларим,
Қутламас тонгин бедор тунларим,
Унмағай асло босган йўлларим,
Азизам сизни бир дам кўрмасам.

Ранжу аламлар тоғдай эзади,
Соғинчнинг ўти даштлар кезади,
Висол орзуси вақтдан беади,
Азизам сизни бир дам кўрмасам.

Мақсад муродим бўлади сароб,
Нурли қошонам кўринур хароб,
Ёзолмас дилим хаттоки шароб,
Азизам сизни бир дам кўрмасам.

Қалбда сукунат бўлур ҳукмрон,
Сабру тоқатни синайди ҳижрон,
Бўйнимга каманд солади армон,
Азизам сизни бир дам кўрмасам.



МАҚСАДСИЗ МАНЗИЛ КЎЗЛАМА...

Қанотнинг қуввати ҳар бир патдадир,
Қуёш унса дилда нури қафтдадир,
Ғанимлар хавф солса мардлар сафдадир,
Ночорларга мадад бўлгил ҳамиша.

Хоҳишнинг ҳеч чегараси бўлмайди,
Инсондин олдин бил, умид ўлмайди,
Ғариб кўнгил меҳрга асло тўлмайди,
Беморларга ҳамдард бўлгил ҳамиша.

Самон йўли нури тунинг ёритмас,
Йигитларнинг марди ёрин қаритмас,
Вафосиз ёр дилинг ғамдин аритмас,
Хоксорларга дилбанд бўлгил ҳамиша.

Мақсадсиз бирон-бир манзил кўзлама,
Ағёринг қошида юпун сўзлама,
Дардиндан беҳисга асло бўзлама,
Жафоларга каманд солгил ҳамиша.

Хос сиригни мудом дилда сақлай бил,
Меҳрли бўлса дўст ғарибланмас дил,
Арғамча йўқ, етарли бўлмаса қил,
Кўнгилларга пайванд бўлгил ҳамиша.

Оҳиста юрар ерда йўртмагил ҳеч,
Баҳоринг келмай туриб бўртмагил ҳеч,
Сеторингни ноўрин чертмагил ҳеч,
Хушёрликни аржуманд этгил ҳамиша.



ИБО СИРИ...

Шу гўзалнинг нозик ибоси,
Айлар уни янада сулув.
Лов-лов ёнган атлас либоси,
Кўнгилларга солади гулув.

Бошидаги ҳарир рўмоли,
Ҳилпирайди шамолда аста.
Парилардек кўркем жамоли,
Юракларни айлар побаста.

Гулзор аро ташласа қадам,
Кутиб олар таъзимда гуллар.
Эсган сабо шому субҳидам,
Зулфу зарин ҳавас-ла силар.

Жоним олур гулгун яноғи,
Ғунча лаблар йўлимга тузок.
Тилда қолиб севгим сўроғи,
Кетолмайман ёнидан йирик.

Шу гўзалнинг шарму ҳаёси,
Мафтун этар дилни бекиёс.
Кўзлардаги севги зиёси,
Нур таратар париларга хос.



ЧИН ДЎСТ ИЗЛАДИМ

Ёкмайин кимгадир тўғри сўзим,
Ё нажот излаган мунгли кўзим,
Сабр-тоқатимга тилабон тўзим,
Садоқатли бир чин дўст изладим.

Бировлар талаб қилдилар амал,
Билиб ўзларин етук, мукаммал.
Баҳолашга хос, дўстона сўзим,
Фасоҳатли бир чин дўст изладим.

Кимлардир мендан ахтарди бойлик,
Ўйлабон дуру гавҳарли сойлик.
Шодлантириш-чун бир умр кўзим,
Итоатли бир чин дўст изладим.

Гоҳи ботиллик устун қўйилди,
Гоҳи эзгулик кўзи ўйилди.
Атлас шохидек кўргучи бўзим,
Қаноатли бир чин дўст изладим.

Қудрат етгунча дунёни кездим,
Кимни ёктириб, кимлардан бездим,
Тинглашга гоҳ шўҳ, гоҳ мунгли созим,
Малоҳатли бир чин дўст изладим.

Дилда орзулар тахи шашқатор,
Аларга етиш бўлди кўп душвор.
Тотгали баҳам нону ҳам тузим,
Иноятли бир чин дўст изладим.



ДИЛ АРМОНИ

Йилларнинг залвори букса қаддимни,
Ғанимларим тотса асал қандимни,
Тингламаса ҳеч ким ўғит-пандимни,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

Ногаҳон сўнса умидим қуёши,
Қўзларимдан окса армоннинг ёши,
Теграмда қолмаса қўнгил сирдоши,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

Мақсадга етмаса узатган қўлим,
Майда тошли бўлса манзилга йўлим,
Буюрмаса ёрга боғларим сўлим,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

Бекиёс гулзоримни босса тикон,
Висолга қолмаса иложу имкон,
Ҳўл бўлса гар қўқсим ашқимдан чунон,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

Тобистонда¹ киприкка қўнса киров,
Чўзмаса илкини ёрдамга биров,
Муҳаббат киммати гар бўлса гаров,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

Топмайин ўтсам мен бир кўркама маъво²,
Мендан бахтли сезса ўзини гадо,
Орзу-умидимдан ёр қилса жудо,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

Ўзгалар дардига тошибон чора,
Дард чангалидан қутқардим минг бора,
Баъзан ночорликдан бўлса дил пора,
Мен зор йиғламай айтинг, ким йиғласин.

¹ Тобистон – ёз.

² Маъво – тураржой, бошпана.

ОРАЗИНГ ЯШИРМА

Оразинг яшириб бўлма оввора,
Саболар ҳуснингдан бердилар хабар.
Ўзингсан самода порлок сайёра,
Нури-ла кўнглимни этган мунаввар.

Сен томон бошлайди висол ҳумори,
Юракда орзулар тахи қатма-кат.
Ногаҳон узилса севги тумори,
Отмагил сен уни, отмагил факат.

Сенга атаб битдим шеърү ғазаллар,
Ҳисларимни дурдек тердим бирма-бир.
Юрагимни ҳижрон тилган маҳаллар,
Ўзимни сезаман гарибу факир.

Агар-чи толеим бўлганда баланд,
Ўртамасди балким дилимни фироқ.
Соғинчим солмайин бўйнима каманд,
Қилармиди йўлим ёрга яқинрок.

Ўзингсан, ўзингсан менга керагим,
Сенсиз тор қафасдир менга бу дунё.
Факат сенга етмак орзу-тилагим,
Бир умр ҳуснингга бўлиб маҳлиё.

Оразинг яшириб бўлма оввора,
Кўнглим кўзгусида жамолинг кўрдим.
Шундан сўнг ишким ёнибон тобора,
Кўйингда Мажнундай девона бўлдим.



ИШҚ АРМОНИ

Узокдан кўрсам-да ёрнинг қорасин,
Кўксимда очилур турфа лолалар.
Ҳарчанд тополмайин висол чорасин,
Сел бўлиб оқади кўздан жолалар.

Кўчамдан ўтасан викор-ла ҳар гал,
Сезмайсан ҳаттоки бору йўғимни.
Мен эрса изларинг ўпиб ҳар маҳал,
Сабрга ўрайман соғинч чўғимни.

Эгаллайсан мудом фикру зикримни,
Кўз ўнғимдан жонон кетмайсан бирдам.
Баён этолмайин сенга сиримни,
Йўлингни пойлайман умид-ла ҳардам.

Менинг-чун кўл етмас Зухросан гўё,
Кўрсатмадинг менга толе тоғини.
Йўлимга сочмайин заррача зиё,
Тийра шом айладинг умрим боғини.

Кел хижрон дардини осайлик дорга,
Армоннинг чоклари сўкилсин бир-бир.
Ўрин қолдирмайин ғаму ғуборга,
Висолнинг гулзорин этмайлик тақир.



ЁНИМГА КЕЛ...

Тийра шомлар адашганда йўлимдан,
Салоҳ ишлар келмай қолса қўлимдан,
Ҳамла қилса ғаним ўнгу сўлимдан,
Қийин онда оро кириб жонимга,
Чин дўст эрсанг, ёнимга кел ёнимга.

Элитганда мени ғафлат уйқуси,
Тарк этганда дилни мардлик туйғуси,
Жой олса кафтимдан турмуш кайғуси,
Қийин онда оро кириб жонимга,
Чин дўст эрсанг, ёнимга кел ёнимга.

Кўнгил ойинасин ғубор босганда,
Баҳтимга дарду ғам кармोक осганда,
Қуёшим юзини тўфон тўсганда,
Қийин онда оро кириб жонимга,
Чин дўст эрсанг, ёнимга кел ёнимга.

Майсалардек юрак-бағрим эзсалар,
Боғимда ғанимлар шодон кезсалар,
Бухрон куним барча, мендан безсалар,
Қийин онда оро кириб жонимга,
Чин дўст эрсанг, ёнимга кел ёнимга.

Гул баҳорим ўтиб, кузим келганда,
Тонгнинг эмас, шомнинг насми елганда,
Умримнинг кўксини армон тилганда,
Қийин онда оро кириб жонимга,
Чин дўст эрсанг, ёнимга кел ёнимга.



КУЙДИРДИМ...

Ўт билан ўйнашиб кўлим куйдирдим,
Нодон-ла йўллашиб йўлим куйдирдим.
Ногаҳон сирымни айтиб нодўстга,
Хотиржам, саришта уйим куйдирдим.

Рашким илҳомланиб шубха-гумондан,
Кўзларим кўр бўлиб тухмат-бўхтондан,
Охири фаркламай чинни ёлғондан,
Бегунох, фаришта ёрим куйдирдим.

Соф меҳнатдан топай дедим бахтимни,
Матонатдан курай дедим тахтимни,
Аммо, сароб дебон, бузиб аҳдимни,
Обрўйим, номусу орим куйдирдим.

Баҳордан кузимни фарқлай олмайин,
Ишкимнинг ўтини сақлай олмайин,
Севгимни баралла куйлай олмайин,
Қўлдаги рубобу торим куйдирдим.

Инсон борки истак, умидсиз бўлмас,
Дарё борки тўлкин, қирғоқсиз бўлмас,
Кўнгилга юкиниб дунёга тўймас,
Армонларга тўла умрим куйдирдим.



ЮЗ ЎГИРСА СЕНДАН...

Бахту омад кетса сен борар жойдан,
Булоқлар кўз юмса сен ўтар сойдан,
Тулпорлик унмаса сен боқар тойдан,
Бахту омад тила қодир Худодан.

Ғаниминг қўлидан гуллола олсанг,
Адолат йўлидан юрмайин толсанг,
Ғафлат уйкусига мубтало бўлсанг,
Ҳушёрлик тилагил қодир Худодан.

Заҳрингдан тўлғанса, ҳатто илонлар,
Қаҳрингдан ёт бўлса дўсту ёронлар,
Меҳрингдан қонмаса моҳи тобонлар,
Раҳимдиллик тила қодир Худодан.

Унмаса умид-ла эккан ниҳолинг,
Юз ўгирса сендан кўкда ҳилолинг,
Комол топмаса ҳарчанд авж, иқболинг,
Иқболинг тилагал қодир Худодан.

Ишқ оташидан қоврилиб ёнмасанг,
Висол онларидан бирдам қонмасанг,
Бевафолик иллатидан тонмасанг,
Чин муҳаббат тила қодир Худодан.



КЎЗ ТЕГМАСИН

Тумор тақиб қўй тулпоринга,
Ҳасадгўйнинг кўзи тегмасин.
Тоқат тилагил хуморинга,
Сабрсизлик уни эгмасин.

Бўлмас ердан ахтарма қувонч,
Атворингдан нодўст кулмасин.
Севган ёрга билдиргил ишонч,
Гумон дилда ғунча тугмасин.

Шоҳсупада ўлтирсанг агар,
Бошинг узра булбул сайрасин.
Қуёш нурин эмиб ғунчалар,
Шодонликда қувнаб яйрасин.

Ҳидлаганда райхон ифорин,
Атиргуллар мулзам бўлмасин.
Ёр соғиниб чертса дуторин,
Оҳанглари ғусса кўрмасин.

Ҳар соҳада бўлгил баркамол,
Қудратингдан тошлар гулласин.
Омад гулинг очганда жамол,
Ҳайратидан армон йиғласин.

Шеъринга Абдулла Шоносир,
Нодўстларнинг кўзи тушмасин.
Шеър юракнинг маҳсули, ахир –
Тушунганлар уни хушласин.



КЎРДИМ...

Юлдузлар ёғдусин киприкда тараб,
Соғиниб, йўлингга минг бора қараб,
Шамолнинг шаштидан такроран сўраб,
Изларинг гардини кўзимга сурдим.

Гоҳо тун пардасин яшиндай йиртиб,
Ҳар баҳор новдада куртакдек бўртиб.
Умидим отида охиста йўртиб,
Сабр-ла йўлимни сен томон бурдим.

Булбул хонишидан очилган гулдай,
Бағрида чўғ сақлаб сўнмаган кулдай,
Сенсиз ўтган ҳар он чўзилиб йилдай,
Ўзимни ҳажр ўти домида кўрдим.

Бокира тутибон ҳамиша дилим,
Ўзгани кучмайин ҳеч қачон илким,
Номингни такрорлаб туну кун тилим,
Ваъдамни бузмайин аҳдимда турдим.

Ҳажрингда тўкибон кўздан ёшимни,
Қаноат-ла териб сабр тошимни,
Сенсиз, ўтга ташланг дея лошимни,
Аламдан бошимни тошларга урдим.

Висол онларини энтикиб кутиб,
Фироқнинг азобу озорин ютиб,
Йўқ бахтнинг кўринмас этагин тутиб,
Ушалмас орзуйим кетидан юрдим.

Тақдирга тан бермай иложим канча,
Худойим бермади омаддан қилча,
Кутганда сония чўзилиб йилча,
Сабримни синади, метиндек турдим.

КЕРАКМАС ТИЛМОЧ

Заиф эрсанг гар, соянг ҳам калтирайди,
Ночор киши меҳр сўраб мўлтирайди.
Мўминсан, ҳар соҳада бўлгил бебаҳо,
Соф олтин қайда бўлса-да ялтирайди.

Аллоҳдан сўра – покиза имон берсин,
Осудаю тинчлик севар замон берсин.
Сен халқингни ғанимлардан саклаш учун,
Сеҳрда тенгсиз пайкону камон берсин.

Чин мусурмон эрурсан гуноҳлардан қоч,
Меҳру оқибатдан кийгил бошингга тож,
Ғаму ғурбатдан эрта оқармасин соч,
Бахт куйини тинглашга керакмас тилмоқ.

Уринма осмонга устун кўёлмайсан,
Камалакни бошка рангга бўёлмайсан,
Сомон йўл чангин упадек суролмайсан,
Ботир бўлсанг жангдан айро туролмайсан.

Меҳринг сеҳридан равшан қил қалб кўзингни,
Дил қулфин очар сўз-ла ҳар бир сўзингни,
Қайда бўлсанг-да, камтарин тут ўзингни,
Дўстларингдан аяма ошу-тузингни.

Шеърү ғазалда эй Абдулла Шоносир,
Ҳамиша эзгуликни куйла толмайин.
Очгил ҳақиқат кўзин дилларда бир-бир,
Кўрай десанг умр, ғафлатда қолмайин.



ТОКАЙГАЧА

Токайгача сабру токатим ток этиб,
Оразингиз мунча мендан яширасиз.
Дийдорингиз бир кўришга мушток этиб,
Ҳасратимни яна қанча оширасиз.

Сабрим сарғайиб буткул гадо бўлди-ку,
Соғинчим саҳроларда нидо бўлди-ку,
Қувончим даъраларда садо бўлди-ку,
Токайгача токатимни тоширасиз.

Қалб кўзини ёритмаса ёр нигоҳи,
Эритади тошларни кўнглимнинг оҳи,
Бўлмайин сиз тунлари осмоним моҳи,
Токайгача шомларимни оширасиз.

Умидим учқунидан чиқиб аланга,
Ўт кетса гар, бу ошиқ бедаво танга,
Сиз хос малҳам бўлмайин битмас ярамга,
Қачонгача шифоларим яширасиз.

Келсангиз йўлингизга сочайин гуллар,
Ифорларга тўлдирай сиз келар йўллар,
Теккизмайин зулфингизга ҳамон қўллар,
Токайгача дардларимни оширасиз.



ЎЗИНГДАН ҚИДИР...

Ўзгалар дардин, беҳис сезмайди,
Ишқда бекарор, саҳро кезмайди.
Ваъдага вафодор мард йигитлар,
Сўзидан қайтиб аҳдин бузмайди.

Сабрни қийнар хижрон азоби,
Тошни учиргай тўфон гирдоби.
Ой ҳам уялиб беркитар юзин,
Ёмон бўлса инсон хулқ-одоби.

Куёш нуридан ялтирар шабнам,
Дарё тўғонга етказар ситам.
Ошно бўлмаса киши гафлатга,
Ҳаёт кечиргай беташвиш, бекам.

Ғамнинг ортидан қувонч келгайдир,
Заранг ер надир, омон билгайдир.
Қозон тагида олов меъерин,
Юзлари куйган қирмоч билгайдир.

Кўпкарда мудом марра кўзланур,
Мотамли уйда махзун сўзланур.
Телбаларча совурилса бойлик,
Шоҳию атлас, кимхоб бўзланур.

Ҳаётингда Абдулла Шоносир,
Нуқсонни аввал ўзингдан кидир.
Худонинг фақат бенуқсонлигин,
Иймон келтириб, танангга сингдир.

МАҲАЛЛАМ

Азалдан эрурсан азиз мукаррам,
Ким кетса йирокка соғинур ҳардам.
Бахтимсан, фаҳримсан йўқ ташвишу ғам,
Ғамхўру қарамда уммон маҳаллам.

Муқаддас заминсан акбару аъзам,
Саркорим ўзингсан, ўзингсан ҳакам.
Сен борсан, ҳўл бўлмас ашқимдан сийнам,
Бошимга соябон, қалқон маҳаллам.

Наздингдан ҳеч нарса четда қолмайди,
Измингсиз маърақа, тўйлар бўлмайди.
Сенсиз қўнгил шодлик, нурга тўлмайди,
Маслаҳатда оқил, қомрон маҳаллам.

Ўзингсан беқиёс ҳаёт мактабим,
Осмонимда порлоқ сўнмас қавқабим.
Ҳам отам, ҳам онам, синглиму акам,
Жонқуяр устозим, сарбон маҳаллам.

Ҳар қўчанг, уйингни ёддан биламан,
Равнақингга шодман, дилдан қуламан.
Бергил десанг сенга жоним бераман,
Қўрқамликда тенгсиз, бўстон маҳаллам.

Ўзбеғу тожик, рус, арман ва қозок,
Аҳил оиладек қўрмайин нифок.
Яшарлар бағрингда беташвиш-иноқ,
Дўстликни эъозлар мезбон маҳаллам,

Истиклол нуридан абад яшнаибер,
Ободонлик сари қадам ташлайбер.
Чин биродарлик ҳамирин ошлайбер,
Келажаги порлоқ, субҳон маҳаллам.

Меҳринг булоғидан бўлмайин бекам,
Сенда умр ўтишин осуда кўркам.
Деб таърифинг бир-бир айладим ракам,
Барчамизга бирдек ошён маҳаллам.



* * *

Софдил ғаразғўйга бўлмайди ошно,
Отлиқ пиёдага бўлолмас ҳамроҳ,
Дунёнинг ташвишин ўйласа доно,
Ғаразғўйлар унга доим қазир чоҳ.

* * *

Тўғри сўз доим ҳам эмас ёқимли,
Ёқмас у баъзида яқинингга ҳам,
Ҳақиқат қанчалик бўлмасин аччиқ,
Уни тан олишга ўргангил одам.

* * *

Ёмонга жой берсанг уйинг тўридан,
Ҳушёрлик кўзгусин сингани демак.
Захарли илон гар ўлган бўлса ҳам,
Тишида оғуси қолади бешак.

* * *

Ишни битирдим пинҳон,
Дебон асло қувонма.
Сир бир кун бўлар аён,
Хоҳ инон, хоҳ инонма.

ГУЛУЗОРИМ

Гулузорим чаман-чаман,
Бўлиб қийғос очилди.
Гўё камалак ранги
Самолардан сочилди.

Атиргул исидан маст,
Куйлаб турар андалиб.
Ўпар гунча лабидан,
Хуснин бетакрор билиб.

Тонгда эсган саболар,
Таратар гул ифорин.
Илҳомланиб бастакор
Қўлга олар дуторин.

Бол арилар гулзорим
Ичра ғужғон яйрайди.
Капалаклар товланиб,
Қанотларин тарайди.

Тоғ ортидан сочиб нур,
Қуёш аста бокади.
Гулларим килиб хузур,
Нурдан маржон такади.

Чирой ёзиб атиргул,
Товланади бекиёс.
Нозланиб тебраниши,
Хусни жамолига мос.

Гулузорим чаман-чаман,
Чиройин йўқ қиёси.
Қимматини сўраманг,
Бебаҳодир баҳоси.

КЕЛ, МАЛАГИМ

Кел, малагим, гўзал малагим,
Ҳижронларда жони халагим,
Сенга етмак орзу тилагим,
Кел, кокилинг келар силагим.

Сенинг бирла кўнгил мусаффо,
Ҳаёт ширин, ёруғдир само,
Ҳисларимга бўлиб раҳнамо,
Келгил ёрим, келгил дилрабо.

Йўллларингга таратиб анбар,
Келиб кулбам этсанг мунаввар,
Фақат менмас, само ҳам кулар,
Кел, қийнамай ёрингни дилбар.

Соғинч бўйнига солиб кишан,
Келиб кўзларим этгил равшан.
Изларингдан унсин-ей гуллар,
Атрофимиз қилибон гулшан.

Демай мени ғариб нотавон,
Рангинамни қилмайин сомон,
Кўнгилда ҳеч қолдирмай армон,
Кел ёнима, келгин-ей жонон.

Оҳ, малагим, зебо малагим,
Ўзингдирсан менга керагим,
Оҳ, малагим, танҳо малагим.
Фақат сени дейди юрагим.



ИЗЛАДИМ

Тўлин ойдек тунлари ғориб¹,
Йўлларимдан адашиб хориб,
Кўз ёшим-ла кўксим суғориб,
Қошлари ҳилолни изладим.

Саҳар чоғи гулзор оралаб,
Турфа гуллар териб, саралаб,
Ёр боғига аста мўралаб,
Тонглари висолни изладим.

Ишк-муҳаббатга бўлиб ғулом,
Тўлиб-тошиб қалбимда илҳом,
Булбулдайин куйлабон мудом,
Ул соҳибжамолни изладим.

Шамол каби тоғлардан ошиб,
Дарёдайин қирғоқдан тошиб,
Гоҳи секин, гоҳида шошиб,
Кўзлари зилолни изладим.

Нолимайин тақдир азалдан,
Кечиб неча-неча гўзалдан,
Ғайратланиб куйдан, ғазалдан,
Ул қадди ниҳолни изладим.

Ёр соғинчи дилим айлаб банд,
Хаста кўнглим эзганда ҳарчанд,
Умид дарзин этғали пайванд,
Ул моҳир кулолни изладим.

Чиройда камолни изладим...

¹ Ғориб – ботиш, сўниш.

ЙЎЛЛАРИНГГА БОЌИБ

Йўлларингга бокиб нигорон,
Кўзларимда шашкатор ёшим.
Висолинг кўмсаб, ўртаниб жон,
Азобдадир бу ғариб бошим.

Нигоҳимни ташлаб харёна,
Қидираман сени гўзал ёр.
Кўролмасам бағрим гирёна,
Бўлиб ўртар, азоби бисёр.

Факат сенга талпинар юрак,
Топай дея ундан оромин.
Ҳис-туйғулар кўкида андак,
Кўрмак истар ёрнинг хиромин.

Фироқингда эзилдим буткул,
Кўзлар нурсиз, таним бемажол.
Ноз-карашманг унутмоқ мушкул,
Дил ўртаган, эй, соҳибжамол.

Токай менга берурсан азоб,
Раҳм айла, кўрсат дийдоринг.
Ҳажрда килмай бағримни кабоб,
Келиб ёзгил, ёрим хуморинг.



ҚАДР-ҚИММАТ

Қафасдаги куш ҳеч яйраб сайрамас,
Вакт юкидан асло, олтин зангламас,
Эзгулик сўзини нодон англамас,
Донолар қадрига етгил ҳамиша.

Қўлдан берганига куш ҳам тўймайди,
Ақлли суҳбатдош гапин бўлмайди,
Қаловин топсанг гар, гулхан сўнмайди,
Имконинг қадрига етгил ҳамиша.

Дарёнинг тубида ётмас курук тош,
Пиёда отликқа бўлолмас йўлдош,
Носипос¹ мардларга эмасдир сирдош,
Мардларнинг қадрига етгил ҳамиша.

Ҳар томчи сув эрур, чўлда бебаҳо
Тақдирда бўлса гар, дашти Карбало,
Саробга сиғиниб бўлмайин адо
Борининг қадрига етгил ҳамиша.



* * *

Устун келса хомхаёл,
Битмас ишлар бошланур.
Йўқотилиб молу хол,
Қора кўзлар ёшланур.

¹ Носипос – яхшиликни билмайдиган, ношукур.

КИЁ-КИЁ БОҚСАНГ ЁР

Киё-киё боксанг агар,
Биё-биё дермидим.
Бўлмасанг ёрим ситамгар,
Шунча азоб ермидим.

Товонингни ўпган кокил,
Тушмасмиди бўйнима.
Сенингдайин, эй моҳидил,
Кирмасмиди қўйнима.

Лов-лов ёнган ёкут ёнок,
Берармиди бир ўпич.
Қолмасмиди шунда мутлок,
Юрагимда ҳеч ўкинч.

Киприкларинг мисли наштар,
Тиғламасди кўксимни.
Ойна бўлиб ғаму кадар,
Кўрсатмасди аксимни.

Дардгинамга ўзинг малҳам,
Бўлмасмидинг гўзал ёр.
Ўтмасмиди ҳаёт кўркам,
Бахтга тўлибон бисёр.



БАҲОР КАФТИДАН

Навбахордан берибон дарак,
Очилгайдир илк бор бойчечак.
Қорлар эриб, куёш тафтидан,
Нур тўкилар баҳор кафтидан.

Шилдирашиб бу кун жилғалар,
Бир-бири-ла ажиб сирлашар.
Баҳор ели булутлар кувиб,
Қир-адирдан ўйноклаб ошар.

Новдаларда куртаклар бўртиб,
Маржон каби терилар катор.
Навбахор соғинчида йўртиб,
Тоғ ортидан ой чиқар бедор.

Тиним билмай қалдирғоч асло,
Ин куради гўёки меъмор.
Чуғурлашиб, кўтариб ғавғо,
Сўфитўрғайлар парвозга хумор.

Атак-чечак қилиб кўзилар,
Интилади онаси томон.
Тоғ сояси аста чўзилар,
Куёш ғарбга оғгани ҳамон.

Елкасига олганча кетмон,
Даласига шошилар деҳқон.
Ғанимат билиб ҳар бир онин,
Шудгорига сепеди донин...



ГУЛ БАҲОНА

Гул баҳона кирдим боғингга,
Кўрарман деб жоним, ўзингни.
Чидолмайин ҳижрон доғингга,
Топай дедим лаоқал изингни.

Ахтарсам-да сени чунона,
Сендан асло топмадим дарак.
Қидиргандай бахтин девона,
Ҳарён боқдим бўлиб жонсарак.

Атиргуллар сенинг ўрнинга,
Таъзим айлаб олдилар кутиб,
Севги рамзи мана биз дебон,
Нозланишди гулдаста тутиб.

Гулзор аро юрдим сарсари,
Турфа гуллар алвон либосда.
Гўзалликда уларнинг бари,
Сенга ўхшар экан қиёсда.

Қатор-қатор гулгун гунчалар,
Товланади қуёш нурида.
Эслатади улар шунчалар,
Лабларингни, хиёл қулгуда.

Қайдасан ёр, айтгил қайдасан,
Қаён кетдинг ташлаб гулзоринг.
Айтгил жонон, қачон қайтасан,
Кўп интизор этмайин ёринг.



ВАСЛИНГ МАЙИН ИЧМАСАМ

Тунлар васлинг майин тўйиб ичмасам,
Лаблар болидан маст, белинг қучмасам,
Ҳижронга висолдан тўнлар бичмасам,
Бир бедор ошиқдек конлар йиғлайман.

Севсаму билмасам вафо каддини,
Унутсам калбдаги жафо дардини,
Ардокласам рашкнинг, ҳатто гардини,
Бир ношуд ошиқдек конлар йиғлайман.

Қирғоқ биз, ўртамизда сувлар окса,
Ҳолимизга тўлқинлар хайрон бокса,
Айрилиқ бир дард бўлиб эшик кокса,
Бир ночор ошиқдек конлар йиғлайман.

Инонган йўл элитмаса ёримга,
Ҳатто чилвир топилмаса доримга,
Бефарқ бўлса ёрим, номус-оримга,
Бир абгор ошиқдек конлар йиғлайман.

Орзуларим учирса гар тўзонлар,
Баҳоримни эгалласа хазонлар,
Дарзланса дил, мисли сувсиз ўзанлар,
Бир хоксор ошиқдек, конлар йиғлайман.



МУСИҚА СЕҲРИ

Қалбинг торларини чертади бир-бир,
Танангга бағишлар ҳаловат-хузур,
Севинчлардан бошингга сочади дур,
Янграса гар, оханрабо мусиқа.

Самоларга парвоз килурсан гўё,
Ўтмиш эртақларга айланур рўё,
Шабистонинг кувади бўлиб зиё,
Янграса гар, бир дилрабо мусиқа.

Хониш қилганидек кумрию булбул,
Таратгандек ифорин бетакрор гул,
Дил тўридан абадий жой олар ул,
Янграса гар, дилга даво мусиқа.

Фикру хаёлларинг олиб қочади,
Дилингга оқибат меҳрин сочади,
Саховатга ҳардам эшик очади,
Янграса гар, соҳибнаво мусиқа.

Баъзан уммон каби уради тугён,
Ё сокинликни у, аллалар чунон,
Кўнгилларда қолдирмас дарду армон,
Янграса гар, жаннат раво мусиқа.



СИРИНГНИ АЙТИБ СУВГА...

Турсанг сойнинг бўйида,
Севган ёринг ўйида.
Хаёлдан ўтар бир-бир,
Куйганинг ёр йўлида.

Қатор-қатор мажнунтол,
Эслатар ёр зулфини.
Эсибон майин шамол,
Очар дилинг кулфини.

Ғарк бўлиб хаёлотга,
Сезмайсан вақт ўтганин.
Қирғоғин ўпиб канча,
Сувлар оқиб кетганин.

Тўлкинлар бирин-кетин,
Фикринг олиб қочади.
Тўлдириб сувнинг бетин,
Гўё сириг очади.

Сиригни айтиб сувга,
Шивирлайсан минг бора.
Ажабмас у сулувга,
Етиб борса деб зора.



РЕЖА СЕҲРИ

Иш қилсанг режали, эй дўст,
Қолмагай асло каму кўст.
Мезон гар бўлса сенга ёр,
Хатолик бўлмагай зинҳор.

Донга тўлиб доим омбор,
Ризку рўзинг этар бисёр.
Ночорлик бўлиб кўп йирок,
Ёқасин йиртади ҳар чок.

Турмушинг бўлиб соз, бекам,
Дилдан кетар ташвишу ғам.
Орзулар ошиб амалга,
Етурсан омон ҳамалга,

Молу-мулкинг бўлибон бут,
Тарк этмагай барака, қут.
Сузмай бошда кора булут,
Андухлар бўлади унут.

Не истасанг етар кўлинг,
Равон бўлур ўтар йўлинг.
Дўстга тўлиб ўнгу сўлинг,
Сахий бўлур икки кўлинг.

Маслаҳату режа билким,
Қалбакиликни хушламас.
Билиб айтар она халким:
«Маслаҳатли тўй таркамас».



ВИСОЛИНГГА ШАЙЛАНАЙ

Боғ кўчаси тор экан,
Атрофи гулзор экан.
Узай десам гулидан,
Тикони озор экан.

Шаркираган соймикан,
Кўкдан бокқан оймикан.
Шу гулзорнинг эгаси,
Муҳаббатга боймикан.

Бўй таратар атиргул,
Ёнбошида райҳонлар.
Тонг чоғи ошиқ булбул,
Ифордан сархуш куйлар.

Гулзорингдан айланай,
Висолингга шайланай.
Атрофингда айланиб,
Зулфингга мен бойланай.

Боғ кўчаси тор экан,
Атрофи гулзор экан.
Шу гулзорнинг бекаси,
Ёрига хуммормикан.



СЕРҒАК БЎЛГИЛ...

Эгри сўзга байрок илма,
Захар тилни кайрок қилма,
Қарға, зоғни сайрок билма,
Сергак бўлгин йигит бўлсанг,
Тиргак бўлгин майиб кўрсанг.

Савоб иш қил, гуноҳдин қоч,
Ночорларга эшигинг оч,
Хунар ўрган оқармай соч,
Хунарли бўл йигит бўлсанг,
Унарли бўл ночор кўрсанг.

Хушлама номард хонасин,
Нондек кўр буғдой донасин,
Арғамчи бил қил толасин,
Савобли бўл йигит бўлсанг,
Жавобли бўл ҳар не кўрсанг.

Беғам бўлма ёвинг кулса,
Хушёр бўлгил овинг бўлса,
Ёрга тутма гулинг сўлса,
Омадли бўл йигит бўлсанг,
Қоматли бўл жонон кўрсанг.

Токатинг тобла хижронда,
Меҳрингни сақла мужгонда,
Савобинг шопир хирмонда,
Сабрли бўл йигит бўлсанг,
Абрли бўл сахро кўрсанг.

Бўла бил йигитнинг марди,
Юкмасин манманлик дарди,
Ботмондир гуноҳнинг гарди,
Ғайратли бўл йигит бўлсанг,
Ибратли бўл нодон кўрсанг.

ОРЗУЛАР ПОЁНСИЗ...

Орзуларнинг йўқдир адоғи,
Ҳаётнинг кўп аччиқ сабоғи,
Меҳнатдандир кўлнинг кадоғи,
Меҳнатдан ҳеч қочгучи бўлма.

Ҳар кишига нияти ёрдир,
Қиш фаслининг жамоли қордир,
Полвон бўлсанг йиқилмак ордир,
Майдондан сен қочгучи бўлма.

Бир йигитга қирк ҳунар оздир,
Кўлнинг кўрки ўрдагу ғоздир,
Дилга малҳам сайроки создир,
Созни ташлаб қочгучи бўлма.

Йўлинг унгай хос бўлса улов,
Молинг омон соз бўлса қишлов,
Қош-киприкка қўнса гар қиров,
Совуқ дебон қочгучи бўлма.

Эй биродар, кўзингни очгил,
Эл улусга меҳрингни сочгил,
Яхшини де, ёмондин қочгил,
Софдиллардан қочгучи бўлма.



АЙТИНГ ДЎСТЛАР

Саболар соғинтирмай елиб турсалар,
Кўнгилдан йирок бўлса ғаму ғуссалар,
Шодмон кунлар мен томон юзин, бурсалар,
Мен яйрамай, ким яйрасин, айтинг дўстлар.

Лапар айтиб, рақсга тушиб жононалар,
Қолдирсалар мени ҳардам ҳайроналар,
Айласалар ошиқ кўнглим сайроналар,
Мен яйрамай, ким яйрасин, айтинг дўстлар.

Созларим созланса ушшоғу баётга,
Зарварағим тўлса бекиёс абётга,
Шукроналар айтсам – бу кўркем ҳаётга,
Мен яйрамай, ким яйрасин, айтинг дўстлар.

Соғинганда хуморим ёзса гўзал ёр,
Муҳаббатдан солибон бўйнима тумор,
Қалбимни тўлдирса ул, кувончга бисёр
Мен яйрамай, ким яйрасин, айтинг дўстлар.

Куйлай олсам баралла кўнгилда борин,
Омадим гули чертса бахтимнинг торин,
Баҳорим яшнаса, кўрмайин заволин,
Мен яйрамай, ким яйрасин, айтинг дўстлар.

Умид учкуни ёритса мақсад йўлим,
Мудом кийғос гулласа боғларим сўлим,
Меҳнат қилиб толмаса ҳеч қачон қўлим,
Мен яйрамай, ким яйрасин, айтинг дўстлар.



МЕҲРИ БЎЛГИЛ...

Пок юракдан, покиза тилак унади,
Окилларнинг кўнглида ҳавас кулади,
Тонгда гул ғунча тугса, булбул қўнади,
Покизаю оккўнгил, бўлгил ҳаётда.

Кўнгил чироғи қуёшдир адашганга,
Ғаним асло хавф солмагай бирлашганга,
Азоблари тарқалгайдир дардлашганга,
Меҳрлию узри бўлгил ҳаётда.

Армон тубсиз қудуғ-у, битмас ярадир,
Ёрига етмаганнинг дили порадир,
Ваъдасин унутганнинг бети корадир,
Вафолию сафоли бўлгил ҳаётда.

Қувончнинг хуш қўшиғи дилларга чирок,
Йўлчи юлдуз тунлари самода маёк,
Ҳар ким ўз қилмишига бергайдир сўрок,
Иззатлию хизматли бўлгил ҳаётда.

Йигит бўлсанг белинга белбоғинг бўлсин,
Ўз юртингу элинга чироғинг бўлсин,
Сувсаганда тоғинга булоғинг бўлсин,
Меҳнаткашу ғайратли бўлгил ҳаётда.

Ўртанмасин диллар ғамнинг ғуборидан,
Кўнгиллар шодлансин бахтнинг туморидан,
Сархушдир ошиқ, висолнинг хуморидан,
Бахтиёру икболли бўлгил ҳаётда.



ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Ошик дилим этиб шодумон,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.
Висол майин айлаб армуғон,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

Йўлингизга жонимни тўшай,
Дарё бўлиб беармон жўшай,
Кувончимга, кувончлар қўшай,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

Сизга атаб гуллар эккандим,
Ёшларимни тунлар тўккандим,
Йўлингизга кўзлар тиккандим,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

Сиз келдингиз дилим порамас,
Сиздан бўлак ҳолим сўрамас,
Энди ҳижрон менга жўрамас,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

Сиз-ла кулбам тўлди нурларга,
Етказдингиз бахтли кунларга,
Зиё бўлиб қаро тунларга,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

Хос дорбоним энди ўзингиз,
Шифоимдир ширин сўзингиз,
Ибо тўкиб шахло кўзингиз,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

Эй Шифойи, висолни куйлаб,
Бекам ёруғ кунларни ўйлаб,
Дегил, ёрни кучиб, авайлаб,
Хуш келдингиз ёр, хуш келдингиз.

ГУМОН ҚҰНМАСИН

Садокат хуш сўзи дилларга чирок,
Инсон борки мудом меҳрга чанкок,
Ошиқлар хамиша висолга мушток,
Соғинчинг сой бўлиб ёшга тўлмасин.

Эзгу тилак, иймонли қалб маҳсули,
Хар киши ким, айтган гапининг қули,
Мактасанг-да бугдой бўлмагай сули,
Ниятингни нархи миннат бўлмасин.

Токатни тоблантирар сабру чидам,
Инсон хулқу одоби билан кўркам,
Бу кун қувонч, эртанг-чи, келтиргай ғам,
Умидинг учкуни эрта сўнмасин.

Гулларнинг ифори булбулга илҳом,
Карвонлар манзилни кўзлагай мудом,
Мардларга ор эрур, бўлмаклик ғулом,
Шитобингни шанига гумон қўнмасин.

Йўклагайлар бўлсанг агар давлатли,
Суклагайлар бўлсанг кўркам савлатли,
Бўлолсанг бўл, Алпомишдек келбатли,
Хусну жамолингга кўзлар тегмасин.

Эй Шифойи, бу дунё ўтар-кетар,
Сендан сўнг ҳам кўп ёруғ тонглар отар,
Из қолдир дилларда абадий ёнар,
Хотиранг ёдлардан асло ўчмасин.



ЙИГИТ БЎЛСАНГ...

Тоғ чўккиси корсиз бўлмас,
Йигит марди орсиз бўлмас,
Хос созанда торсиз бўлмас,
Бетакрор бўл йигит бўлсанг,
Вафодор бўл ёринг севсанг.

Ғунча – гулнинг ўтган уни,
Ширмой бўлмас арпа уни,
Бойкуш қўмсар коро тунни,
Зиёкор бўл йигит бўлсанг,
Бунёдкор бўл чўлни кўрсанг.

Соғинч ҳисси дилни ўртар,
Гумон рашкдан олдин бўртар,
Рост юару ёлғон йўртар,
Ростгўй бўлгил йигит бўлсанг,
Ҳақгўй бўлгил ёлғон кўрсанг.

Соткин сотмай тура билмас,
Бахил эзгу ният қилмас,
Ҳасад чирой кўра билмас,
Сахий бўлгил йигит бўлсанг,
Сокий бўлгил давра курсанг.

Ёвнинг ширин сўзидан кўрк,
Ебтўймаснинг кўзидан кўрк,
Нодон дўстнинг ўзидан кўрк,
Одил бўлгил йигит бўлсанг,
Қобил бўлгил элда юрсанг.

Умид қилма ўчган ўтдан,
Бахт кидирма ўзга юртдан,
Дўстмас сени хўрлаб, туртган,
Содик бўлгил йигит бўлсанг,
Собир бўлгил захмат кўрсанг.

Оташ қалбада ғайрат сўнмас,
Қора толга булбул кўнмас.
Пок ниятга бахил кўнмас,
Ҳозик бўлгин йигит бўлсанг,
Босик бўлгин нодон кўрсанг.

Эй Шифоний, бўл камтарин,
Ҳавас килма ўзга зарин,
Кенг оча бил дўстлик баърин,
Дарёдил бўл йигит бўлсанг,
Раҳмдил бўл ночор кўрсанг.



* * *

Ғамли куним май билан бўлди кўнглим тўк,
Шодон бўлсам май яна бўлди ҳамроҳим.
Вақт ўтиб, энди у кунларнинг фарқи йўқ,
Фақат шароб бўлса бас, ўчириб оҳим.

ЖОНОНА ҚИЗЛАР

Баҳор чоғи тол баргак тақиб,
Камалакнинг рангларин қоқиб,
Қош остидан ҳаёли боқиб,
Қуйдиради жонона қизлар.

Очилганда лолақизғалдоқ,
Ранг олади ундан ол ёноқ,
Қиё боқилинга қилиб муштоқ,
Қуйдиради жонона қизлар.

Қулгилари сойдек шарқираб,
Нигоҳлари ўтдек ярқираб,
Найзадек киприклар пирпираб,
Яйратади жонона қизлар.

Давра олиб айтишиб ялла,
Қуёш суюб балқиган палла,
Раксага тушиб нозлар ила,
Ўйнатади жонона қизлар.

Борингизга минг бора шуқур,
Шод қулгингиз бебаҳо эрур,
Дилга мудом тўлдириб ғурур,
Қуйлатади жонона қизлар.



УЗИБ РАЙҲОН ШОХИНИ...

Гунча эртан гул бўлар,
Чўғлар сўниб кул бўлар.
Ипк дардига мубтало,
Муҳаббатга кул бўлар.

Ваъда вафоси билан,
Куйлар сафоси билан,
Гўзал яна гўзалдир
Ҳаё, ибоси билан.

Муз устида из қолмас,
Баҳордан сўнг қуз қолмас.
Чин ошиқлар ҳеч қачон,
Висол йўлида қолмас.

Узиб райҳон шохини,
Тақил ёр чеккасига.
Айтгил юрак оҳингни,
Қолдирмай эртасига.

Эй Шифой, азалдан,
Ҳаёт эрур бебаҳо.
Бўса олсанг гўзалдан,
Бебаҳодир у танҳо.



ТИЛАК

Ўтсин десанг ҳаёт мудом фархунда,
Гумон ҳадиклардан бўлгил сен йироқ.
Тиз чўкмайин десанг рашкнинг қошинда,
Ишончнинг куйларин айла зарварак.

Ҳамиша мақсадинг кўйида яша,
Барчага иноиби айтма сирларинг.
Ғанимлар ҳолингга қилиб томоша,
Устингдан қулмасин пушмон қунларинг.

Хоҳиш-ла кутганинг бўлиб қолмайди,
Лек, умид учқунинг сўнмасин асло.
Севгилисин кучган билак толмайди,
Икки дилда висол бўлса муддао.

Ҳар тонгинг кутиб ол мағрур, шодона,
Омад ҳар вақт бўлсин уйингда меҳмон.
Бахт келтирсин сенга ҳар бир остона,
Хатлаб ўтсанг ундан, ҳардам ҳар қачон.

Баҳоринг яшнасин, кўрмасин хазон,
Муҳаббат кўрғонинг билмасин завол.
Ҳар гапингу ишингда, бўлибон мезон.
Ўз умрингни ўзинг, қилмагил увол.



ҲАМРОҲ ЭТСАНГ

Хос мақсад йўлингда ҳамроҳ тутсанг,
Ҳижронли кунлар интизор кутсанг,
Мени деб захар-заққумлар ютсанг,
Сени демай мен, кимларни дейин?

Хаста куним ёнимдан жилмасанг,
Вафосизлик не, асло билмасанг,
Беҳуда рашқдан дилим тилмасанг,
Сени демай мен, кимларни дейин?

Жўр бўлсанг ҳамиша куйларимга,
Қувончдан бўй қўшсанг бўйларимга,
Илҳом бўлиб кирсанг ўйларимга,
Сени демай мен, кимларни дейин?

Учмоқ истасам қанот бўлсанг гар,
Қучмоқ истасам қувват бўлсанг гар,
Қурмоқ истасам сабот бўлсанг гар,
Сени демай мен, кимларни дейин?

Шифойига илҳомсан сен ўзинг,
Дардларимга малҳамсан сен ўзинг,
Корларимга ҳамдамсан сен ўзинг,
Сени демай мен, кимларни дейин?



АЙТИШУВ

К и з :

Сизга бўлган севгимни ҳазил деманг,
Ўзгалардан кизғонсам бахил деманг,
Уялиб бокмасам кўзларингизга,
Айблаб мени асло беҳис деманг.

Й и г и т :

Севгини ҳавасдан фарқлай оламан,
Ажратоламан сахийни бахилдан,
Изҳор қилолмай севгим қийналаман,
Агар сен тушмасанг араз, жаҳлдан.

К и з :

Давраларда кўриб қиё бокмайсиз,
Чанқоқ дилгинамга ўтлар ёкмайсиз,
Мен бечорани йиғлатиб ҳамиша,
Ашким дарёсида нега окмайсиз?

Й и г и т :

Гапинг рост даврада сенга бокмайман,
Чекканга париваш гуллар тақмайман,
Ўзимни йўқотиб сени кўрганда,
Инонгил, ўзимга ўзим ёкмайман.

К и з :

Гапингизга ишонсам бўладими?
Энди дилим қувончга тўладими?
Ёки ваъдангизда турмасангиз ёр,
Дугоналар устимдан куладими?

Й и г и т :

Бир сўзли йигитман ваъдам-ваъдадир,
Сендан бўлак офатижон кайдадир,
Севгимни ростлигин кўрмоқчи бўлсанг,
Кўзларимга бокгил улар айтадир.

Қ и з :

Сиз яйраб кулсангиз мен ҳам кулайин,
Бир умрга ҳам ёр, ҳам дўст бўлайин,
Ишқу муҳаббатим, сизга бағишлаб,
Булбул бўлиб гулингизга қўнайин.

Й и г и т :

Сен бор экансан ёр ўйнаб куламан,
Такдиримдан рози, мамнун бўламан,
Мукаддас не борки, бариси гувоҳ,
Мен сенинг-ла тирик, сенсиз сўламан.

Б и р г а :

Севгимиз учқуни аланга бўлиб,
Куйдирсин хижроннинг оғир дардини.
Кўнгиллар кундан-кун меҳрга тўлиб,
Топа олсин ишқда, биздек мардини.



* * *

Косибми, сартарошми ёки чилангар,
Ўз касбларин устаси, пири бўлсалар,
Чиқарсалар халқининг ҳожатин агар,
Эл ардоғида бўлишлари муқаррар.

ЁРГИНАМДАН ХАТ КЕЛДИ

Ёргинамдан хат келди,
Ҳам қувончу бахт келди.
Оташин саломи-ла
Тилла равон тахт келди.

Кутган эдим мен уни,
Ҳар сония интизор.
Кунларга улаб тунни,
Умид сўндирмай зинхор.

Келиб мени шод этди,
Дилимни обод этди.
Қувончга қўшиб қувонч,
Беҳад гулистон этди.

Ўқидим такрор-такрор,
Ҳар бир сўзи ёд бўлди.
Ёзилиб бироз хумор,
Армоннинг гули сўлди.

Ёзибди: «Севаман» – деб,
«Соғиндим, жоним» – дебди.
Сезишимча хижрондан,
У ҳам кўп азоб ебди.

Ҳар сўзининг тафтидан,
Ёнди дилдаги учкун.
Гўё ишкнинг кафтидан,
Сув ичдим бўлиб гулгун.

Хатини қилиб тумор,
Бўйнимга такиб олдим.
Ҳисларим жўшиб бисёр,
Минг бора ўпиб олдим.

Ёргинамдан хат келди,
Қувонч тўла бахт келди.
Бир умрга севаман,
Деган катъий аҳд келди.

БИР УМРГА ҚУВОНГАНИ

Қувончимга қувонч қўшган,
Кўрсам гар ҳисларим жўшган,
Паридек самодан тушган,
Гўзал ёрим бордир мани,
Бир умрга қувонгани.

Кокиллар мисли шалола,
Яноқлар кип-кизил лола,
Лаб устида қора хол-а,
Гўзал ёрим бордир мани,
Бир умрга қувонгани.

Ой бас келолмас ҳуснига,
Исми ярашган жисмига,
Бор зарлар етмас ҳасмига,
Гўзал ёрим бордир мани,
Бир умрга қувонгани.

Қошлари камон-бетакрор,
Қора кўзлар боқар хумор,
Лабда шакар асали бор,
Гўзал ёрим бордир мани,
Бир умрга қувонгани.

Гул унар босган изидан,
Баҳори қўп, ёз-кузидан,
Ҳаё томган ҳар сўзидан,
Гўзал ёрим бордир мани,
Бир умрга қувонгани.



УШАЛМАГАН ОРЗУ

Бекат ёнида бир қиз,
Нечун турибди ёлғиз.
Хомуш бокиб ҳарёна,
Йиғлаб тургандай унсиз.

Балки кутар ёрини,
Дилдан интизорини,
Бир қарашда суйдириб,
Олган ихтиёрини.

Маъюс бокар қўзлари,
Лабдан учмас сўзлари.
Балки, дилида авжга,
Чикар алам, бўзлари.

Ваъдасин унутиб ёр,
Қилдими дунёни тор.
Босиб ҳижроннинг юки,
Азоб берарми бисёр.

Тоқати бўлдим тоқ,
Ё сўлдими иштиёк...
Оҳиста юриб кетди,
Ортга қарамай шу чок.

Қизалоқ кетди, аммо,
Очиқ қолди муаммо.
Унинг аниқ жавобин,
Билур биргина Худо.



ОМАД КЕТСА

Омад кетса олтининг ҳам занглайди,
Биров келмай пок остонанг чанглайди,
Кетиб обрўй, кадр-киммат бирма-бир,
Дўстлар тониб, бегонага тенглайди.

Ҳар пардада ногоҳ узилар торинг,
Эшитмагай ҳеч ким нолаю зоринг,
Унитарлар ҳатто дунёда боринг,
Омадсизни кимлар ахир эслайди.

Манзилни кўзласанг унмайди йўлинг,
Барака топмайин тўлмайди қўлинг,
Жарликка айланур ўнгинг-у, сўлинг,
Омадсизни кимлар ахир қўллайди.

Унса ҳам авж олмас сепилган донинг,
Кўпаймай кийнайди кўрада молинг,
Тер тўксанг-да, бесамар ўтар онинг,
Омадсизни кимлар ахир сийлайди.

Минг чирок ёк, бир парвона кўнмайди,
Хуш саломинг девона ҳам олмайди,
Севган ёринг сийлаб, қадринг билмайди,
Омадсизни кимлар ахир имлайди.

Наф кўрмассан беҳисоб давлатингдан,
Ғанимларинг чўчимас савлатингдан,
Завкланмас жононалар суҳбатингдан,
Омадсизни кимлар ахир бўйлайди.

Қокилар ҳар кадамда тулпор отинг,
Учмай туриб кайрилуру қўшқанотинг,
Тузинг тотиб, ерга урурлар зотинг,
Омадсизни, кимлар ахир куйлайди.

Қадам боссанг тупроқда қолмас изинг,
Сўзингга кирмаслар ўғилу қизинг,
Қўйиб берсанг чўкир бир-бирин кўзинг,
Омадсизни кимлар ахир сўрайди.

Гап очиб омаддан Шифойи бу дам,
Бахту иқбол тилар барчага бекам,
Ҳеч ким кўрмасин дея ғаму ситам,
Айлағай дуо ҳар ерда, ҳардам.

* * *

Синалмаган билан чиқма сафарга,
Тушмагил дарёга билмай кечувин.
Азиз жонинг қўйма хавфу хатарга,
Текшириб ич, ҳатто, булоқнинг сувин.

* * *

Нолимагин сен асло ўз ҳаётингдан,
Тўйдим дебон қашшоқлиғу дилтангликдан,
Ҳаётингни яхши-ёмонлиги мудом,
Билсанг ғайратингу ё бегамлигингдан.

* * *

Ишонч-умид дарёсин тўлдириб сувга,
Мақсадинг қалитини беради қўлга.
Келажакнинг йўлини ёритиб равшан,
Қатъиятлик уруғин сепеди дилга.

* * *

Хоҳиш-орзунинг оддий куртаги эрур,
Йўналтирур инсонни ҳамиша олға.
Лек, истак-хоҳишнинг ҳам чегараси бор,
Инсонга ҳар ўтган кун келтирмас совға.

ЁР ЖАМОЛИ

Накш олмадек юзлари,
Ширин-шакар сўзлари.
Лаблар мисоли ғунча,
Кулиб қўйган кезлари.

Ёноғи лов-лов ёнар,
Зиёси кўзни олар.
Бокса агар бир киё,
Дилимга ғулу солар.

Юзи ердаги ойдир,
Сочлари окар сойдир.
Киприклар ўткир найза,
Қошлар қайрилган ёйдир.

Қадам босар оҳиста,
Қўлларида гулдаста,
Ҳаёли бокишлари,
Дилни килур побаста.

Тупрок ўпса тавонин,
Фидо қиладир жонин.
Гуллар униб изидан,
Обод килур ҳарёнин.

Атлас кўйлак ярашган,
Ҳуснидан кўз камашган.
Белга тушган кокиллар,
Туртишиб, жой талашган.

Бармоқлари хиноли,
Жоду кўзлар иболи,
Дилимни килур сархуш,
Нур таратиб жамоли.

Юракка ёкиб армон,
Севгисин тутар пинҳон.
Кўчамдан ўтганида,
Боқаман лолу хайрон.

Нақш олмадек юзлари,
Сехрлидир кўзлари.
Учаркан лабдан қачон,
«Севдим» деган сўзлари?



* * *

Йигит асл фарзанд бўлолмас элига,
Қилмаса эли учун жонини фидо.
Олмос қилич таққани билан белига,
Мард дейилмас душманин қилмаса адо.

* * *

Ҳалоллигу поклик гар бўлса устун,
Ҳаром-ҳариш сендан бўлар кўп йирок.
Садоқату иймон бўлолса бутун,
Йўлингта шайтон ҳеч қўёлмас тузоқ.

* * *

Ошиқлар-чун бирдайин эрур эъзозли,
Висол чоғин келтирган ҳам субҳи, ҳам шом,
Ҳижрон азобидан сўнг янада қучли,
Бир-бирига интилуру кўнгиллар мудом.

РАЙҲОНАМАН

*Севимли набирам Райҳона
тилидан*

Райҳонаман, Райҳона,
Қизалоқман шодона.
Исмим қўшиб куйласам,
Бўлмангиз сиз ҳайрона.

Райҳонаман, Райҳона,
Атиргулга дугона.
Қувнаб рақсга тушаман,
Гуллар сочиб ҳарёна.

Райҳонаман, Райҳона,
Ота-онам дилбанди.
Бахтим билманг афсона,
Мен озод юрт фарзанди.

Райҳонаман, Райҳона,
Қўнғирокдек овозим.
Вактлар ўтиб, бир куни,
Қўлга оларман созим.

Райҳонаман, Райҳона,
Менга қайғу бегона.
Ғамхўр Ислон бобом бор,
Бошим узра парвона.

Келинлар дугоналар,
Бирга-бирга ўйнайлик.
Бахтли болалигимиз
Жўр бўлишиб куйлайлик.

КЕЧИР

Ўтганимда кўчангдан жонон,
Ноз-ла асло, менга карама.
Албат мафтун этарман дебон,
Майин сочларингни тарама.

Биламан мен қайрилма кошсан,
Киприкларинг найза мисоли.
Балки айни ўн саккиз ёшсан,
Хуснинг –тўлин ойнинг тимсоли.

Лабларинг мисли гул ғунчаси,
Ёноғингда ёнар аланга.
Ошиқларинг канча-канчаси,
Интизорлар сенинг йўлингга.

Мени сенга йўқдир керагим,
Чунки қалбда ўзга дилрабо.
Ўшани деб урар юрагим,
Фақат унга интилар танҳо.

Кечир мени, кечир қизалок,
Ҳиссизликда айблама мени.
Икки севги сиғмагай мутлок,
Бир юракка садокат каби.



Ёшлигим

Ёшлигим о ёшлигим,
Шўхлигу бебошлигим.
Ялангоёк чиниккан
Товонлари тошлигим.

Томда учириб варрак,
Кунбўйи ўйнаб чиллак,
Тиним билмайин андак,
Ўйинга сирдошлигим.

Анҳорларда чўмилиб,
Иссик кумга кўмилиб,
Тўп ортидан югуриб,
Дўстларга йўлдошлигим.

Кўю кўзилар бокиб,
Гоҳо гулханлар ёкиб,
Орзу кўкида окиб,
Сабрга бардошлигим.

Кизлар сочидан тортиб,
Дарс қилмай, тўпдин ортиб,
Танда ғурралар бўртиб
Шўхликка қардошлигим.

Мана ҳозир бобоман,
Набира катор-катор.
Хаёлим-ла ёнаман,
У йиллар қилиб хумор.



ОТАЖОНИМНИ СОҒИНИБ

Набирамни эркалатиб отам дейман,
Саҳий кўрсам, сизнинг каби хотам дейман,
Сизсиз ўтган ҳар бир оним мотам дейман,
Қаердасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил олим отам.

Сизсиз омад, бахту тахтим бутун бўлмас,
Раҳм қилмай тақдир менга, асло кулмас,
Дунё зарин берсалар-да, кўнглим тўлмас,
Қаердасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил олим отам.

Кийиб кўрсам, менга лойиқ чакмонингиз,
Занг босибди, Сиз ишлатган кетмонингиз,
Ҳуриларми энди сизнинг меҳмонингиз,
Қаердасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил олим отам.

Хақиқатни кўрарди одил кўзингиз,
Комиллигин билдирарди ҳар сўзингиз,
Садокатга тимсолдингиз сиз ўзингиз,
Қаердасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил олим отам.

Ўпармиди отам бўлса пешонамдан,
Кетармиди кемтик ҳислар қошонамдан,
Бахтлар хатлаб ўтмасмиди остонамдан,
Қаердасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил олим отам.

Тушунмадим бу дунёнинг ишларини,
Адаштирар гоҳо баҳор кишларини,
Етимликда кўрдим очлик тишларини,
Қаердасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийҳиммат, очик кўнгил олим отам.

Отажоним энди билдим кадрингизни,
Ололмайин доғда колдим дардингизни,
Қўрмадингиз набирангиз-мардингизни,
Қасрдасиз меҳрибоним, жоним отам,
Олийхиммат, очик қўнгил олим отам.

Иншооллох дуолар ижобат бўлғай,
Қоронғу қабрингиз хуш нурларга тўлғай,
Хақ хоҳласа жойингиз жаннатда бўлғай,
Дуогўйим, меҳрибоним жоним отам,
Томримдаги оккан коним, шоним отам.



* * *

Ҳасадгўй каж дардидан тупурса ҳам қон,
Олтин лycopча талаб қилар бегумон.

* * *

Пухта бўлса агар ўйлаган режанг,
Уни бажаришда бўлмайсан тажанг.

* * *

Фарзанд инсон умрин вориси эрур,
Шохсиз дарахт албатта курур.

ИЛТИЖО...

Осмон бўлай юлдузларингга,
Дарё бўлай қундузларингга,
Тупрок бўлай хуш изларингга,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Соғинганда зорим десанг бас.

Чирок ёксанг парвонанг бўлай,
Хатлаб ўтар остонанг бўлай,
Мажнундайин девонанг бўлай,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Ишқдан куйлар торим десанг бас.

Ён десанг гар, ишқингда ёнай,
Хоксор бўлиб кўнглингни олай,
Соғинчлардан дарёдек тўлай,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Ўтда куймас орим десанг бас.

Кумуш бўлиб куйдирсанг ҳам ёр,
Севмай мени, суйдирсанг ҳам ёр,
Икки кўзим ўйдирсанг ҳам ёр,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Бу дунёда борим десанг бас.

Ёвга отар камонинг бўлай,
Сенга содиқ саманинг бўлай,
Сайр қилар чаманинг бўлай,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Асло сўнмас қўрим десанг бас.

Хазон каби йўлингда ётай,
Ой нуридай кўзингга ботай,
Фироқингда шамдайин کوتай,
Фақат мени ёрим десанг бас,
Муҳаббатим – билмайин ҳавас.

НИГОҲЛАР СЎЗЛАГАНДА

Висол майин ичганда,
Ёргинамни кучганда,
Дуру гавҳар керакмас,
Санам ёнда турганда.

Дил-дилга қўшилганда,
Ҳиссиёт эшилганда,
Дунё зари керакмас,
Ёрим хандон кулганда.

Ишқдан жўшиб қуйласам,
Бўйим ёрга бўйласам,
Ўзга роҳат керакмас,
Лаб болини сўрганда.

Ёр кокили кўксимда,
Ҳуш қитиклаб турганда,
Ўзга лаззат керакмас,
Ёрим бахт не билганда.

Висолни ҳуш кўролмай,
Армонлар бўзлаганда,
Ҳатто сўзлар керакмас,
Нигоҳлар сўзлаганда.



ХУШ КЕЛДИНГ ГЎЗАЛ БАҲОР

Фасллар келинчаги,
Наврўзнинг беланчаги,
Мўл хосил келажаги,
Хуш келдинг гўзал баҳор.

Борлиқ олам қўзғатиб,
Лолаларга чўлғатиб,
Деҳқон бобом уйғотиб,
Хуш келдинг кўркем баҳор.

Қир-адирлар яшнатиб,
Тойчоқларни кишнатиб,
Бойчечакни қишлатиб,
Хуш келдинг сўлим баҳор.

Сойни сувга тўлдириб,
Қирғоқларни қулдириб,
Навниҳолни ундириб,
Хуш келдинг зариф баҳор.

Тол баргаклар тақдириб,
Шодлик бўлиб хайқириб,
Ҳар ғунчада барқ уриб,
Хуш келдинг зебо баҳор.

Ҳур ўлкамни соғиниб,
Боғларин сўлим билиб,
Абру найсонга иниб,
Хуш келдинг марғуб баҳор.

Сендан элим хурсанд-шод,
Сен туфайли юрт обод,
Юртимда қол умрбод,
Хуш келдинг фасли баҳор.

ҚИДИРМАГАЙ ЎЗ БАХТИН...

Боғ кўчанинг бошида,
Нақд ўн саккиз ёшида,
Гулгун янайди бир киз,
Ўсма ёниб қошида.

Изидан унар ибo,
Лабдин тўкилур ҳаё,
Ақлдин килур жудо,
Бокса бир бора киё.

Гўзалликда бўлиб ҳур,
Лаблар гунча, тишлар дур,
Қошлар камон, кўз шахло,
Барчани килур масрур.

Хуснда мисоли ой,
Чор атрофга сочар нур,
Гулларга бериб чирой,
Камалакдек товланур.

Қанча ошиқ севгисин,
Изҳор қилолмай сарсон,
Пойлабон ҳар кун йўлин,
Учратмай лолу хайрон.

Сўз отса ким мабодо,
Кўча-кўйда ногаҳон,
Қайрилиб ҳам қарамас,
Куйдириб баттар чунон.

Кимга этса у насиб,
Бахтдан қургайдур тахтин,
Тонгда сабодай эсиб,
Куйлагайдир ўз бахтин.

АЗИЗ ДЎСТИМ...

*Дусти учун холис ёрдамини аямай-
диган содиқ, меҳрибон, олийҳиммат
дўстларга бағишлайман.*

Эшиттали дардли, маҳзунли сўзим,
Қувонтириш учун зорикқан кўзим,
Сабри тоқатимга тилабон тўзим,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Қанча-қанча низо солмади каслар,
Қад расо, лек ўзи товоңдин пастлар,
Йўлинг тўссаларда, помард, нокаслар,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Дард юкидан букилганда алп қаддим,
Оғриқдан сўкилганда банди-бандим,
Танга шифо бўлиб, мисли дилбандим,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Инсон билмагай, дард қачонлар келиб,
Тўшакка михлагай, қалбини тилиб,
Дўстликни улуғлаб, муқаддас билиб,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Майли, жоним сақлаб қоюлмасанг-да,
Тандан дардим юлиб ололмасанг-да,
Шифоим не эрур билюлмасанг-да,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Бу дунё боқиймас, ўтар-кетар,
Муродга ким етмас, кимлардир етар,
Бир умрим сенсиз ҳам, демайин ўтар,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Беайб Парвардигор, учрар каму кўст,
Сийму зар топилар, саноқли чин дўст,
Ғамли кунларимни бўлишиб, эй дўст,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Меҳринг мадор берди, садокатинг сабр,
Оқибатингдан кўрди ботиллик жабр,
Қувонч ашким ёлдириб, мисоли абр,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Сени яхши кўраман, жондин ортиқ,
Чунки сен мен учун бил, ондин ортиқ,
Камдир сенга этсам, жонимни тортиқ,
Келишингни билардим, азиз дўстим.

Тинглагани ҳасрат тўла зоримни,
Ҳал этмакка оғир, мушкул коримни,
Сақлаш учун узулмакчи торимни,
Келишингни билардим, азиз дўстим.



* * *

Кимга, қачон не сўзлашни ажрата бил,
Ҳар бир айтган сўзинг аввал, қилиб таҳлил.

* * *

Қилдан қийик ахтарса киши.
Сокин ўтмас анинг турмуши.

ДУО ОЛ...

Кунингдан бир кун қолса ҳам,
Очликдан илкинг толса ҳам,
Ёв дилга ғулу солса ҳам,
Олтин олма, дуо ол!

Унмаса-да сепган донинг,
Қолмаса-да ҳатто нонинг,
Қийналса-да дарддан жонинг,
Олтин олма, дуо ол!

Осмонингни булут босиб,
Турса-да қовоғин осиб,
Саклаб ор, мардга муносиб,
Олтин олма, дуо ол!

Соғинчлардан сарғайганда,
Бухронликдан қийналганда,
Бойлик бериб синалганда,
Олтин олма, дуо ол!

Тош бўлса-да еган ошинг,
Юзга етганда ҳам ёшинг,
Ғам кўрмасин десанг бошинг,
Олтин олма, дуо ол!

Муродимга етай десанг,
Бахту омад кучай десанг,
Самоларга учай десанг,
Олтин олма, дуо ол!

Шифойи шеъринг тугатиб,
Кутмайин омадинг ётиб,
Қолмайин ғафлатга ботиб,
Олтин олма, дуо ол!

ПАРИЗОД

Гулзор оралаб аста,
Гул терадир паризод.
Балки, ажиб гулдаста,
Тузмокчидир бўлиб шод.

Гуллар таратиб ифор,
Жонон йўлин тўлдирар.
Минг хил товланиб бисёр,
Камалакни сўндирар.

Лов-лов ёниб ёноклар,
Атир гулдан ранг олар.
Лаблар мисоли ғунча,
Кутар тотли бўсалар.

Турли-гуман хос гуллар,
Паризодга термулар.
Хуснин қилишиб кўз-кўз,
Малак олқишин кутар.

Гулзор оралаб аста,
Гул терадир паризод.
Сархуш бўлиб чамандан,
Қўшиқ куйлар хандон-шод.



ИШҚИН КУЙГА СОЛОДИР...

Ўсма қўйма қошинга,
Қошинг ўзи кародир.
Етолмайин васлингга,
Менинг кўнглим яродир.

Куйиб-куйиб дардингдан,
Умрим ўтиб бородир.
Киприклар наштариндан,
Ошиқ таним яродир.

Ушласам билагингдан,
Юрак бежо уродир.
Истагу тилагингдан,
Бахтлар иси келодир.

Ҳар босган изларингдан,
Тупрок бўса олодур.
Кечалар тобонингдан,
Атроф нурга тўлодир.

Сочинг тортқилаб сабо,
Ҳазиллашиб қўёдир.
Хуснда билиб зебо,
Атрофингда елодир.

Таърифингда Абдулло,
Сўз тополмай адодир.
Эшитарсан деб илло,
Ишқин куйга солодир.

ИНСОФ БЕР ЎЗИНГ...

Ишончу мақсадим олға бошлайди,
Келажакка дадил қўй, дейди қадам.
Ушалмаган орзу дилим ғашлайди,
Умидим қўчасин тарк этмай бирдам.

Не учун одамзод яралган бундай,
Чегараси йўқдир, орзу истагин.
Бўлса ҳам бойлиги сахрода кумдай,
Бойлигим қўпайсин, дейди у тагин.

Шукрона қилмайин бориға сира,
Сабр косасини лик тўлдиради.
Қўнгил ойинасин қилибон хира,
Қаноат ҳиссини нақд ўлдиради.

Сабот қўчасига бошин сукмайди,
Ҳарому ҳаришдан қилмайди ҳазар.
Панду насиҳатдан ибрат уқмайди,
Бу қандай одату ҳислат алҳазар.

Эй Яратган эгам, инсоф бер ўзинг,
Бу ёруғ оламда, ҳар бир инсонга.
Олий неъмат эрур калиманг-сўзинг,
Ўргатгил барчани инсоф, иймонга.



СЕН БИЛМАДИНГ...

Соғинч сарғайтириб дилимни тилди,
Ғам-ташвиш мўйимга қировин илди,
Холимдан ғанимлар минг бора кулди,
Фақат сен билмадинг, билмадинг дилдор.

Қисмат саховатин мендан аяди,
Камалак қонимдан ранглар бўяди,
Ашким дарёсига уммон тўяди,
Фақат сен билмадинг, билмадинг дилдор.

Кувонч қўнғироғин чалмади, сенсиз,
Бахтим шамчироғи ёнмади, сенсиз,
Васлингни эслабон йиғладим унсиз,
Фақат сен билмадинг, билмадинг дилдор.

Армон ёқам йиртиб килди тантана,
Ўкинч дилим тилди аямай яна,
Фироқингда ўтди қанчалар сана,
Фақат сен билмадинг, билмадинг дилдор.

Ва лекин мен сендан, умид узмадим,
Хиёнат режасин мутлоқ тузмадим,
Вафо қўрғонини асло бузмадим,
Фақат сен билмадинг, билмадинг дилдор.



БИР КАМ ДУНЁ...

Ғанимлар ғамимдан шодлангани рост,
Бахиллар боғимга тошлар отади.
Дўст ачитиб гапирса мудом, рўйи рост,
Лаганбардор «мактов» ўкин отади.

Хасисларга ёт эрур садака, закот,
Нокасларга ёмонлик, бахиллик бисот.
Сахий хотамтойликда гар чиқарса от,
Хасислар аламидан бўларлар барбод.

Бу дунё не учун бундай тузилган,
Кимдир ҳақиқат деб чекади азоб,
Ёмонгамас, яхшига чоҳ қазилган,
Яхши пойгакдаю тўрдадир каззоб.



* * *

Метиндек бўлса агар ҳақиқат минбари,
Ёлғон синур албат, чирик дарахт сингари.

* * *

Кишида йўқ ўлса поклик, инсоф, диёнат,
Уни осон олур ўз домига хиёнат.

* * *

Ким устозлар ўғитин олса қулоқка,
Ҳаётда омади кетмас йирокка.

ДИЛ ЎРТАНУР

Йирокда бўлсам гар, она Ватандан,
Ифорлар таратган гулзор чамандан,
Баҳра ололмасам яйраб ҳамалдан,
Лов-лов ёнибон дил ўртанур дўстлар.

Умр сўнса бирдан, учган юлдуздай,
Ёлғиз бўлса куним, тунсиз кундуздай,
Тополмасам омадим излай-излай,
Лов-лов ёнибон дил ўртанур дўстлар.

Юз ўгирса мендин кошу камонлар,
Инкор этса севгим моҳи тобонлар,
Ёкам йиртса ёвдай, ўкинч армонлар,
Лов-лов ёнибон дил, ўртанур дўстлар.

Бахт излабон харгиз дунё кезганда,
Бадкирдору нодон дўстдан безганда,
Умидимдан гоҳо кўнгил узганда
Лов-лов ёнибон дил ўртанур дўстлар.

Кувонч ҳисси тарк этса мени буткул,
Қалбда туйғу сўнса, сўлигандек гул,
Зоғлардек куйласа хушовоз булбул,
Лов-лов ёнибон дил, ўртанур дўстлар.



НЕГА МУНЧА КУЙДИРАСАН

Ўзгаларга киё боқиб,
Дилга рашк ўтини ёқиб,
Чекканга гулларни тақиб,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Севдим десам тутоқиб,
Кетасан этагинг қоқиб,
Ошиқ кўнгилга ўт ёқиб,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Ваъдангга вафо қилмайин,
Келаман дебон келмайин,
Мени назарга илмайин,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Чимириб камон қошингни,
Кибир-ла тутиб бошингни,
Отиб озорли тошингни,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Тоттирмай лабинг болини,
Сўрамай ёринг холини,
Сўлдириб умид толини,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Армоним хамирин ийлаб,
Куйламай севгимиз сийлаб,
Чорламай ҳаттоки имлаб,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Яшириб гул оразингни,
Айтолмай ҳамон розингни,
Канда қилмай аразингни,
Мунча мени куйдирасан,
Нозинг ила суйдирасан.

Абдуллани қийнай-қийнай,
Шоир қилдинг ўзинг билмай,
Ёзарман шеър энди тинмай,
Бас, умидим сўндирмагил,
Айриликка тўйдирмагил.



* * *

Шох бўлсанг ҳам Сулаймон каби,
Камтарин бўл, бўлгил бағри кенг.
Бокийда йўқ, фоний мансаби,
Барча бирдек, тупроқ билан тенг.

* * *

Бугун мен, эртага кетасан сен ҳам,
Ҳаёт абадиймас инсонлар учун.
Факат Ўзи билар Яратган Эгам,
Қачон ва каерда «ечилар тугун».

АЛЛОҲ ЎЗИ ҚЎЛЛАГАЙ

Ҳалол бўлса гар еган нонинг,
Меҳнатда ўтса ҳар бир онинг,
Меҳру оқибат, бўлса номинг,
Аллоҳ сени Ўзи қўллагай.

Саховатда бўлсанг бетакрор,
Эзгуликни айласанг шиор,
Илму-фанда топсанг гар қарор,
Аллоҳ сени Ўзи қўллагай.

Фарҳод каби тошлар кесганда,
Мажнундайин саҳро кезганда,
Кетиб омад дилинг бузганда,
Аллоҳ сени Ўзи қўллагай.

Орзу-ният йўлида толиб,
Адашмасанг армонда қолиб,
Бўла ол деб ҳар ишда ғолиб,
Аллоҳ сени Ўзи қўллагай.

Қутлуғ кунлар бўлмасанг шодон,
Бевафо ёр чектирса фиғон,
Балолардан қутқариб омон,
Аллоҳ сени Ўзи қўллагай.

Эй Шифойи, кайғурмагил кўп,
Тақдирингдан юрмагил нолиб,
Пок ниятинг бўлса гар ғолиб,
Аллоҳ сени Ўзи қўллагай.



БАЛКИ СОҒИНЧИМ ҚАРИРМИДИ

Унута олсам сени дилдора,
Балки арирмиди ташвишларим.
Соғинч-дардига топибон чора,
Ўтармиди тинч ёзу кишларим.

Хажр ўтида ўртанган бу кўнгил,
Балки топармиди ўз оромин.
Ишқ нашидасин тотмаган бу дил,
Ёниб куйламасди юрак зорин.

Балки зулукдек ёпишиб армон,
Аямай сўрмас эди қонимни.
Илкимни тарк этиб мутлоқ дармон,
Қилмасиди танг менинг ҳолимни.

Балки азоблар бўлиб мухтасар,
Қийнамасмиди гирён дилимни.
Боғламасмиди балки шунчалар,
Ишқин куйлаган ошиқ тилимни.

Ҳис-туйғуларим бир-бирин қувлаб,
Оқмасмиди ҳамиша сен томон.
Ёрқин кунларин тунларга улаб,
Бокмасди йўллариנגга нигорон.

Аммо, лекин қанчалар уринмай,
Унутолмадим сени малагим.
Висолу хижрон кириб пайдар-пай,
Ишғол этмишлар ошиқ юрагим.

Унута олмас эканман сени...

МУНДАРИЖА

Шифокор шоир.....	3	Она сути – тилсимот.....	51
Азиз Ватаним.....	7	Шоир қалбин очмаса.....	53
Камтарин бўл.....	8	Дўстлик йўли.....	54
Карамда тенгсиз бўл.....	9	Қадрига етгил.....	55
Ўзбекистон саховатпешалар ватани.....	11	Келмасмисан.....	56
Имон тилайман.....	12	Ватан соғинчи.....	57
Ўтма номард кўпригидан.....	13	Болам.....	58
Она Туроним.....	14	Топмагунча.....	59
Умр мазмуни.....	15	Ёр сабри.....	60
Ёрим десанг, бас.....	17	Нигоҳинг меҳмони.....	61
Яшай десанг шохона.....	19	Меҳринг кудрати.....	62
Топилмас.....	20	Ўзбек аёли.....	63
Инсон борки.....	21	Етишмак душвор.....	65
Муқаддас Ватан.....	22	Ой мўралар уялиб.....	66
Баҳор навоси.....	23	Табассум кудрати.....	67
Имонинг сакла.....	24	Аёл.....	68
Ёра айтинг.....	25	Она кишлоғим.....	69
Айлай баён.....	26	Анҳор бўйи.....	71
Хур Ўзбекистон.....	27	Вафода ягона ўзбек аёли.....	72
Юлдузсан порлок.....	28	Борингга шукур.....	73
Фарзандимга насиҳат.....	29	Дўстимга тилак.....	74
Ўзбегим, ўзибегим.....	30	Дала гуллари.....	76
Йигит сўзидан қайтмас.....	31	Жонингга оро.....	77
Асра.....	32	Онажоним дуоси.....	79
Айирмасин.....	34	Отажонимни соғиниб.....	80
Ўзим чораман.....	36	Ўйнагил сен ёр, ўйнагил.....	82
Ғамхўрим ватан.....	37	Ғулзоримга.....	83
Ўзбек йигити.....	38	Гулшана.....	84
Кечиргил халким.....	40	Йирок бўл.....	85
Ватан.....	41	Кетмагил.....	86
Тенги йўк маъво.....	42	Ватан посбонига.....	87
Тун сеҳри.....	43	Баҳор.....	88
Хур ўлка колдирайлик ўғил-қизларга.....	44	Фасллар.....	89
Ўзингга ишонаман.....	45	Ҳамшира.....	90
Йиғлама кўнгил.....	46	Жамолин қилиб кўз-кўз.....	91
Инсоф берсин.....	47	Хумор-ла боқдинг нега?.....	92
Ҳаёт кадри.....	48	Анҳор бўйида.....	93
Ўртанур дил.....	49	Оташ солдинг юракка.....	94
		Найлай.....	95
		Ёр дема.....	96

Унутмайман сени ҳеч қачон.....	97	Баҳор нафаси.....	139
Билмайсан.....	98	Висолингга ташнаман.....	140
Қани.....	99	Бўлолмас.....	142
Келмади.....	100	Она меҳри.....	143
Сўрагил саболардан.....	101	Ёдга солар номинг.....	144
Ҳаёт қайнар.....	102	Оразингни яширма.....	145
Ҳар ушоқда.....	103	Келдим.....	146
Боғим.....	104	Фасли баҳор бўлмаса.....	147
Сирлашдим.....	105	Она тилим.....	148
Кўринди.....	106	Одобинг зийнатингдир.....	149
Бир кам дунё.....	107	Бахтдан кулдирсанг.....	150
Дил нидоси.....	108	Иқболинг кулгани шуидир.....	151
Лола юзин чайғали.....	109	Ёдимдасан, ёдимда.....	152
Эр йигитман десанг.....	110	Омад кулиб бокса.....	153
Ҳануз бегона.....	111	Истак.....	155
Ҳамиша шифоингдир.....	112	Сакла дил орин.....	156
Ҳаёт тарозу.....	113	Ўйнаб-кулинг.....	157
Ёрнинг сурати.....	114	Келинчак фасл.....	158
Жоним тўшай пойингга.....	115	Отажоним.....	159
Окибат меҳрдан, дўстлар.....	116	Умр – оқар дарё.....	160
Орзуга айб йўқ.....	117	Онажонимни эслаб.....	161
Илтимосга қуниг қолмасин.....	118	Изларинг ўлиб.....	163
Бўлгил мен тараф.....	119	Юрагиндан қувмагил фақат.....	164
Ноумид бўлма.....	120	Лол қолур хайрат.....	165
Она қувончи.....	121	Шукрона.....	166
Ғанимат бил.....	122	Рустами дoston.....	167
Майлига.....	123	Чиройда бекиёс.....	169
Пойлаганим пойлаган.....	124	Йўлларинг кутиб.....	170
Яхшилик қил.....	125	Севги бўлса чинакам.....	171
Аямасдим дунё		Ёшликни қўмсаб.....	173
тожу тахтини.....	126	Узлат майин ичмайди.....	174
Табиатга келар хавасим.....	127	Синмас элим орзуси.....	175
Қучгим келади.....	128	Насихат.....	176
Ўғлоним.....	129	Ишким боғла.....	177
Нажот сўра.....	131	Асра азиз диёримни.....	178
Гўзалдирсан бебаҳо.....	132	Гўзал ёрим бор мани.....	179
Дил изҳори.....	133	Дилрабо.....	180
Қўргим келади.....	134	Сени ўйлайман.....	181
Қиш.....	135	Ўзингсан.....	183
Шабнам ювар юзингни.....	136	Умр олий неъмат.....	184
Ота ўғити.....	137	Бўлмасин десанг.....	185
Райҳон ҳидлаб.....	138	Дўстлар давраси.....	186

Меҳрнинг чироғи	Сирингни айтиб сувга.....	230
сўнмасин асло.....	Режа сеҳри	231
Умидла яшайди инсон	Висолингга шайланай.....	232
Гул шоҳида.....	Сергак бўлгил.....	233
Инон менга гўзал ёр.....	Орзулар поёнсиз.....	234
Армоннинг гули сўлмаса.....	Айтинг дўстлар.....	235
Баланд бўлса икболинг	Меҳрли бўлгил	236
Шукур кил.....	Хуш келдингиз.....	237
Саховатингни бўйла.....	Гумон кўнмасин	238
Кам дема.....	Йигит бўлсанг.....	239
Мукаддасдир.....	Жонона қизлар.....	241
Яна ғубор кўшмангиз.....	Узиб райҳон шохини.....	242
Чилвир айлаб сочларинг.....	Тилак	243
Кадр топмайсан	Ҳамроҳ этсанг	244
Бир дам кўрмасам	Айтишув.....	245
Мақсадсиз манзил	Ёргинамдан хат келди.....	247
кўзлама	Бир умрга қувонгани.....	248
Ибо сири.....	Ушалмаган орзу	249
Чин дўст изладим	Омад кетса	250
Дил армони	Ёр жамоли	252
Оразинг яширма	Райҳонаман	254
Ишк армони	Кечир	255
Ёнимга кел	Ёшлигим.....	256
Куйдирдим	Отажонимни соғиниб	257
Юз ўгирса сендан.....	Илтижо	259
Кўз тегмасин.....	Нигоҳлар сўзлаганда.....	260
Кўрдим	Хуш келдинг гўзал баҳор.....	261
Керакмас тилмоч	Кидирмагай ўз бахтин	262
Токайгача.....	Азиз дўстим	263
Ўзингдан қидир	Дуо ол.....	265
Маҳаллам	Паризод	266
Гулузорим	Ишкин куйга солодир	267
Кел, малагим	Инсоф бер Ўзинг	268
Изладим.....	Сен билмадинг.....	269
Йўлларингга бокиб	Бир кам дунё.....	270
Кадр-киммат	Дил ўртанур.....	271
Баҳор кафтидан	Нега мунча куйдирасан	272
Қиё-қиё боқсанг ёр.....	Аллоҳ ўзи қўллагай.....	274
Гул баҳона.....	Балки соғинчим	
Васлинг майин ичмасам	карирмиди.....	275
Мусика сеҳри.....		

Адабий-бадий нашр

АБДУЛЛА ШОНОСИР

УМР ОҚАР ДАРЁДИР

Шеърлар

Мухаррир *Д. Ражаб*
Рассом *А. Бурханов*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуков*
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*
Мусаххих *С. Салоҳутдинова*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АИ 158. 14.08.09. Босишга рухсат
этилди 07.11.2011. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84×108 ¹/₃₂.
Таймс гарнитурада офсет усулида босилди.
Шартли б.т. 14,7 . Нашр т. 9,45. 2000 нусхада чоп этилди.
Буюртма № 11-277.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: iptd_uzbekistan@mail.ru. www.iptd-uzbekistan.uz

Шоносир, Абдулла.
Ш78 Умр оқар дарёдир [Text]: шеърлар / А. Шоносир:
муҳар. Д. Ражаб. – Т.: «O'zbekiston», 2011. –280 б.

ISBN 978-99-43-01-774-0

УДК: 821.512.133-1

ББК 84(5Ў)6